

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

Қўл ёзма ҳуқуқида

УДК 336.5

САБИРОВА ЛОБАР БАҲРОМОВНА

**« ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МУАММОЛИ КРЕДИТЛАР
МАСАЛАСИНИ ҲАЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ »**

5А340701-«КРЕДИТ» мутахассислиги

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар и.ф.н, доцент

_____ **Н.Э.Холмуродов**

ТОШКЕНТ-2012

Мундарижа

Кириш	3
I.боб. Тижорат банклари муаммоли кредитларининг асосий назарий тушунчаларии, уларнинг юзага келиш сабаблари.	
1.1. Муаммоли кредит: тушунчаси ва унинг юзага келиш сабаблари	6
1.2. Тижорат банкларида муаммоли кредитлар билан ишлаш тизими ва улар ҳисобининг юритилиши.....	15
II.боб. Тижорат банкларида муаммоли кредитлар билан ишлашнинг амалий ҳолати ва уларнинг бошқариш усуллари.	
2.1. Тижорат банкларида муаммоли кредитлар келиб чиқишининг омилли таҳлили	53
2.2. Хорижий мамлакатларда муаммоли кредитлар билан ишлашнинг амалий ҳолати.....	62
III. боб. Муаммоли кредитлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш йўналишлари	
3.1. Тижорат банкларида мавжуд муаммоли кредитлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш масалалари	77
Хулоса ва таклифлар	99
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	104
Иловалар	

.....Кредитга пул бериш осон,

аммо уни қайтариш,

мана қаерда санъат талаб қилинади”.¹

Р. Форд.

Кириш

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида, тижорат банкларининг операцияларини ривожлантириш, ҳамда жаҳон тажрибалари асосида амалиётга тадбиқ қилиш ҳозирги куннинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Жаҳонда юз бераётган молиявий-иқтисодий инқирози шароитида бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ Ўзбекистонда кредит қўйилмалари ҳажмининг йилдан йилга кескин ошиши сабабли муаммоли кредитларнинг вужудга келишининг олдини олишнинг янги усуллари ишлаб чиқиш ҳамда муаммоли кредитлар билан ишлаш долзарб тус олади. Бундай ҳолатда эса, мазкур муаммони ечиш бўйича кескин чоралар қабул қилиниши зарурлигини билдиради.

Тижорат банкларининг кредит операциялари банкнинг асосий даромад манбаларидан биридир. Бироқ бу операциянинг рисклилиқ даражаси анча юқоридир. Таваккалчилик даражасини камайтириш учун, тижорат банкларида юзага келаётган муаммоли кредитлар билан ишлаш тизими тадбиқ этилган. Муаммоли кредитлар билан ишлаш тизими қонунчилик тизимидаги ва марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари билан тартибга солинади. Мазкур диссертация ишида тижорат банкларида муаммоли кредитларнинг пайдо бўлишини олдини олиш, улар билан ишлаш йўналишларининг назарий-ҳуқуқий асосларига, муаммоли кредитлар билан ишлашнинг амалий таҳлили ва илғор хорижий тажрибалари, шунингдек,

¹“ Бозор.Пул Кредит” Журнали. 6 сон 2000 йил

такомиллаштириш йўналишлари ўз аксини топган. Мавзу бўйича асосланган хулоса ва таклифлар берилган.

Мавзунинг долзарблиги Банк тизимининг самарадорлигини ошириш банкларнинг иқтисодиётнинг реал секторини кредитлашдаги фаол иштироки билан боғлиқдир. Тижорат банклари кредитлаш фаолиятида бир қатор муаммоларга дуч келмоқда. Банкларнинг кредит портфели таркиби сифат жиҳатидан тубдан ўзгармоқда. Агар 2000 йилда кредит портфелининг 54 фоизи ташқи қарзлар ҳисобидан шакллантирилган бўлса, 2011 йилда унинг 85,3% фоизи ички манбалар-юридик ва жисмоний шахслар депозитлари ҳисобидан шакллантирилди. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётимиз тармоқларига инвестиция киритиш ва шунинг ҳисобидан тараққиётимизни таъминлашди ички имкониятларимиз тобора ортиб бораётганининг далилидир²

Республикамиз банк тизимини ислоҳ этишга доир Ўзбекистон Республикаси Президентининг муҳим фармонлари ва қарорлари қабул қилинди.

Банкнинг ўз мижозлари олдидаги мажбуриятларини муддатида ижро этишига салбий таъсир кўрсатада. Муаммоли кредитлардан келиб чиқадиган зарарлар қуйидагиларда намоён бўлади:

- банк даромадининг пасайиб кетишига;
- омонатчилар, инвесторларнинг банкка бўлган ишончи йўқолиши ва банк нуфузининг пасайиши;
- кредит операцияларидан олинadиган фойда ҳажмининг қисқариши туфайли, моддий рағбатлантиришларнинг сусайиши, банкнинг малакали кадрларидан маҳрум бўлиши хавфи ортади.

Ушбу ҳолат мазкур муаммони ҳал этиш учун таъсирчан чоралар қабул қилинишини тақозо этади ва танланган мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.

² “2012 йил ватанимиз тараққиётининг янги босқичга кўтарadиган йил бўлади”ўқув қўлланма 2012 йил.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси Кредит рисклари, муаммоли кредитлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бартараф этиш масалалари хорижий олимлардан К.Валравен, Д.МакНотон, М.Озиус, Д.Полфреман, Б.Путнам, Д.Рейдхил, П.Роуз, Ф.Форд, Г.Хоггарт, Э.Шенгларнинг асарларида тадқиқ этилган.

Кредит рисклари ва муаммоли кредитлар билан боғлиқ муаммолар Россия иқтисодчиларидан В.И.Букато, А.Г.Грязнова, В.И.Колесников, О.И.Лаврушин, А.И.Ольшаный, Г.С.Панова, И.В.Пещанская, В.М.Усоскинлар томонидан ўрганилган.

Муаммоли кредит ва кредит рисклари билан боғлиқ масалалар Ўзбекистонлик олимлардан Ш.З.Абдуллаева, О.К.Иминов, Ф.М.Муллажонов, В.В.Пшеничников, В.А.Тен, А.Қ.Қодиров, Т.М.Қоралиев, Д.Ғ.Ғозибеков У.А.Тўхтабаев ва бошқаларнинг илмий ишларида таҳлил қилинган.

Юқорида қайд этилганлар танланган муаммонинг долзарблигини белгилаб берди ва ушбу мавзунини танлашга асос бўлди.

Тадқиқот мақсади тижорат банкларида муаммоли кредитларни бартараф этиш йўллари илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари Диссертация ишининг мақсадидан келиб чиқиб, қуйидаги вазифалар қўйилган:

- тижорат банкларининг муаммоли кредитларининг асосий назарий тушунчалари уларни келиб чиқиш сабаблари.

- тижорат банкларининг муаммоли кредитлар билан ишлаш жараёнини ташкил этишнинг амалий ҳолати таҳлили.

- муаммоли кредитларни бартараф этиш усуллари ва уларга таъсир этувчи омилларни тадқиқ этишда хорижий мамлакатлар тажрибаси.

- муаммоли кредитлар билан ишлаш тизими тизимини такомиллаштириш йўллари.

- муаммоли кредитларни бартараф этиш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ва хорижий тижорат банкларининг кредит портфелида муаммоли кредитларнинг шаклланиши ва улар билан ишлаш фаолияти жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқот предмети муаммоли кредитларнинг вужудга келиш сабаблари ва уларни бартараф этиш йўлларида иборат.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда олинган хулосалар, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан муаммоли кредитлар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш масалалари келтириб ўтилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқот натижалари тижорат банкларида муаммоли кредитларнинг вужудга келиш сабабларини аниқлаш, уларни юзага келишининг олдини олиш ва мавжуд муаммоли кредитларни бартараф этишни такомиллаштириш, гаров таъминоти сифатида расмийлаштирилган мулкни суддан ташқари ундируви тартибининг ҳукукий асосларини такомиллаштириш ва муаммоли кредитларни реструктуризациялашнинг самарали усуллари жорий қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми диссертация иши таркибан кириш қисми, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат

1. боб. Тижорат банклари муаммоли кредитларининг асосий назарий тушунчалари, уларни келиб чиқиш сабаблари.

1.1. Муаммоли кредит: *тушунчаси ва унинг юзага келиш сабаблари.*

Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг самарадорлигини ошириш иқтисодиётнинг реал секторини кредитлашда банкларнинг фаол иштирок этиши билан боғлиқдир, Бироқ, мамлакатимиз тижорат банклари кредитлаш фаолиятини олиб боришда бир қанча қийинчилик ва муаммоларга дуч келмоқда. Айниқса, бугунги кунда тижорат банкларини даромад келтирувчи активларининг асосий қисмини ташкил этувчи кредитлар орасида муаммоли кредитларнинг мавжудлиги сезиларли бўлмоқда. Айниқса “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” ги (ПҚ 1438) қарорида мазкур муаммони ечишга алоҳида эътибор берилиши ҳам унинг бугунги кундаги аҳамиятини белгилаб бермоқда.

Банклар жалб қилинган маблағлардан асосан кредит бериш сифатида фойдаланар экан, бунда нафақат даромад олиш, балки маблағларни “кредит олувчи”дан тўлалигича ундириб олиш масаласини олдиндан белгилаб олиши зарур. Чунки, “банк сармоя эгаси сифатида сармояни эмас, балки сармоядан фойдаланиш ҳуқуқини маълум бир шарт ва устама фоизлар билан сотади”³.

Айни пайтда бизнинг мамлакатимизда ҳам илмий-назарий ҳамда амалиётчилар доираларида “муаммоли кредит” тушунчаси аввалгига нисбатан анча кўпроқ қўлланилмоқда ва баҳс мунозараларга сабаб бўлмоқда. Бу албатта, бежиз эмас, чунки бугунги кунда республикаимиз банк тизимининг кредит портфелида муаммоли кредитларнинг улуши анча юқори фоизни ташкил этмоқда

Бугунги кунда кўп давлатлар банк тизимида умидсиз қарзларнинг кўпайиши муаммосига дуч келаётганлиги туфайли банкларнинг муаммоли

³ Дробозина Л.А. Финансы, денежное обращение, кредит –Москва. ЮНИТИ, 2000. - 329 с.

кредитлари билан ишлаш тизимини такомиллаштириш масалалари долзарблиги яқин келажакда ортиб бораверади. Шунинг учун кредиторлар, шу билан бир қаторда кредитни қайтариш бўйича қийинчиликни бошдан кечираётган қарздор-мижознинг ўзи қай тариқа йўл тутиши керак?- деган саволнинг пайдо бўлиши бежиз эмас.

Жаҳон тажрибаси далолат беришича, шубҳали ва умидсиз қарзлар билан таснифланувчи активларнинг сифати аксарият ҳолларда банк соҳасидаги барқарорликнинг асосий белгиларидан бири ҳисобланади, шунингдек, тизимни ташкил этувчи асосий банклари муаммолари бутун тўлов тизимининг амал қилишига ва аҳолининг банк тизимига бўлган ишончига нисбатан сезиларли зарба бўлиши мумкин.

Муаммоли кредит келиб чиқишига қандай омиллар сабаб бўлмоқда?. Бу саволга жавоб беришда аввало муаммоли кредитлар тушунчасига тўлиқ таъриф бериб ўтиш лозим.

Илмий адабиётларда муаммоли кредитларга бир қанча таърифлар берилган. Айрим адабиётларда, тижорат банклари фаолиятида хавфли бўлган кредит қўйилмалар - бу муаммоли кредитлар шаклига кирган қўйилмалардир деб таърифланса, айрим адабиётларда муаммоли кредитлар деганда, объекти, субъекти ва таъминотига нисбатан банк томонидан шубҳа пайдо бўлган кредит дея таъриф берилган. Шунингдек, агар берилган кредит муаммоли таъминотга эга бўлса ва ушбу таъминотнинг қиймати қайтарилмаган қарз миқдоридан кам бўлса, бу ҳолда ушбу кредит муаммоли кредит ҳисобланади, субстандарт ва ундан паст таснифланувчи кредитлар муаммоли кредитлар тоифасига киради.

Муаммоли кредит деганда, “субстандарт”, “шубҳали” ва “умидсиз” кредитлар сифатида таснифланган кредитлар тушунилади. Ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра, муаммоли кредитлар кредит рискларининг амалда яққол намоён бўлишининг натижасидир, яъни кредит рискларини тўғри бошқара олмаслик оқибати бўлиб ҳисобланади. Демак, “муаммоли кредит” тушунчаси “кредит рисклари” категорияси билан бевосита

боғлиқдир. Шунинг учун муаммоли кредитларнинг моҳиятини очиб беришда кредит рискларининг иқтисодий мазмунига тўхталиб ўтиш ўринли бўлади ва биз қўйилган мақсадга эришишимизга ёрдам беради.

Замонавий иқтисодий адабиётларда ҳамда бевосита банк амалиётида кредит рискларини бошқаришга банк фаолиятининг марказий бўғини сифатида қаралади. Кредит рисклари жуда кўп хорижий, МДХ ва маҳаллий олимлар томонидан кенг тадқиқ этилган категориядир.

Жумладан, маҳаллий олимларимиз таърифлашча, кредит rischi деганда, қарз оловчи томонидан кредит шартномаси шартларининг бажарилмаслиги, яъни кредит суммасининг (қисман ёки тўлиқ) ва у бўйича фоизларнинг шартномада кўрсатилган муддатларда тўланмаслиги тушунилади.⁴ Россиянинг баъзи олимлари ҳам кредит riskини худди шундай талқин этади.⁵

Умуман кредиторлар riskдан қочишга ҳаракат қилади ва шунинг учун ўзининг riskга мойиллигини ёки ноаниқлик даражасини минимумга чеклашни хоҳлайди. Ҳақиқатда эса улар кредитни бергунча шунингдек бериб бўлгандан кейинги амал қилиш даврида кредитнинг тури ҳамда маълум қарз оловчи билан боғлиқ risk даражасини аниқлашга ҳаракат қилади. Шунини ҳам таъкидлаш жоизки, risk даражаси вақт ўтиши билан ўзгариб бориши мумкин.

Банклар бошқа кредиторларга нисбатан riskни чеклашга кўпроқ ҳаракат қилиши зарур. Чунки улар ўз маблағларидан эмас, балки ўз кредиторларининг, яъни омонатчилар ва бошқа манфаатдор томонларнинг маблағлари ҳисобидан кредит ажратади. Шунинг учун банк ўз кредиторлари олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида ижро этиши riskни қанчалик даражада муваффақиятли баҳолашга боғлиқ бўлади. Бошқа айрим иқтисодчилар эса, “кредитлаш фаолияти кредит riskи мавжуд бўлишининг ягона шакли эмас”, деган фикрни билдиришади.⁶ Бундай фикрдаги, кредит

⁴ Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. Т.: Молия, 2002, 124-б.

⁵ Панова Г.С. Кредитная политика коммерческого банка. М.: ИКЦ “ДИС”, 1997, 286-б.

⁶ Пещанская И.В. Организация деятельности коммерческого банка: Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2001, 33-б.

риски қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларда, банк томонидан кафилилик берилганда ҳам намоён бўлади.

Юқоридаги икки хил таърифнинг қайси бири моҳиятга яқинроқ эканлигини баҳолаш эканмиз, бизнинг фикримизча бу ерда иккита асосий мезонга эътибор бериш лозим. Биринчидан, кредит рисқи айнан кредит билан боғлиқ ҳолатга тегишли бўлади. Иккинчидан, кредит рисқини фаолият натижаси (эҳтимоллик, у ёки бу ҳодисанинг рўй бериши) билан эмас, балки номақбул ҳолатга, яъни муаммоли кредитни пайдо бўлишига олиб келиши мумкин бўлган фаолиятнинг ўзи билан боғлаймиз. Тижорат банкларида юзага келадиган муаммоли кредитларнинг асосий негизини топишда кредитлаш жараёни тўлиқ босқичини бирма-бир ўрганиб чиқиш лозим. Ана ўшанда хато ва камчиликларнинг қаердан келиб чиқаётганлиги аниқ кўринади.

Умуман, муаммоли кредитларнинг келиб чиқиши фақатгина кредит рисқига боғлиқ бўлмайди. Зеро, валюта рисқи, бозор рисқи, фоиз ставкаларининг ўзгариши рисқи ва бошқа қатор рисқларининг мавжудлиги ҳамда уларни тўғри баҳолай олмаслик муаммоли кредитларнинг келиб чиқишига таъсир кўрсатади. Муаммоли кредитларнинг иқтисодий мазмунини тадқиқ этишда рисқларнинг ўрни ва таъсири асос сифатида иштирок этади.

Банк менежменти соҳасида самарали илмий тадқиқотлар олиб борган америкалик мутахассис Питер Роузнинг фикрича, қарз олувчи бир ёки бир неча тўловларни амалга оширмаганлиги ёки кредит таъминоти қийматининг пасайиши кредитни муаммоли кредитлар туркумига ўтишини англатади.⁷

Илмий доираларда муаммоли кредитлар бўйича баҳс мунозараларнинг давом этиб келишига қарамасдан, “муаммоли кредит” терминига иқтисодий категория сифатида ягона, умумэътироф этилган таъриф ҳозиргача берилмаган. Бунинг сабаблари қатор ҳолатлар билан изоҳланади. Авваламбор, мазкур муаммонинг нисбатан янгилиги ҳамда муаммоли кредитлар келиб чиқишининг маълум бир ҳодиса сифатида мураккаблигидир

⁷ Роуз П. Банковский менеджмент. Пер. с англ. – М.: Дело, 1997, 192-б.

ва тадқиқотлар натижаси шуни берадики, муаммоли кредитлар келиб чиқиши ҳар бир банкда ҳар хил омиллар таъсир қилганлигидир. Чунки банк томонидан амалга ошириладиган кредитлаш фаолиятида юзага келадиган жараёнлар иқтисодий омиллар билангина эмас, балки муаммоли кредитларнинг хусусиятларига бевосита таъсир этувчи сиёсий, ижтимоий, техник ва бошқа қатор омиллар билан ҳам белгиланади.

Россия адабиётларида айрим муаллифларнинг таъкидлашича, муаммоли кредит деганда объекти, субъекти ва таъминотига нисбатан банк томонидан шубҳа пайдо бўлган кредит тушунилади.⁸ Уларнинг қарашларича, ностандарт, даргумон ва ишончсиз кредитларни, яъни муддати ўтмаган жорий кредитлардан ташқари барча кредитлар, шу жумладан асосий тўлов ҳамда кредит фоизлари бўйича қисқа муддатли бўлса ҳам қарздорликка эга бўлган, шунингдек, кредит шартномаси шартларини ўзгартирмасдан ҳеч бўлмаса бир маротаба қайта расмийлаштирилган кредитлар муаммоли деб тушунилади. Бу таърифнинг сўнгги жумласига қўшилиш биров кийин, чунки кредитни қайта расмийлаштиришнинг асосида шартнома шартларини ўзгартириш ётади, бу шартларни ўзгартирмаслик эса кредитни қайта расмийлаштиришнинг мазмуни ва мақсадига зиддир.

Ҳолбуки, муддати ўтган кредитнинг асл маъносига кўра муаммоли кредитлар деб бўлмайди, негаки кредит бўйича дастлабки тўловларнинг қисқа муддатга чўзилиши унинг умуман қайтмаслик хатарини англабмайди. Бироқ кредитни сўндириш бўйича тўловларнинг ўз вақтида бўлиши унинг ишончли эканлигини қафолатламайди, яъни айти пайтда ўз вақтида қайтарилаётган кредит келажакда ишончсиз кредитлар туркумига ўтиб қолиши мумкин.

Шунга қарамасдан, кредитлаш тамойилларининг бузилиши банк учун кредитлаш жараёнини ташкил этиш вақтида ечилиши керак бўлган жиддий муаммодир. Бу тамойиллар барчаси кредит шартномаси шартларида тўлиқ акс этганлиги учун муаммоли кредитларга таъриф беришда кредит

⁸ Управление деятельностью коммерческого банка (банковский менеджмент)/ Под ред. д-ра экон. наук, проф. О.И.Лаврушина. – М.: Юрист, 2002, 456-б.

шартномаси шартларининг бузилиши жумласининг ишлатилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Муълумки, амалиётда “субстандарт”, “шубҳали” ҳамда “умидсиз” кредитлар сифатида таснифланган кредитлар муаммоли кредитлар ҳисобланади.

Муаммоли кредитлар моҳиятини янада аниқроқ очиб беришда нима учун “яхши” кредитлар “субстандарт”, “шубҳали” ҳамда “умидсиз” категорияларга ўтиб қолиши мумкин деган саволга жавоб топишимиз керак бўлади. Бунга албатта, аниқ объектив ҳамда субъектив сабаблар таъсир кўрсатади. Муаммоли кредитларни бартараф этиш амалиёти самарали бўлиши учун уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш зарур бўлади. Шу билан бир қаторда, мазкур сабабларни аниқлаш ва уларни таснифлаш муаммоли кредитларни бартараф этиш жараёнинг энг асосий ва дастлабки босқичларидан биридир. Шунинг учун муаммоли кредитлар таърифида мазкур сабабларни эътиборга олиш ўринли бўлади. Шундай қилиб, юқорида келтирилган фикрларни ягона тизимга жамлаган ҳолда муаммоли кредитларга қуйидагича таъриф бериш уларнинг мазмунини тўлиқ очиб беради деб ҳисоблаймиз. Демак, кредит рискларининг амалда яққол намоён бўлишининг натижаси бўлиб, объектив ҳамда субъектив сабабларга кўра кредит шартномаси шартларининг бузилиши оқибатида “субстандарт”, “шубҳали” ҳамда “умидсиз” кредитлар категориясига ўтиб қолган кредитларни муаммоли деб таърифлашимиз мумкин.

Тижорат банклари кредитлаш босқичи дастлаб, банк кредит сиёсатини ишлаб чиқишдан бошланади. Маълумки, кредит сиёсати кредитлаш жараёнида юзага келувчи таваккалчиликни бошқаришда банк раҳбарияти томонидан қабул қилинадиган чоралар ва услубларни белгиловчи, ҳамда банк раҳбарияти ва ходимларни кредит портфелини самарали бошқаришга доир кўрсатмалар билан таъминловчи ҳужжатдир. Бошқача қилиб айтганда кредит ресурсларини жойлаштириш соҳасидаги қарорлар қабул қилиш имконини берувчи қоида ва чеклашлар мажмуи ҳисобланади. Унда

муаммоли кредитлар билан боғлиқ бўлган ҳолатларни аниқлаш ва таҳлил қилиш ҳамда уларни бартараф этиш тажрибалари кўрсатилиши Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларида белгиланган. Аммо, кредит сиёсатида кредитлаш жараёнида муаммоли кредитларнинг юзага келишини олдини олиш чоралари кўрсатилмаган. Ваҳоланки муаммоли кредитларнинг элементлари кредитлаш жараёнининг дастлабки босқичларида юзага келмоқда. Халқимизда шундай нақл бор. “касални даволагандан кўра унинг олдини олган маъқул”.

Кредитлаш жараёнида кредит ҳужжатларини 2000 йил 2 мартдаги № 906-сон “Ўзбекистон республикаси банкларида кредит ҳужжатларини юритиш тартиби тўғрисида”ги низомга асосан (молиявий ҳисоботлар гаров. кафиллик.)ни қабул қилиш ва юритиш аниқ белгилаб берилган. Лекин шуни таъкидлаш кредит таъминотини расмийлаштиришда гаровни қабул қилиш ва баҳолашда асосий қоидаларни тўлиқ ишлаб чиқилмаган. Шуни таъкидлаш, кредит таъминотини расмийлаштиришда гаровни қабул қилиш ва баҳолашда айрим жиҳатлари кўзда тутилмаган. Жумладан, гаровни қабул қилишда гаров мулкини деверсификация қилиш, гаровга айнан бир турдаги мулкнинг олинмаслигига эътибор бериш лозим.

Ўз навбатида, кредитлаш жараёнида ва кредит сиёсатининг тўғри ишлаб чиқилмаганлиги ва унда кредит ходимларига кредитлаш жараёнида аниқ талаб қўйилмаганлиги оқибатида ноаниқликлар содир бўлмоқда.

Амалиётда банклар томонидан ўз мижозларини кредитлаш ҳамиша самарали натижалар билан якулланавермайди. Айрим ҳолларда корхонанинг ўз бизнес-режаларининг номукамал ишлаб чиқишлари ва фаолиятини мақсадли амалга оширилмаганликлари, шунингдек, бошқа турли сабаблар натижасида банклар томонидан тақдим этилган кредитларнинг қайтарилиш муаммоси юзага келади. Албатта, муаммоли кредитлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди ва уларни вужудга келтиришнинг ўзига хос омиллари мавжуд бўлади. Муаммоли кредитларни келтириб чиқарадиган омилларнинг белгилари, кредитнинг мўлжалланган мақсадлари бўйича ишлатилмаслиги,

шартнома, бизнес режа техник-иқтисодий асослаш ва бошқа кредит ҳужжатларида кўрсатилган жадвалларнинг амалга ошмаслиги, қарз олувчининг молиявий-иқтисодий ҳолатининг ёмонлашиш тенденцияси ва бошқалар бўлиши мумкин. Кредит мониторингини доимий олиб борилмаслиги натижасида кредит ва унинг фоизини қайтаришда узилишларга олиб келмоқда.

Муаммоли кредитлар бирданига содир бўлмасдан унинг элементлари кредитлаш жараёнида аста секин юзага кела бошлайди. Муаммоли кредитларнинг доимий мониторинг олиб борилмаслиги натижасида ҳам содир бўлади. Мониторинг жараёнида қарздорнинг бухгалтерия ҳисоботларида молиявий камчиликлар аниқлангандан сўнг, банк ходими албатта корхонага ташриф буюриши (мижоз офисига) керак. Кредитдан унумли фойдаланиш жойларда, корхона ва ташкилотларда, қоида бўйича, ҳар чоракда текширилиши керак. Кредитлаш жараёнида йўл қўйилган хато банк кредит сиёсатининг нотўғри тузилганлигидан далолат беради. Муаммоли кредит асосан кредит портфели таркибидаги кредитларнинг фоизлари билан қайтаришда имтиёзли даврнинг кўп берилишида кузатилмоқда. Шунингдек кредит мониторингида доимий назоратнинг олиб борилмаслиги ва унинг натижасида кредит ва унга тўланадиган фоизларни вақтида тўланмаслиги, охир-оқибатда мижознинг кредиторлик юкини ошиб кетиши ва уни тўлаш бўйича молиявий аҳволининг ёмонлашувиги олиб келмоқда.

Шу билан бир қаторда, муаммоли кредит асосан кредит портфели таркибидаги кредитларнинг фоизлари билан қайтаришда имтиёзли даврнинг кўп берилишида ва бу давр мижознинг пул оқимига қараб белгиланмаслиги, шунингдек, қиска муддатли кредитлашда ҳам имтиёзли даврнинг кўп берилиши асосий суммаси ҳамда фоизининг тўлашини кредит муддатининг охирларига тўғри келиб қолиши оқибатда мижознинг кредит ва унинг фоизни қайтаришда молиявий қийинчиликлар юзага келтирмоқда.

Муаммоли кредитларнинг келиб чиқиш сабаблари турлича бўлиши мумкин. Жаҳон банки маълумотларига кўра, банкларнинг муаммоли

кредитларини юзага келишида ички омиллари бўйича 67% йўқотишларга сабаб бўлади. Бу кўрсаткич ташқи омиллар бўйича бор йўғи 33%ни ташкил этади.

1-жадвал

Муаммоли кредитларни келиб чиқишига таъсир этувчи омиллар⁹

№	ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР	ТАЪСИР ЭТИШ ДАРАЖАСИ(%)
1	Ички омиллар	67 %
2	Таъминот этишмаслиги	22 %
3	Ссуда буюртмасини ўрганишда ахборотни нотўғри баҳолаш	21 %
4	Операция назоратининг заифлиги, ҳамда дастлабки огоҳлантирувчи белгиларни ўз вақтида аниқланмаслик ва улар юзасидан тегишли чоралар кўрмаслик	18 %
5	Гаров таъминоти сифатининг пастлиги	5 %
6	Шартномада кўрсатилган таъминотни олиш имконияти йўқлиги	1 %
7	Ташқи омиллар	33 %
8	Компаниянинг банкрот бўлиши	12 %
9	Кредиторларни қарзни кайтаришни талаб қилиши	11 %
10	Компаниянинг бозорда ўз ўрнини йўқотиши ва ички ижтимоий муаммолар	6 %
11	Ўғирлик, муттаҳамлик	4 %

Уларнинг баъзилари қарздор мижознинг фаолияти билан, бошқалари эса банк фаолияти билан боғлиқ бўлиши мумкин.

⁹ Жаҳон банки маълумотлари www/woldbank/org

**Муаммоли кредитлар келиб чиқишига қарздор билан боғлиқ бўлган
ва боғлиқ бўлмаган омиллар таснифи¹⁰**

Қарздор мижознинг фаолияти билан боғлиқ бўлган омиллар.	Қарздор мижознинг фаолияти билан боғлиқ бўлмаган омиллар.
корхонани тўғри бошқара олмаслиги.(юқори тажрибага эга эмаслиги, режа ва бухгалтерия фаолиятларини сифатсиз ташкил этилиши, хўжалик юритиш жараёнининг барча жабхаларини қамраб ололмайдиган хаддан ташқари марказлашган бошқарув)	асосан кутилмаган сиёсий ҳамда иқтисодий воқеа ва ҳодисалар, қонунчиликда бўлаётган ўзгаришлар, иқтисодий ҳолатнинг кескин ёмонлашуви,
Мижоз фаолиятининг самарасизлиги махсулоти сифатининг пасайиши, уни бозордан чиқиб кетиши,	маълум даражадаги технологик яъни ишлаб чиқаришнинг маънавий эскириши,
корхона молиявий назоратининг кучсизлиги,	табiiй офатлар.
дебиторлик қарздорликнинг кўпайиб кетиши	дебиторлик қарзлар, хом-ашё етказиб берувчилар томонидан йўл қўйиладиган камчиликларни, ўғирлик

Баъзи қарз олувчиларга боғлиқ бўлмаган омиллар тоифасига дебиторлик қарзларни, хом-ашё етказиб берувчилар томонидан йўл қўйиладиган камчиликларни, ўғирлик ва бошқаларни киритишади. Бу ерда асос бўлиб қарз олувчига нисбатан ташқи сабаблар ҳисобланиши мумкин. Бироқ, бунга бошқача қараш ҳам мумкин: қарздор-мижоз хом-ашёни тўла ва ўз вақтида етиб келиши учун, юқори тўлов қобилиятга эга бўлган харидорларни танлаб олиш учун, ишончли қўриқлаш хизматини ташкил қилиш. оқибатда эса кредитни қайтишини кечикиши ёки унинг умуман қайтмаслигига олиб келган зарарларни олдини олиш учун керак бўлган барча хизматларни амалга оширадими? Демак, бу омилларнинг пайдо бўлишида қарздор-мижоз ўзи ҳам сабабчи бўлиши мумкин.

Банк фаолияти билан боғлиқ бўлган сабаблар ҳам турлича бўлади. Бироқ, банкка боғлиқ бўлмаган сабабларга ҳам, шунингдек, иқтисодий

¹⁰ Муаллиф томонидан назарий маълумотлар асосида тузилган.

ҳолатнинг бирданига ёмонлашуви, банк тизимига ишончнинг йўқолиб кетиши, табиий офатлар каби ноҳуш ҳолатларни киритиш мумкин.

Кредитлаш жараёнинг дастлабки босқичларида банк томонидан йўл қўйиладиган камчиликлар натижасида муаммоли ссудалар пайдо бўлади. Буларга қуйидагиларни киритамиз:

- лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосланишини паст даражада таҳлил қилиниши;
- қарздорнинг кредит маблағларидан фойдаланиши устидан мониторингнинг яхши олиб борилмаслиги, яъни қарздорнинг молиявий ҳолати ёмонлашиши, пул оқимларининг салбий динамикаси ҳолатларида кредитни реструктуризациялаш ҳамда кредит статусини ўзгартиришни қамраб олувчи чораларни ўз вақтида кўрмаслик;
- миқдорнинг молиявий ҳолатига тўғри баҳо берилмаганлиги, кредитни чуқур иқтисодий таҳлил қилиш асосида эмас, балки таниш-билишчилик асосида бериш;
- ҳужжатларнинг тўлиқ талаб қилинмаганлиги;
- корхонанинг ўзига хос тармоқ хусусиятларини, унинг ҳақиқий эҳтиёжлари ҳақида юзаки тасаввурга эга бўлиш оқибатида кредитни рисклилиқ даражасини нотўғри ҳисобланиши;
- кредит маблағининг бизнес режада кўрсатилган мақсадларга ишлатилмаслиги ҳамда маблағнинг хуфиёна ўзлаштирилиши;
- кредит таъминоти сифатида таклиф этиладиган гаров предметининг талабга жавоб бермаслиги ёки гаровни юқори баҳолаш натижасида кредит таъминотининг етарли бўлмаслиги;
- банк ходимлари билан ўзаро тил бириктириб, кредит маблағини талон-тарож қилиш оқибатида.
- кредитни нотўғри расмийлаштирилиши, масалан, кредит шартномасида кредитор-банк манфаатларини ҳимоя қиладиган шартларнинг етарли эмаслиги;

- кредитдан фойдаланиш даврида қарздорнинг фаолияти устидан назоратнинг сустиги ва бошқалар ;

Юқоридагилар кредитлаш жараёнинг дастлабки босқичида юзага келади.

Мижоз ва банк ўртасида имзоланадиган кредит шартномалари ҳар икки томон учун мажбурий ҳисобланиб, ўз муддатида тўлиқ бажарилиши талаб этилади.

Кредитнинг ўз вақтида қайтарилмаслигини қуйидаги белгилар орқали билиш мумкин: Банк қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

- a) Балансларнинг белгиланган муддатларда топширилмаслиги (корхонада ҳисоб китоб ишлари издан чиққанлиги ҳақида сигнал);
- b) Дебиторлик қарзини тез суръатларда ўсиши (таркибини таҳлил қилиш, пайдо бўлиш вақти ва унинг ўсиши сабабларини аниқлаш);
- c) қисқа муддатли кредиторлик қарзининг номутаносиб ўсиши;
- d) Ликвидлик коэффицентининг пасайиши;
- e) Активлар суммасида асосий капитал улушининг ўсиши;
- f) Сотув ҳажмининг пасайиши (бозор қандай ўрганилган ва ҳоказо);
- g) Муддати ўтиб кетган қарзларнинг ўсиши;
- h) Операцион фаолиятдан келадиган зарарларнинг пайдо бўлиши ва ҳоказо.

Айнан юқоридаги бандларда келтирилган омиллар кредит мониторингини самарали олиб боришга, салбий таъсир кўрсатиб, муаммоли ссудаларни кредит портфели таркибида ўсишига олиб келади.

Муаммоли кредитлар одатда, қарз олувчининг кредитни тўлаши учун етарли пул маблағлари бўлмаган ҳолларда юзага келади. Баъзи ҳолларда улар миждознинг ҳисобида маблағлар бўла туриб кредитни тўлашни хоҳламаганда ҳам юзага келиши мумкин. Муаммоли кредитлар юзага келиш эҳтимоли пайдо бўлганда банклар эҳтимоли йўқотишларга қарши махсус заҳиралар шакллантирадилар. Заҳираларнинг шакллантириши активлар ўз қийматини йўқотиш гумони туғилганлигини, яъни активларнинг қадрсизланганлигининг

кўрсатилишидир. Ушбу заҳиралар савдоланмайдиган активлар, яъни активларнинг бозор баҳоси бўйича қарздорга талаблар қўйиш амалий жиҳатдан умуман мумкин бўлмаган ҳолатларда мажбуран шакллантирилади.

Қарз олувчи мижозлар учун ташқи умумиқтисодий, сиёсий, тармоқли ва стихиявий ноқулайликлар ёки хусусий, яъни мижоз фаолиятига оид омиллар оқибатида активлар қийматининг йўқолиш шубҳаси юзага келади. Кўрсатилган омиллар қарз олувчининг моддий аҳволининг ёмонлашувига салбий таъсир қилиб, қарздорнинг олинган қарзни қайтариш имкониятларини пасайтириб, ёки умуман йўқ қилиб юборишга олиб келади. Активлар қийматининг йўқолишига, шунингдек, қарз олган мижознинг ўз мажбуриятларини бажармаслигига сабаб бўлади.

Ссудалар портфел доирасида индивидуал асосида баҳоланади. Иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаган аниқ бир ссуда қийматининг ўзгаришини баҳолашда портфелли ёндашув усули қўлланилади. Мисол учун истеъмол кредити ёки кичик бизнесни кредитлашда шу соҳа иқтисодий конъюктурасининг ёмонлашуви бундай ссудалар ҳолатининг ёмонлашувига олиб келади. Бундай вазиятда портфелдаги ҳар бир аниқ ссудаларнинг қайтиш истиқболларини баҳолаб, уларни қайтаришга уриниш жуда қийин ва кам натижали иш ҳисобланади.

Ссудалар қийматининг йўқолганлиги, яъни муаммоли ссудаларнинг келиб чиқиши икки хил йўл билан: бевосита ссуда қийматининг камайиши орқали (мувофиқ сумманинг ҳисобдан чиқарилиши—charge off) ёки эҳтимолий зарарлар учун заҳиралар ташкил этиш йўли орқали акс эттирилади. Заҳирала эҳтимолий зарарларни, яъни активлар қадрсизланишини тан олишни қатъий белгилайди. Натижада заҳиралаш техникаси активлар баҳосининг ўзгаришида энг эгилувчан позиция ҳисобланади. Бундан ташқари, заҳиралаш ссудаларнинг тарихий қийматининг йўқотилганлигини таҳлил қилишга имкон беради.

Қатъий белгиланган юридик маълумотлар, яъни масалан, қарздорнинг фаолиятида банкротлик эълон қилиниши, юқори суд инстанцияларидан рад жавоблари олинishi каби ҳолатлардан қочиb, сермазмун таҳлил натижалари асосида иш кўрилса, муаммоли ссудаларни ҳал этишда вазиятни ижобий томонга ўзгаришига имкон топиш мумкин.

Кредитларни сўндириш билан боғлиқ муаммолар, одатда, тасодифан ва бирдан ҳосил бўлиб қолмайди. Бу маълум вақт давомида ривожланиб борадиган жараёндир. Банкнинг тажрибали ходими мижоз бошдан кечиришни бошлаган молиявий қийинчиликлар жараёнининг пайдо бўлишидан дарак берувчи белгиларни ўз вақтида аниқлаши ва вазиятни яхшилаш ҳамда банк манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўриши мумкин.

Юқоридаги барча ва бошқа қатор сабаблар у ёки бу даражада кредитлаш жараёнини бузилишига олиб келади ҳамда қарздор билан бир қаторда кредитор банкнинг ҳам барқарорлигига зиён етказади. Ўз-ўзидан маълумки, оқибат натижалар бирданига кўринмайди. Улар секин аста капитал айланишига ўзининг салбий таъсирини ўтказади бошлайди. Улар қарздор мижознинг молиявий ҳолатини, унинг ишлаб чиқариш фаолиятини ҳамда кредитлашни ташкил этиш жараёнини акс эттирувчи ўзига хос белгилар орқали намоён бўлиши мумкин. Улар қуйидагилар ҳақида далолат беради:

- бюджетга тўловлар бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд бўлиши;
- қарздор корхонанинг тайёр маҳсулотига талабнинг барқарор эмаслиги;
- молиявий ва бирламчи хужжатларнинг банкка топширилиш муддатларининг кечикиши;
- бухгалтерия ҳисоботида жиддий камчиликларнинг мавжудлиги
- қарздорнинг молиявий хўжалик фаолиятининг ҳақиқатдаги кўрсаткичларини режа кўрсаткичларидан фарқланиши;
- маҳсулот сотиш режасининг бажарилмаслиги;

- кредит таъминоти сифатининг ростлиги;
- асосий ишлаб чиқариш фондларининг сотишдан тушган тушумдан кредитни қайтаришнинг бир марталик манбаси сифатида фойдаланиш
- қарздорнинг айланма маблағларининг етишмаслиги;
- кредитни қайтиши ҳамда у бўйича фоизларнинг тўланишини қисқа муддатли кечикиши;
- кредитни муддатини узайтириш тўғрисида тез-тез банкка мурожат қилиши;

Шунингдек, банк қарздор мижознинг молия хўжалик фаолиятида юзага келадигани қатор ҳолатларга ҳам алоҳида эътибор бериши лозим.

АҚШ тажрибасида маълум бўлишича, депозитларни суғурталаш федерал корпорация томонидан банкларни назорат қилувчи органлар учун муаммоли кредитларни келиб чиқиши ва банк томонидан юқори рискли кредит сиёсати амалга оширилишининг асосий белгиларини қамраб олган махсус қўлланма ишлаб чиқилган.

Шу билан бир қаторда, хориж амалиётида қарздор мижознинг банкрот бўлиш эҳтимоллигини баҳолаш учун қўлланиладиган бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланадилар. Бизнинг республикамызда мавжуд тадбиркорлик фаолиятининг хусусиятларига нисбатан икки даражали кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мумкин.

Биринчи гуруҳ қарздорни банкротликка яқинлаштирувчи, яқин келажакда жиддий молиявий қийинчиликларга тушиб қолиш эҳтимоли мавжудлигидан далолат берувчи кўрсаткичлар киради. Булар ўз ичига қуйидагиларни олади:

- асосий ишлаб чиқариш фаолиятида такрорланиб турувчи муҳим аҳамиятга эга бўлган йўқотишлар;
- кредиторлик қарзларнинг маълум бир чегаравий даражасидан ортиб кетиши;

- қисқа муддатли қарз маблағларидан узоқ муддатли қўйилмаларни молиялаштириш манбалари сифатида ҳаддан ташқари қўп фойдаланиш;
- ликвидлик коэффицентининг сурункали паст қийматда бўлиши;
- айланма маблағларнинг етишмаслигининг такрорланиб туриши;
- жами маблағлар манбаларида қарз маблағларининг хавфли равишда барқарор ортиб бориши;
- қарз маблағлари ҳажмининг белгиланган лимитлардан ортиб кетиши;
- Инвесторлар, кредиторлар ва акциядорлар олдида мажбуриятларни амалга оширмаслигининг давом этиб бориши(кредитларни қайтарилиши, фоизлар ва дивидендлар тўлагишининг ўз вақтида бўлишига нисбатан)
- муддати ўтган дебиторлик қарзларининг қўплиги;
- туриб қолган ҳамда ортиқча ишлаб чиқариш захираларининг мавжудлиги;
- банк муассасалари билан муносабатнинг ёмонлашуви;
- молиявий ресурсларнинг янги манбаларидан нисбатан фойдасиз шартларда (мажбурий равишда) фойдаланиш;
- ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш муддати эскирган асбоб учкуналарни қўллаш;
- узоқ муддатли шартномалар бўйича потенциал йўқотишлар;
- буюртмалар таркибида салбий ўзгаришлар;

Иккинчи гуруҳга эса оғир аҳволини ифодаловчи салбий кўрсаткичлар киради. Шу билан бирга, бу кўрсаткичлар маълум бир ҳолатларда ёки керакли амалий чоралар қўлланилмаган тақдирда қарздор мижознинг ҳолати бирданига ёмонлашишини кўрсатади. Бундай кўрсаткичлар қаторига қуйидагиларни киритса бўлади:

- бошқарув аппаратининг муҳим ходимларини йўқотиш;
- ишлаб чиқариш технологик жараёнини бузилиши ёки мажбурий равишда тўхтатилиши;

- корхона фаолиятининг етарли диверсификация қилинмаганлиги, яъни молиявий натижаларни асбоб ускуналарнинг турлари, активлар каби қандайдир муайян лойихага ортиқча боғлиқлиги;
- янги лойиҳанининг омадли ва фойдали бўлишига ортиқча ишониш; муҳим ҳамкорларни йўқотиш;
- корхонанинг техник ва технологик янгиланишини етарлича баҳолай олмаслик;
- самарасиз узоқ муддатли келишувлар ва битимларни тузиш ва бошқалар.

Иқтисодий ҳолатнинг ёмонлашиши, ишлаб чиқариш суратларининг пасайиши, қарздор корхона тўлов қобилиятининг тушиб кетиши анъанавий тарзда тижорат банкларининг муаммоли кредитлари ҳажмининг ўсишига олиб келади. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда муаммоли кредитлар келиб чиқишининг асосий сабаблари орасида қуйидагилар ажратиб кўрсатилади:

- Қарздорнинг пул оқими ва молиявий фаолияти устидан назоратнинг етарли эмаслиги.
- Қарздор мижоз ишлаб чиқараётган товар ёки кўрсатаётган хизмат лар рақобатбардошлигининг тушиб кетиши ёки бозордаги ўрнининг ёмонлашиши
- Самарасиз маркетинг ва сифатсиз бошқарув
- Қарздор молиявий ҳолатининг малакасиз таҳлили
- Кредит бўлими ходимларининг қарздор фаолият юритаётган тармоқ хусусиятларини ҳамда унинг эҳтиёжларини етарли даражада билмаслик оқибатида кредитни нотўғри тузилмалаш
- Кредитни сундириш даврида банк томонидан мониторингни кучсиз бўлиши ёки умуман бўлмаслиги
- Гаров таъминотининг етарли эмаслиги
- Кредитни мақсадлилиқ тамойилининг бузилиши

Юқоридагилардан ташқари муаммоли кредитлар пайдо бўлишининг белгилари бўлиб, шунингдек, қарздорни банк билан ҳамкорлик қилишдан бош тортиши раҳбариятнинг алмашилиши, кучмас мулк сотиб олиш, асосланмаган рискни зиммасига олиш, маҳсулотни нотўғри баҳолаш, эскиргани ускуналарни алмаштиришни ортга суриш, муҳим контрагентларини йўқотиш ва бошқалар ҳисобланади.

Кредит бериш механизми уйғунлигини таъминлашга қаратилган амалдаги қонун ҳамда меъёрий ҳужжатлар қоидаларига деярли риоя этмаган ҳолда иш юритилиши, кредитлаш босқичларининг қарздор ҳарактерига доир маълумотларни тўплаш, қарз олишга бўлган лаёқатини, ҳукуқини, маблағлар мавжудлигини, таъминот, назорат ва шарт – шароитлар таъсирини ўрганмаслик, мажбурият ижросини таъминлашнинг ҳуқуқий ва иқтисодий таҳлил этиш тартибининг йўқлиги ҳамда мажбурият ижроси таъминотларига белгиланган амалдаги қонун талаблари амалиётда юзага келаётган муаммолар ечимини топиш учун етарли эмаслиги кузатилиб муаммоли кредитлар юзага келиши учун шарт-шароитлар яратмоқда. Банк томонидан, хўжалик субъектларининг айланма маблағлари етишмаслиги, мавжуд маблағларнинг меъёридан ортиқча тайёр маҳсулот қолдиқларига жалб қилиниши, маблағларнинг тайёр маҳсулот сифатида қотириб қўйиш сабабларини ўрганиб бориш, зарарга ишлаётган ва банкротлик аломатлари кўзга ташланаётган хўжалик субъектларининг молиявий аҳволини доимий мониторингини ташкил қилиш банк кредит сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Юқоридаги ҳисобга олган ҳолда банклар амалиётида муаммоли кредитларни юзага келишига таъсир қилувчи омилларни қуйидаги тоифаларга ажратишимиз мумкин.

А) Молиявий омиллар

Тўловларни кечиктириш

Молиявий ҳисоботларни тақдим этмаслик

Мижознинг дебиторлик талабларини яшириш

Солиқ тўловларни яшириш

Дебиторлик талабларини муддатини узоқ қилиб кўрсатиш.

Б) Информацион омиллар

Молиявий ҳисоботларни кечиктириб етказиш

Молиявий ҳисоботларни нотўғри кўрсатиш

В) Ташкилий омиллар

Мутахассисларни нотўғри танлаш

Ҳисоб ва ҳисобот методларини ўзгартириш.

Кредит сиёсатида кредитларни таснифлаш тизими аниқ ифодаланиши лозим, кредит ходимлари кредит портфелидаги барча маълум бўлган салбий ўзгаришлар тўғрисида раҳбариятга хабар беришлари лозим. Қарздор ёки гаров аҳволи ёмонлашишини олдиндан аниқлаш эҳтимолий йўқотишларни камайтириш учун жуда муҳимдир.

Кредит сиёсати кредитларнинг барча тоифалари бўйича “тўловсизлик” тушунчасининг аниқ ифодаланиши, фоизларни ўстирмаслик мезонлари, шунингдек, банк Бошқаруви ав Кенгашининг тегишли ҳисоботларига нисбатан талабларни ўз ичга олиши лозим. Кредит сиёсатида қарзларни қайтаришга доир изчил, босқичма-босқич чора-тадбирлар кўрилишини талаб қилиши керак. Раҳбарият Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқ кредитларни ҳисобдан чиқариш тадбирларини ишлаб чиқиши лозим. Тижорат банклари томонидан берилган жами кредитлар ҳажмида муддати ўтган кредитлар салмоғининг ўзгариши доимий таҳлил қилиниши лозим. Тижорат банклари томонидан берилган жами кредитлар ҳажмида муддати ўтган кредитлар салмоғининг ўзгариши кредит сиёсатининг самарадорлигини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Ривожланган хорижий давлатларда банк амалиётида, хусусан, Ғарбий Европа давлатларининг банк амалиётида муддати ўтган кредитлар жами кредит қўйилмалари ҳажмидаги салмоғини 3 фоиздан ошмаслиги нормал ҳолат ҳисобланади. Бу кўрсаткичнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган чегаравий миқдори 5 фоизни ташкил қилади. Фоизларни ўстирмаслик

мақомига эга бўлган кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизлар миқдорининг ўзгариши.

Республикамиз тижорат банкларининг фаолиятида кредитларни гаров асосида бериш кредит сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли, гаров объектларидан унумли фойдаланиш масаласини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда асосий эътибор гаров объектларини сотиш эвазига кредитларнинг асосий қарз суммаси ва уларга ҳисобланган фоизларни ундиришга қаратилади.

Кўпгина тижорат банкларининг кредит сиёсатида асосий эътибор кредитлар бериш бўйича эркинлик, кредит турлари, кредитларни тўлаш, фоиз ставкалари, кредит бўйича гаров қиймати ва унинг баҳоси, мижоз тўғрисида молиявий ахборот, ўз вақтида тўланмаган ва муддати кечиктирилган кредитлар, банк кенгаши ва бошқарувига бериладиган ҳисоботлар, кредитларнинг концентрацияси, алоқадор шахсларнинг ишлаш тамойиллари, риск баҳолаш, кредит портфелини аудит қилиш каби йўналишларни ўз ичига олиши кўзда тутилган бўлсада, уларнинг моҳиятини очиқ беришда баъзи бир ноаниқликлар мавжуд эди. Масалан, кредитларни концентрация қилиш тўғрисидаги йўналишида кредитларнинг тури, ҳудудий жойланиши ва бошқа белгилари бўйича концентрация қилиш лозим дейилса, яна шундай кредитлар концентрацияси банкларни катта зарарларга қўйиши мумкинлиги таъкидланади. Ёки мижозларнинг молиявий аҳволини ифодаловчи кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичлари тўғрисида маълумотларни ифодаловчи кредитнинг баҳоси ва самарадорлигини кўрсатувчи йўналишлар келтирилмаган. Тижорат банклари кредит сиёсатини ишлаб чиқишда иш йўналишлар бўйича аниқ маълумот ва ҳужжатларга эга бўлиши ва кредит сиёсати сифатида режалаштиришлари, бизнинг фикримизча, банкларни катта рисклардан олдиндан ҳимоя қилиши мумкин. Ундан ташқари юқорида келтирилган кредитни концентрациялаш бўлими ўрнига кредитларни диверсификациялаш ёки кредит портфелини бошқариш бўлими деб киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Банклар томонидан бериладиган кредитлар

республикани иқтисодий жихатдан ривожлантиришга, инфраструктурани такомиллаштиришга, экспорт салоҳиятини кенгайтирувчи соҳаларга йўналтирилган бўлиши керак.

Тижорат банкининг кредит сиёсати, кредит бозорини таҳлил қилиш ва энг кичик кредит рискка эга бўлган бозорларни аниқлаш; маблағларни депозитга жалб қилиш; кредитлаш жараёнида юқори самарадорликка эришиш; банкнинг депозит ва кредит портфелини бошқаришни оптималлаштириш; муаммоли кредитлар салмоғини камайитириш; банкнинг ликвидлилиги ва тўловга лаёқатлилигини таъминлаш каби масалаларни ўз ичига олиши лозим.

Муаммоли кредитлар билан ишлашда кредитлаш жараёнида ҳатога йўл қўймаслик, қарз олувчининг молиявий ҳолатини тўлиқ ва аниқ таҳлили. қилиш. Муаммони олдини оладиган самарали кўрсаткичларни киритиш, гаровни расмийлаштиришда аввало гаровни турли хиллаштириш. ва наториал тасдиқлашда гаровни кимга тегишли бўлишини аниқлашритириш. Кредит жараёнини бошқариш ва мониторингини узлуксиз амалга ошириш керак.

Шундай қилиб, кредит бўлими ходимлари юқорида кўриб ўтилган белгилар орқали муаммоли кредитларни ҳамда уларни келиб чиқиш сабабларини аниқлагандан сўнг уларни бартараф этиш йўлларини дархол топиши зарур. Бунда муаммоли кредитлар билан ишлаш бўйича бой тажрибага эга бўлган республикамиз банклари ҳалқаро тажрибага мурожат қилиши албатта, фойдадан ҳоли бўлмайди.

1.2. Тижорат банкларида муаммоли кредитлар билан ишлаш тизими ва улар ҳисобининг юритилиши.

Кредитлашнинг асосий манбаси банкларнинг ўз маблағлари ҳисобига эмас, балки маълум фоиз тўловлари билан қайтарилиши керак бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг, аҳолининг, давлатнинг вақтинча бўш пул маблағларини жалб қилиш орқали шаклланади. Бу маблағларни омонатчиларга тўлиқ ҳажмда ва белгиланган муддатларда қайтариб бериш

учун, авваламбор, тижорат банклари берилган кредитларни ўз вақтида қайтишини таъминлаши зарур. Айнан мана шу муаммо бугунги кунда республикамиз банк тизими олдида ечилиши керак бўлган энг долзарб масалалардан биридир.

Кредит муаммоли деб тан олинган тақдирда, банк томонидан унинг қайтишини таъминлаш учун керакли чора-тадбирлар кўрилиши лозим. Амалиётда қайтмаётган кредитлар муаммосини ечишнинг тўртта асосий усули қўлланилади.

- ✓ Гаровни сотиш
- ✓ Активларни сотиш
- ✓ Қарзни реструктуризация қилиш
- ✓ Кредитни кенгайтириш

У ёки бу усулни танлашга бири қатор омиллар таъсир кўрсатади.

Бу жараёнда қарздорнинг қуйидаги хусусиятларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир:

- фаолиятнинг ташкилий шакли;
- кредит шартномасининг амал қилиш муддати;
- қарздор қарзларининг активларга нисбати;
- қарздор капиталининг активларга нисбати;
- активларни жорий мажбуриятларга нисбати;
- соф даромадни сотиш ҳажмига нисбати;
- қайтарилмаган қарзларнинг улуши;
- қарздорнинг жорий фоиз тўловларини тўлай олиш қобилияти;
- кредит шартномасини амал қилиш даврида гаров қийматининг ўзгариши;
- кредитларни қайтмаслик муаммосини ечишнинг ҳар бир усулини амалга ошириш ҳаражатларинг қиймати;

Муаммоли кредитлар мазмунини кенгроқ ёритиб бериш ва уларни бартараф этиш бўйича банклар ҳамда махсус ташкил этиладиган тузилмалар

фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида муаммоли кредитларни қуйидагича таснифлаш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисобладик.

Муаммоли кредитлар билан ишлаш фаолиятини тизимли равишда олиб бориш мақсадида муаммоли кредитларни таснифлашни қуйидаги асосий йўналишлари асосида олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисобланади.

муддати бўйича

сифати бўйича

таъминоти бўйича

ресурс манбаи бўйича

кредитни бериш тўғрисидаги қарорни қабул қилувчи субъекти бўйича

Муаммоли кредитларни юқоридаги йўналишлари бўйича таснифлаш уларни бартараф этиш учун бажарилиши керак бўлган ишларни тўғри ва самарали режалаштиришга ёрдам беради. Шу билан бир қаторда, кредитни қутқариш бўйича чора-тадбирлар ўзининг ижобий натижасини бермаса, кредит бўйича ундирувни нимага қаратиш лозимлигини аниқлаб олиш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шундай қилиб, аксарият банк инқирозлари ривожланишининг асосида банкларнинг кредит портфелида шубҳали ҳамда умидсиз қарзларликнинг ўсиши ётади. Кредит портфелида муаммоли кредитларнинг мавжудлигини аниқлаган ҳар бир тижорат банки бундай кредитлар келиб чиқишининг ҳар бир ҳолатини синчиклаб таҳлил қилиши, шунингдек, кредиторнинг ҳам, қарздорнинг ҳам манфаатларини бирдек ҳисобга олган ҳолда уларни бартараф этиш чораларини амалга ошириши лозим. Амал қилмаётган кредитларни бартараф этиш бўйича у ёки бу усулни қўллаш ҳақида қарорни қабул қилишдан олдин, авваламбор, бундай активларнинг пайдо бўлиш сабаблари билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш, шунингдек, банкда муаммоли кредитлар мавжудлигини кўрсатувчи асосий белгиларни ўрганиш зарурдир.

“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги қонуннинг 52-моддасига мувофиқ, Марказий банк томонидан турли

рискларни чегаралаш мақсадида банклар учун мажбурий бўлган меъёрлар белгиланади¹¹. Хусусан, Марказий банк:

4- Жадвал

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг
иқтисодий меъёрлари¹²**

Кўрсаткич	Меъёрий даражаси
2	3
Бир қарздор ёки ўзаро дахлдор қарздорлар гуруҳига берилган кредит (таъминланган)	Кредит суммаси / I даражали капитал 25 %
Бир қарздор ёки ўзаро дахлдор қарздорлар гуруҳига берилган кредит (таъминланмаган)	Кредит суммаси / I даражали капитал 5 %
Жами йирик кредитлар	Барча йирик кредитларининг умумий ҳажми/ I даражали капитал 800 %
Жами лизинг операциялари	Жами лизинг суммаси / I даражали капитал 25 %
Жами дахлдор шахсларга берилган кредитлар	Жами кредитлар суммаси / I даражали капитал 100 %

Бундан ташқари, республикамизда тижорат банклари фаолиятидаги рискларни бошқаришга нисбатан минимал талаблар Марказий банк Бошқаруви томонидан 2011 йил 7 майда 14/2-сонли қарор билан тасдиқланган “Тижорат банкларининг банк таваккалчиликларини бошқаришига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низомда ифодаланган. Ушбу Низомга мувофиқ, банк рискларини бошқариш банк ўз фаолиятини юритиши ва банк операцияларини ўтказишида пайдо бўлиши мумкин бўлган рискларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш, бартараф этиш, камайтириш ва қўрилиши мумкин бўлган зарарларни бошқа молиявий воситалар орқали қоплаш бўйича банк томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар мажмуи сифатида эътироф этилган. Ўзбекистон Республикаси

¹¹ Ўзбекистон Республикаси банк фаолиятини тартибга солувчи қонунлар тўплами.– Т.: Ўзбекистон, 2011. – 25 б.

¹² Ўзбекистон Республикаси Марказий банки меъёрий ҳужжатлари асосида тузилган

Марказий Банкнинг 1998 йил 2 декабрдаги 557-сонли “Бир қарздор ёки ўзаро дахлдор бўлган қарздорлар гуруҳига тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг юқори даражаси тўғрисида”ги Низомида тижорат банкларининг қарз олувчилар билан боғлиқ операциялардаги риск даражаси бўйича чекловлар ифодаланган. Ушбу Низомга мувофиқ, I даражали банк регулятив капиталининг 10 фоиздан ошган кредит йирик кредит сифатида эътироф этилади. Бундан ташқари, тижорат банклари ҳар ойда бир маротаба кредитларга доир юзага келиши мумкин бўлган барча йирик зарарлар тўғрисидаги маълумотни Марказий Банкка тақдим этиши зарур. Банкларининг кредит қўйилмаларини таснифлаш ва улар бўйича кредит рискининг амалга ошишидан юзага келадиган зарарларни қоплаш бўйича махсус заҳираларни шакллантириш талабларини белгилаб беради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида» 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарорига асосан, кредитлар бўйича муаммоли қарзларнинг ҳосил бўлишига йўл қўймаслик борасида олдини олиш чораларини кўриш йўли билан тижорат банкларининг кредит портфели муттасил ўсиши, ҳамда сифати яхшиланишини таъминлаш республиканинг молия-банк тизимини ислоҳ қилиш ва барқарорлигини оширишнинг асосий йўналишларидан ҳисобланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарорининг 1-илоvasи 32-бандида, банк таваккалчиликларини бошқаришда чуқур омилли таҳлилни амалга оширишнинг аниқ механизминини жорий қилиш, заҳираларни шакллантириш, кредит портфелини диверсификациялашни кўзда тутган ҳолда банклар активлари сифати мониторингини такомиллаштириш, шунингдек муаммоли қарздорлик пайдо бўлишига йўл қўймаслик юзасидан огоҳлантирувчи чоралар қабул қилиш белгиланган. Мазкур вазифа ижросини таъминлаш мақсадида 2011 йил 10 сентябрда Марказий банк Бошқарувининг «Активлар сифатини таснифлаш,

тижорат банклари томонидан улар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захираларни шакллантириш ва ундан фойдаланиш Тартибига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 26/1-сонли қарори қабул қилинди мазкур низомда Марказий банкнинг “Активлар сифатини таснифлаш, тижорат банклари томонидан улар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захираларни шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби”га қуйидаги ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди:

- Марказий банкда тижорат банки активлари бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захираланадиган мажбурий заҳира депозити ташкил қилинди ҳамда ушбу мажбурий заҳира депозитига тижорат банклари ўз активлари бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши шакллантирилган махсус захиралар суммасига тенг миқдордаги маблағларни вакиллик ҳисобварақларидан ўтказиб бориш талаби қўйилди;

- мажбурий заҳира депозитига ўтказилиши лозим бўлган маблағлар миқдори ҳар ойнинг 10, 20-саналари ва ой якуни бўйича шакллантирилган активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши заҳира суммасидан келиб чиқиб қайта ҳисоб-китоб қилинади;

- ҳисоб-китоб натижаларига кўра, уч иш куни мобайнида тижорат банклари махсус захиралар суммасига етмаётган миқдордаги маблағларни мажбурий заҳира депозитига ўтказиши ёки тижорат банкларининг асослантирилган мурожаатига кўра Марказий банк томонидан ортиқча маблағлар банкларга қайтарилади;

- шартнома муддатида тўланмаган ва график бўйича асосий қарз ва фоизлар бўйича оралиқ тўловлар 180 кундан кечиктирилган барча кредитлар “умидсиз”сифатида таснифланади. Бундан ташқари, суд жараёнидаги активлар, қарздорнинг молиявий ҳолати ёмонлиги ва тўловга қобилиятсизлиги сабабли тўлов муддати узайтирилган активлар ҳамда банк фаолиятида фойдаланилмайдиган, муаммоли кредитларни қоплаш учун олинган мулклар, улар банк балансига олинган кундан бошлаб уч ой муддатда сотилмаган активлар ҳам “умидсиз” сифатида таснифланади;

– агар тижорат банклари белгиланган талабларга амал қилмаган тақдирда, Марказий банк мажбурий захира депозитига ўтказилиши лозим бўлган маблағларни банкнинг Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағидан ундириб олади ва банкка нисбатан Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги қонунининг 53-моддасига мувофиқ тегишли чора ва санкцияларни қўллайди.

Бундан ташқари, янги киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларга кўра, банк томонидан ажратилаётган барча кредитлар бўйича тўловлар кредит шартномасининг бутун амал қилиш муддатига тақсимланган ҳолда бўлиб-бўлиб тўланиши белгилаб қўйилди. Ушбу қоида банкларда муаммоли кредитларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик юзасидан огоҳлантирувчи белги сифатида хизмат қилади.

Бундан ташқари, суд жараёнидаги активлар, қарздорнинг молиявий ҳолати ёмонлиги ва тўловга қобилиятсизлиги сабабли тўлов муддати узайтирилган активлар ҳамда банк фаолиятида фойдаланилмайдиган, муаммоли кредитларни қоплаш учун олинган мулклар, улар банк балансига олинган кундан бошлаб уч ой муддатда сотилмаган активлар ҳам «умидсиз» сифатида таснифланади. Мазкур қоидаларнинг жорий қилиниши тижорат банклари активлар сифатининг янада ошишига, муаммоли кредитларни пайдо бўлишини дастлабки вақтларда аниқлаштиришга имкониятларни яратади, пировардида тижорат банкларининг омонатчилари ва кредиторларининг манфаатларини янада ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Умуман олганда, Марказий банкнинг тижорат банкларида рискларни тартибга солиш ва бошқаришга нисбатан талаблари ва меъёрларини қуйидаги жадвал орқали ифодалаш мумкин.

Тижорат банклари томонидан муаммоли кредитлар билан ишлашда баланс ҳисоботини ҳар бир тузиш санасига (ҳар ойда) банк томонидан кредитларнинг қадрсизланишига доир бирон-бир объектив далиллар мавжудлиги «Активлар сифатини таснифлаш, тижорат банклари томонидан улар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захираларни

шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби»га Низомга ва “Фоишларни ўстирмаслик тўғрисида”ги Низомга (рўйхат рақами 1304, 24 январь 2004 йил) ҳамда Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мувофиқ баҳоланади.

Кредит қадрсизланишини тасдиқловчи объектив далиллар ва шароитлараниқланган тақдирда, зарар суммаси қуйидаги икки миқдордан энг юқориси бўйича баҳоланади:

1) “Тижорат банклари томонидан активлар сифатини таснифлаш, улар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар ташкил қилиш ва уларни ишлатиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ аниқланган сумма бўйича; ёки

2) Кредитнинг баланс қиймати ва кредитнинг бошланғич фоиш ставкаси бўйича дисконтланган кутилаётган бўлажак пул оқимларининг жорий қиймати ўртасидаги фарқ бўйича;

Банк қўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолашни қуйидагича акс эттиради:

Дт 56802- “Кредитлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш”

Кт – Кредитлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарлар захираси – Кредитнинг мос категорияси (контр – актив)

Агар кредит портфелининг кейинги таҳлили натижасида унинг захиралари юқорида кўрсатилган Низомларнинг талаблардан ошса, банк захира суммасини охириги сана ҳолати бўйича аниқланган, қўрилиши мумкин бўлган зарарлар суммасига мувофиқлаштириши лозим. Бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт – Қўрилиши мумкин бўлган зарарлар захираси – Кредитнинг мос категорияси (контр – актив)

Кт 56802- “Кредитлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш”

Кредитларни қайтарилиши қарз олувчининг асосий, шунингдек иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақларидан қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали амалга оширилади:

Дт- Қарз олувчининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи

Кт – Ссуда ҳисобварағи

Агар кредит кафолат берувчи (кафил) томонидан қайтарилса, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт – Кафолат берувчи (кафил) талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи, ёки

Дт- 10301 – Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи – Ностро (агар олувчига бошқа тижорат банки хизмат кўрсатса)

Кт – Ссуда ҳисобварағи

Кредитлар қарз олувчи томонидан нақд пулда қайтарилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 10100 – “Кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари”

Кт – Ссуда ҳисобварағи

Банк кредитидан фойдаланган вақт учун тўланадиган фоиз кредит нархи ҳисобланади. Кредит нархи Марказий банк қайта молиялаш ставкаси меъёри билан тартибга солинади ва маҳсулот ҳамда хизматлар таннархи даражасини ҳисобга олиб белгиланадиган энг юқори кўрсаткичдан ошиб кетмаслиги керак.

Марказий Банкнинг қайта молиялаш ставкаси 2011 йил июлидан буён йиллик 12 фоиз миқдоридадир.

Агар кредитга фоиз ўстирмаслик мақоми берилмаган бўлса, унда кредитлар бўйича фоизлар тушуми қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали акс эттирилади:

Дт- Қарз олувчининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи

Кт 16309 – “Кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар”

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 2 декабрдаги “Тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоизларни ўстирмаслик сиёсати

тўғрисида”ги Низомга кўра, банклар қуйидаги ҳолларда кредитларга фоиз ҳисоблашни тўхтатадилар:

а) Бир йилгача муддатга берилган кредитлар учун кредитнинг асосий суммасини ва фоизларни тўлаш 90 кун ва ундан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда, яхши таъминланган ва тиклаш жараёнидаги кредитлар бундан мустасно;

б) Бир йилдан ортиқ муддатга берилган кредитлар учун кредитнинг асосий суммасини ва унга ҳисобланган фоизларни тўлаш 90 кун ва ундан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда, яхши таъминланган ва тиклаш жараёнидаги кредитлар бундан мустасно;

в) Берилган кредитнинг асосий суммаси ёки унга ҳисобланган фоизларни қайтарилиш муддати неча кунга кечиктирилганлигидан қатъий назар банкларда шубҳа уйғотган ҳолда.

Фоиз ҳисоблаш тўхтатилган кундан бошлаб ҳисобланган фоизлар суммаси тегишли фоизли даромадлар ҳисобварақамидан чегириб ташланиши лозим. Бунда тегишли фоизли даромадлар ҳисобварақами дебетланади, 16309-“Ҳисобланган, лекин ундирилмаган фоизлар” ҳисобварақами кредитланади.

3. Активларга “ўстирмаслик” мақомини берган пайтдан бошлаб, банклар қуйидагиларни амалга оширишлари лозим:

фоизли даромадларни баланс ҳисобварақларида ҳисоблаш тўхтатилади;

барча ҳисобланган, лекин олинмаган фоизли даромадлар баланс ҳисобварақларидан кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларига ўтказилиши лозим ва активга «ўстирмаслик» мақоми берилгандан сўнг кейинги фоизлар ҳисобланиши кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида амалга оширилади;

ушбу активлар бўйича барча кейинги тўловлар биринчи навбатда, ҳисобланган, лекин олинмаган фоизли даромадларни, кейин эса кредитнинг асосий суммасини қоплашга йўналтирилади.

4. Ҳисобланган фоизли даромадларни кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларига ўтказилиши қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари орқали амалга оширилади:

Дт Тегишли фоизли даромадлар ҳисобварақлари

Кт 16300 «Олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар»

Дт 91500 «Активлар бўйича фоизлар ва воситачилик ҳақлари»

Кт 96333 «(Қимматли қоғозлар бўйича) Олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар контр-ҳисобварағи» ёки

96335 «Активлар бўйича фоизлар ва воситачилик ҳақлари контр-ҳисобварағи»

Агар қарздор томонидан олинган гаров билан таъминланмаган кредит қайтарилмаса ёки тўлиқ қайтарилмаса, у ҳолда ушбу кредитлар зарарлар учун ташкил қилинган захира ҳисобига қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали ҳисобдан чиқарилади:

Дт - Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар захираси – Кредитнинг мос категорияси (контр-актив)

Кт – Ссуда ҳисобварағи

Агар қарздор томонидан олинган гаров билан таъминланган кредит қайтарилмаса ёки тўлиқ қайтарилмаса, у ҳолда банк олинган кредитни гаровга қўйилган мол-мулк орқали ундириш ҳуқуқига эга. Ундириб олиш бўйича гаровга қўйилган мол-мулк ким ошди савдосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотилади. Гаровга қўйилган мол-мулкни сотишдан маблағлар келиб тушганда:

Дт 10301- Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи – Ностро –

Кт 29801 “Мижозлар билан ҳисоб-китоблар” ҳисобварағи

Кредитлар бўйича асосий қарзни ва мазкур кредит бўйича ҳисобланган, лекин ҳали олинмаган фоизларни қайтариш қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали амалга оширилади:

а) Асосий қарз қайтарилганда:

Дт 29801 “Мижозлар билан ҳисоб-китоблар”

Кт – Ссуда ҳисобварағи.

б) Асосий қарз тўлиқ қайтарилгандан кейин, фоизлар қайтарилаётганда:
Дт 29801 “Мижозлар билан ҳисоб-китоблар”

Кт 41400-44600 - Кредитлар бўйича фоиз даромадлари

Олинган кредит гаровга олинган мол-мулкни ўз эгаллигига олиш йўли билан қайтарилган тақдирда, кредитнинг баланс қийматидан ва гаровга қўйилган мол-мулкнинг ҳаққоний қийматидан қайси бири энг кам бўлса, ўша қиймат бўйича, уни сотиш бўйича қилинган харажатларни чегирган ҳолда, лекин қайта савдодаги дастлабки сотув баҳосидан 10% кам бўлмаган суммада қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 16701 – “Кредит ва лизинг бўйича гаров ҳисобидан ундирилган мулк”

Кт – Ссуда ҳисобварағи

Қарздор етарли даражада пул маблағларига эга бўлмаган тақдирда, банк кредит бўйича қарзни қарздорнинг ликвид мол-мулки ҳисобидан унинг розилиги билан, агар қарздор норози бўлса, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд қарори асосида ундирувни қарздорнинг ликвид мол-мулкига қаратиш йўли билан қайтариб олади.

Тижорат банкларда кредит олувчиларни ўрганишда кредит ажратирилишини сўраб тақдим этилган ариза банк муассасасида бир неча босқичда кўриб чиқилади. Бу босқичлар қуйидаги кетма-кетликда бўлиши мумкин:

1-босқич - кредит аризасини кўриб чиқиш ва қарз олувчи билан суҳбат.

2-босқич-кредитни қайтариш қобилиятини ўрганиш ва таваккалчиликни ссуда жиҳатидан баҳолаш.

3-босқич - кредит шартномасини тайёрлаш ва изохлаш.

4-босқич- шартнома шартларининг бажарилиши ва кредит қайтарилиши устидан назорат.

Дастлабки учта босқичда кредит шартномасини тайёрлаш ва кредит берилиши юзасидан ташкилий ишлар амалга оширилади. Қарз олувчи

корхона рахбари ва банк. Бошқарувчилари ўртасида кредит шартномаси имзоланади.

Тўртинчи босқич эса: - Кредит шартномаси шартлари бажарилиши, кредитларнинг мақсадли ишлатилиши ва ўз вақтида қайтарилиши устидан назорат олиб борилади.

Бундай назоратнинг асосий мақсади-давомий тарзда навбатдаги қарз бўйича фоизлар тўланишини таъминлаш.

Кредитларнинг қайтарилиши билан боғлиқ қийинчиликлар тасодифан ва бирданига келиб чиқмайди. Тажрибали банк ходими бундай қийинчиликларни уларнинг бошланишидаёқ аниқлаб олиши мумкин ва у муаммони ҳал қилишни ҳамда банкнинг фойдаси учун чоралар кўриши мумкин.

Бу чораларни вазият издан чиққунча амалга ошириш керак. Шунинг ҳам инобатга олиш керакки, банкнинг зарарлари қарзнинг қайтарилмаслиги ва фоизлар тўланмаслиги билангина чекланиб қолмайди. Банкка келтирилган зарар анча кўп ва у бошқа шароитлар билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Бу зарарлар;

Банкнинг обрўси тушиб кетади, чунки муддати ўтиб кетган кредитлар банкнинг мавжуд имиджини (нуфузини) сақлаш учун кредит бўлимидан алоҳида эътибор ва кўп вақт талаб қилади;

Операцияларнинг фойдалилиги пасайиши шароитида малакали кадрларни ишдан кетиши хавфи кучаяди.

Бу йўқотишларнинг ҳаммаси банкка қимматга тушиши ва қайтарилмаган қарздан келадиган зарардан кўп миқдорни ташкил этиши мумкин.

Кредит фаолияти даврида, юқорида айтилганидек, қарз олувчи банкка бухгалтерия балансини, молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботни, нақд пул оқими ҳақидаги ҳисоботни ва бошқа ҳисоботларни топшириб туриши керак. Уларни таҳлил қилиб бориш ва ўтган давр ҳисоботлари билан солиштириб

бориш кредитнинг ўз вақтида қайтиш-қайтмаслигини кўрсатиб бериш мумкин.

Бухгалтерия ҳисоботларида молиявий камчиликлар аниқлангандан сўнг, банк ходими албатта корхонага ташриф буюришни (мижоз офисига) ташкил этиш керак. Кредитдан унумли фойдаланиш жойларда, корхона ва ташкилотларда, қоида бўйича, ҳар чоракда текширилиши керак.

Қайтарилиши муаммоли кредитнинг аниқлашда биринчи қадам-холис бўлган вазиятни текширувдан ўтказгандан кейин қарз олувчининг ҳолатини аниқлаб олиш (у вазиятни тўғриламақчи, унга ишониш мумкинми, бошқарув фойдалиликни тиклай оладими) керак.

Бундан ташқари, банкнинг ҳолатини ҳам ҳисобга олиш, унинг умидсиз қарзлари миқдорини билиш керак. Агар кўп бўлса, қиммат турадиган судга ошириш операциясини бошлаш керак эмас, қарзнинг бир қисмидан кечиб ишни тинч келишув билан ҳал этишни таклиф қилиш керак.

Агар мижоз бунга рози бўлса, вазиятни қуйидагича чоралар билан тузатиш мумкин:

- активларни сотиш;
- қўшимча чиқимларни камайтириш;
- маркетинг усулини ўзгартириш;
- бошқарув органини ўзгартириш ва юқори лавозимларга бошқа шахсларни тайинлаш.

Бошқа қарор банкка кредитнинг таъминоти сифатида гаровга қўйилган мулкни сотишдан иборат. Бунинг учун аввало ҳужжатларни текшириш (гаров шартномасини) ва банк ҳақиқатдан ҳам гаровни тўғридан-тўғри сотиш ҳуқуқига эгами, йўқми аниқлаш керак. Кейин гаровни сотиш имкониятлари қандайлигини аниқлаш керак. Одатда бу қиммат турадиган ва кўп вақт оладиган иш. Шунинг учун, гаровни сотишда қарз олувчи билан ҳамкорликни таъминлаш муҳим. Айтиш керакки, кредит олган мижознинг фойдасиз ишидан ташқари кредит қайтарилишидаги қийинчиликлар, банк ходимлари кредит аризасини кўриб чиқаётгандаги, кредит шартномаси

шартларини ишлаб чиқишдаги ва кейинги назоратдаги хатоликлардан келиб чиқиши мумкин.

Қуйидаги хатоликлар тез-тез учраб туради:

- қарз олувчига керагича қатъий муносабатда бўлмаслик (масалан, кредит аризасини дўстлик ёки қариндошлик муносабатларига боғлиқ ҳолда қўллаб-қувватлаш);
- Яхши ўтказилмаган молиявий таҳлил;
- Кредит бўлими ходимининг корхона эҳтиёжлари, соҳа мутахасиси билан етарлича танишмаслиги натижасида кредитни ёмон структуралаш (тузиш);
- Кредитнинг етарлича таъминланмаслиги (масалан, гаровни ўз баҳосидан ортиқча баҳолаш ва ҳ.к.);
- Кредитни ҳужжатларда расмийлаштиришдаги хатолар (масалан, кредит шартномасида банк фойдасини таъминловчи муҳим шартларнинг белгиланмаслиги);
- Кредитни қайтариш вақтида қарз олувчи устидан ёмон назорат олиб бориш (мижозни жойларда текширмаслик ва ҳ.к.).

Шунинг учун банк муассасаларида кредит бериш жароёнини мавжуд қоидаларида кўрсатилганидек тўғри ташкил этилиши жуда муҳим.

Кредитнинг ўз вақтида қайтарилмаслиги ҳар икки томонга ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказди. Шундай экан, банк кредитларидан самарали фойдаланиш имконияти кредит бериш жароёнини тўғри ташкил қилинишига ҳам боғлиқ. Чунки, юқорида айтиб ўтганимиздек, банкдан олинган кредит, кредит олишдан олдин тузилган бизнес режага асосан ишлатилиши (мақсадли ишлатилиши) керак. Бунинг устидан банк доимий равишда назорат олиб боради. Ҳозирги кунда қарз олувчилар томонидан бизнес-режани аҳамиятсиз, фақатгина кредит олиш учунгина зарур бўлган ҳужжат деб ҳисобланиши ҳоллари амалиётда учраб туради. Бундай ҳолда банк кредитидан самарали фойдаланиш имконияти чекланиб қолиши ёки бизнес-

режада кўрсатилмай қолган, ҳақиқатда мавжуд бўлган имкониятлардан фойдаланиш мумкин бўлмай қолиши мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида барча малумотлапр ҳам кредит бериш учун ўзини оқламайди. Буни биз амалиётда банк бухгалтерия ҳисобида кўришимиз мумкин. Бунинг учун ҳар бир банк ички назорати ссуданинг тасодофий йўқотишлари учун резервлар классификациясини қабул қилади. Қайсики ишончли маълумот кредитлар бўйича минимал rischi қоплайди. (ўтиш мамлакатлари миқёсида). Захиралар ташкил қилинишининг ҳисобини қуйидага шартли балансда кўриб ўтамыз.

4-жадвал

Кредитлар бўйича йўқотишларни олдини олиш бўйича захиралар.¹³

Умумий захира	Кредит категорияси Ишончли Махсус ажратилган кредитлар (давлат кафиллиги) ностандарт	Минимал резерв миқдори 2% 5% 20%
Махсус захира	Шубҳали, Умидсиз	50% 100%

Кредитлар бўйича йўқотишларни олдини олиш мақсадида умумий ва махсус захиралар ташкил қилиниши классификацияси келтирилган. Кредит категорияси учун минимал захиралар белгиланган норматив асосида ташкил қилинади. Агарда кредитлар бўйича йўқотишлар содир бўлганда биринчи навбатда юқорида ташкил қилинган захиралардан фойдаланилади. Кредит категориясидан охириги уч йўналиши ностандар, шубҳали ва умидсиз категорияли кредитлар бўйича юқори ликвидли активлар таъминот сифатида талаб қилинади. Ташкил қилинган захираларни балансда акс эттиришда, бу захиралар капитални барқарорлигига таъсир кўрсатади, Таъминотларни ва бошқа хил моддаларини балансда акс қуйидагича акс эттирамыз

¹³ Халқаро валюта фонди муаммоли кредитлар билан ишлашнинг тажриба учун дастури

**Барча кредит турлари бўйича кредит рискинни олдини олиш
захиралари баланс ўз аксини топиши.¹⁴**

Умумий захира	Кредит категорияси	Умумий қарз миқдори	Захира миқдори	Захирани ўзгариши
	Ишончли	42	2%	0.8
	Махсус ажратилган кредитлар (давлат кафиллиги)	13	5%	0,7
	ностандарт	25	20%	5
Шубхали, Умидсиз	13 7	50% 100%	6,5 7.0	

Кредит категориялари бўйича ташкил қилинган захираларни банк капитали билан боғлиқлигини қуйидаги жадвалда кўриб ўтамыз.

Банк балансини захиралар ташкил қилингунгача бўлган даври¹⁵.

Ссуда	100	пассив	125
Захирадан чегирма	(0)		
Ажратилган кредит	100	капитал	25
Бошқа активлар	50		
Жами актив	150	Жами пассив	150

¹⁴ Халқаро валюта фонди муаммоли кредитлар билан ишлашнинг тажриба учун дастури

¹⁵ Халқаро валюта фонди муаммоли кредитлар билан ишлашнинг тажриба учун дастури

Юқоридаги шартли равишда тузилган маълумотлардан кўринадик, ажратилган кредитларни кредит категорияси бўйича таснифланиб, улар бўйича захиралар ташкил қилинганда, йўқотишларга қарши захиралар банк балансида банкнинг капитали таркибида акс эттирилади.

7-жадвал

Тасодифий йўқотишлар учун заҳира ташкил қилингандан кейинги баланс¹⁶.

суда	100	пассив	125
Захирадан чегирма	(20)		
Ажратилган кредит	80	капитал	5
Бошқа активлар	50		
Жами актив	130	Жами пассив	130

Диққат билан эътибор беришингизни сўрайман. Агар кредитлар қайтарилмаса, банк ажратилган захирадан кредитни қоплашга мажбур бўлади. Бу эса банк капиталини 20 га камайишига олиб келган. Банкнинг барқарорлиги пасайиб, банкротликка олиб келиши мумкин. Шунинг учун банклар юқори рискли кредит операциясини амалга оширишда кредитларни қайтмаслик хатарини камайитириш чораларини ишлаб чиқиши керак бўлади.

Кредитларни қайтарилишини таъминлаш жараёни. Бу шундай бир жараёнки, берилган кредитлар қарздор (жисмоний, юридик) мижозларнинг истеъмол ва корпаратив кредитларини таъминотини банкга қайтарилишини таъминлаш ҳисобланади. Бу жараён кредит берилишидан бошлаб то сўндирилишигача давом этади. Бу ерда мижознинг кредитга лаёқатлилиги асосий ўринни эгаллайди. Кредитларни қайтарилишини таъминлаш жараёни

¹⁶ Халқаро валюта фонди муаммоли кредитлар билан ишлашнинг тажриба учун дастури

мижоз лаёқатли бўлмаса учинчи томон масалага аралашади. Агарда бу ҳолатда учинчи шахс ҳам кредитни қайтарилишини таъминлаб бераолмаса, унда бу жараёнга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар аралашшига тўғри келади. Шундан сўнг, норматив ҳуқуқий ҳужжатдар асосида банк ссудаси қайтариб берилишга ҳаракат қилинади. Агарда бу ҳолат ҳам кредитни қайтарилишига тўсқинлик қилса, юқоридаги жадвалда кўрганимиздек, банк ўзининг захирасидан қоплашга мажбур бўлади. Банк берган кредитлари бўйича қанақадир шубҳали (мижознинг молиявий ҳолати ёмонлашуви, олинган кредитнинг мақсадга мувофиқ ишлатилмаслиги ва шунга ўхшаш ҳолатлар) ҳолатларни аниқласа дарҳол тегишли чоралар кўриши лозим. Албатта бошқаруви билан маслахатлашган ҳолатда. Банк бошқаруви ва банкнинг ички назорати, аудиторлари билан келишган ҳолатда банк имиджини сақлаган ҳолатда мижознинг фаолияти билан яна бир маротаба танишиб, ҳақиқатда ҳам мижоз кредитни ва кредит бўйича фоиз тўловларини қайтара олмаслиги намоён бўлса, дарҳол кредитни сўндирилиши юзасидан чоралар кўрилади. Биринчи навбатда мижознинг пул оқимлари ҳамда гаров объекти чуқур таҳлил қилинади.

Банк кредит инспектори муаммоли кредитларини бошқариб бориши лозим. Муаммоли кредитларни бошқариш тизими ҳозирги кунда барча тижорат банкларининг асосий муаммоларидан бири. Бу муаммолар ички ва ташқи омиллар натижасида ўрганилади. Биринчи навбатда қарз нима учун қайтмади сабабини ўрганиб, қарздорнинг молиявий ҳолати тўғрисида бошқарма билан келишган ҳолда иш кўрилади. Муаммоли кредитни келиб чиқишининг асосий сабаби бу банк томонидан назоратнинг суст олиб борилганлиги, қарздор билан бошқарувнинг алоқаси ёмонлигига ҳам боғлиқ бўлади.

Банк ички назорат бўлими томонида муаммоли кредитларни бошқаришни мунтазам текшириш талаб қилинади. Банк томонидан чиқарилган кредитлар банк бухгалтериясида акс эттирилгандан бошлаб текшириб борилади. Бу текширув ҳар бир кредит пакети, портфели

юзасидан олиб борилади. Текширишни нозорат қилиш банк бошқаруви комиссияси олиб боради. Бу тизим тижорат банкларида кредитлаш бошқармаси деб юритилади. Агарда кредит қайтмаслигида кредит инспектори томонидан камчиликлар намоён бўлса унга нисбатан тегишли чора кўрилади.

Ҳар бир банкда муаммоли кредитлар буйича ички назорат бўлими ташкил қилиниши керак. Ички назорат тизими муаммоли кредитлар билан ишлашда асосий рол ўйнайди. Ички назорат ходимларига кредит инспекторлари, кредит бўлим бошлиғи, ички аудитор, бош бухгалтер ҳамда банк бошқарувчилари киради. Ҳар бир банк ходимлари ажратган кредитлар юзасидан жавобгар ҳисобланади. Агар бошқарма ходими кредитлаш жараёнида кредит функцияларига тўлиқ риоя қилмаса, кредит ҳужжатларини расмийлаштиришни нотўғри амалга оширса, шунда ҳам муаммоли кредитлар юзага келади. Кредитлашни амалга ошираётган кредит инспектори биринчи навбатда ҳолис, ўз касбининг мутахасиси, бўлиши лозим.

Иккинчидан, ҳар бир берилган кредитни бухгалтерия амалиётларини ўз вақтида амалга ошириб боришлари лозим. Ҳар бир муаммоли кредитлар билан ишлаш бошқармаси ўзига тегишли бўлган вилоят филиаллари билан биргаликда ажратилгани кредитлар юзасидан маълумотлар алмашади. Бу маълумотлар асосида муддати ўтган қарздорликлар ҳақида ахборотга эга бўлишади. Олинган ва йиғилган барча маълумотлар банк бошқарувига чиқарилади. Ҳамда нима сабабдан муаммо юзага келганлиги ўрганилади (кредит сиёсати, кредит портфели диверсификациясига тўғри келганлиги).

Агарда берилган маълумотлар тўлиқ ўзини оқласа, муаммоли кредитлар тўғрисида Кредит кўмитасига шуғулланиш учун тақдим этилади. Ҳар бир муддати ўтган кредит бўйича тўлиқ ахборот КАМИга тақдим этилади.

Муддати ўтган қарздорликка хизмат кўрсатиш малакали ва тажрибали мутахасисга топширилади. Тажрибали мутахасисларни қуйидача ажратишимиз мумкин.

Б) муаммоли кредитлар агентлиги

Банк томонидан ажратилган кредитларнинг муаммосини юзага келиш механизми бир неча босқичда давом этади. Муаммоли кредитларини сўндирилишида банк филиали ва бошқармасидан ташқари, давлат ҳам асосий ўрни эгаллайди. Давлат агентлиги томонидан тижорат банклари капитали сақланиши учун муддати ўтган тўловларни комицион тўловларисиз банкка қайтариб беради. Банкка қайтарилган қиймат банк филиали ликвидлигини таъминлашга хизмат кўрсатади.

Агарда муаммоли кредит банкка қайтмаса, банкда кредитни расмийлаштирган ходимларига нисбатан тегишли жиноий жавобгарлик чоралари кўрилади, ҳамда жиддий шартлар қўйилади.

Муаммоли кредитлар тизимини яхшилашда нафақат миждоздан, балки кредит ходимларига ҳам қўйиладиган талаблар мавжуд. Бу талаблар банкнинг кредит сиёсатида тўлиқ ва акс эттирилиши керак.

Халқаро валюта фондининг муаммоли кедитлаш тизимини такомиллаштириш дастурида муаммоли кредитлар билан ишлашда банкнинг ички назорат бўлими қуйидагиларни амалга оширади.

Кредиторни кредитга лаёқатлилигини таҳлили

А) ички омиллар, қарздор ҳақида тўлиқ маълумот

1) бошқариш сифати

Мотивация

Ростгўйлик

Тўлиқлилик

2) операцион фаолият сифати

Молиявий

Махсулот сифати

3) маркетинг ташкилоти

4) Бозорнинг бошқа аъзолари билан рақобаддошлиги

5) ўрганидатган корхонанинг бизнес режаси ҳамда жорий давр активлари ликвидлиги

6) қиска муддатли мажбуриятлар ҳамда нақд пул ва унга тенглаштирилган воситалар

7) бизнес фаолиятини сақлаган ҳолатида капитални ошириш

б) ташқи омиллар, қарздор ҳақида тўлиқ маълумот

1) хўжалик юритувчи фаолиятини тўлиқ шартлари, кредитнинг аниқ миқдори

2) кредиторнинг иқтисодий ҳолатини таҳлили

3) қарздорнинг имконият ва қулайликдари бизнес шароити бўйича, капитал ошириш бўйича грант лойиҳалар

5. Кредитлар қайтарилиши бўйича таминот тўловлар нархини тушиши куйидагилар

Банк ходимларининг вақтинча тўлови

Гонарор миқдори туловлар миқдори

Гаров сифати пасайиши муаммосини ҳал қилиш

Ишнинг суд жараёнида бўлиши.

Муаммоли кредитлар билан ишлашда уларни ҳисобини олиб бориш мунтазам амалга оширилиши керак. Кредитларни муддати ўтган деб тан олишда муддати ўтган кредитларнинг тегишли ҳисобварақларида (12505, 12605, 12705, 13205, ва бошқалар) кредитни муддати даврида кредитни қайтариш графигидаги белгиланган кредитнинг нафақат асосий қисмини сўндиришдаги кечикишларни, билки кредитга ҳисобланган фоизларни сўндиришдаги кечикишларни ўз вақтида акс эттирилиш лозим.

II-боб. Тижорат банкларида муаммоли кредитлар билан ишлашнинг амалий ҳолати ҳамда уларни бошқариш усулари

2.1. Тижорат банкларининг кредит портфелида муаммоли кредитлар таҳлилининг амалдаги ҳолати.

Кредит портфелини бошқаришда асосий ўринни алоҳида олинган ссудаларнинг сифатини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва уларни баҳолаш эгаллайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида хорижий мамлакатларда кредит муносабатларини ривожланиши берилган кредитлар сифатини баҳолаш мезонларининг кенгайишига олиб келди. Жаҳон амалиётида банклар томонидан берилган кредитларнинг сифатини баҳолашнинг 10 хилдан ортиқ йўналишлари мавжуд. Кредитнинг сифатини баҳолаш кредитнинг мақсади, уни тўлаш усули, мижознинг кредитга лаёқатлилиги даражаси, унинг қайси тармоққа тааллуқли эканлиги ва мулк шакли, мижознинг банк билан муносабатининг характери, банкнинг мижоз тўғрисида тўлиқ ахборотга эга эканлиги ва унинг етарлилиги даражаси, ссудаларнинг таъминланганлиги, ҳажми ва бошқа мезонлар киради.

Россияда кредитлар сифатини баҳолаш кўрсаткичлари чекланган бўлиб, ҳозирги кунда Россия Марказий банки йўриқномасига биноан бу соҳада иккита мезон қўлланилади. Булар ссудани қайтаришни таъминлаш даражаси ва олдиндан берилган ссудаларни тўлашнинг ҳақиқий ҳолати ҳисобланади.

Банк активларининг сифатини аниқлашга уларнинг кредит портфелини ўрнатилган меъёрлар асосида тавсифлаб чиқиш орқали эришилиши мумкин. Ўзбекистонда Марказий банк тасдиқлаган кўрсатмага асосан тижорат банклари активларини тавсифлаш ва йўқотиш бўйича заҳиралар ташкил қилиш амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига асосан активларни таснифлаш, муаммоли ёки ҳаракатсиз кредитлар бўйича заҳираларни ташкил қилиш амалга оширилмоқда. Бу меъёрий ҳужжатларга асосланиб банклар томонидан

берилган кредитлар бўйича қарзларнинг сифати, миқдорнинг кредитга лаёқатлилиги кўрсаткичлари, унинг молиявий ҳолати, кредит рискининг даражаси, келажакда кредитни қайтиб бериш имконияти, кредитнинг таъминланганлиги даражаси, кредитни тўлаш муддатидан неча кун ўтганлиги кабиларни инобатга олган ҳолда гуруҳларга таснифланади. Кредитларни таснифлашдан асосий мақсад қарз олувчининг тўлай олиш қобилиятини ҳамда қарзнинг ўз вақтида қайтарилиши учун пул оқимининг ҳолатини баҳолашдан иборат.

Ҳозирги вақтда марказлаштирилган кредитлар давлатнинг қарорларига асосан устувор тармоқларни ривожлантириш учун миллий валютада ёки хорижий валютада берилиши мумкин.

Таснифланган кредитларнинг қайси гуруҳга кириш даражаси тез сотиладиган активлар ва юқори ликвид маблағларнинг мавжудлиги билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан 9 ноябр 1998 йилда тасдиқланган №242-сонли «Активлар сифатини таснифлаш, мумкин бўлган йўқотишлар бўйича тижорат банклари томонидан захиралар ташкил қилиш ва ундан фойдаланиш қондаси»га асосан тижорат банклари томонидан бериладиган кредитлар юқорида келтирилган мезонлар бўйича «яхши», «стандарт», «субстандарт», «шубҳали», «умидсиз» ёки ишончсиз кредитларга таснифланади.

Активлар сифати бўйича таснифланиб, ҳар ҳисобот даврида эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар ташкил қилиниб борилади. Бу захиралар банкнинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобидан кредит қийилмасининг ўша даврдаги қолдиғига нисбатан шакллантирилади.

Кредитларнинг сифати бўйича шакллантирилиши лозим бўлган
заҳиралар меъёри.¹⁷

Кредитларнинг бўйича таснифлари	сифати	Эҳтимолий бўйича заҳиралар ажратмалар нормаси	йўқотишлар учун
Яхши		-	
Стандарт		10%	
Субстандарт		25%	
Шубхали		50%	
Ишончсиз		100%	

Тижорат банки бошқаруви қарорига кўра, кредит кўмитасининг хулосаси бўйича ва банк кенгаши билан келишувига биноан ишончсиз деб топилган бешинчи синф кредитлари ссудалар бўйича эҳтимолий йўқотишларга шакллантирилган заҳира ҳисобига, заҳира етишмаган тақдирда 31203 ҳисобварақ - «тақсимланмаган фойда» ҳисобига балансдан чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси банклари амалиётида «яхши кредитлар» бўйича эҳтимолий йўқотишлар бўйича заҳиралар ташкил қилинмайди.

Ссуда активларини таҳлил қилиш банкнинг кредит портфелини сифати тўғрисида ахборот бериши мумкин. Банк кредитларининг умумий белгилари ва хусусиятларига қараб кредит портфелини таснифлаб, мумкин бўлган йўқотишларни қоплаш бўйича яратиш лозим бўлган заҳира суммаси аниқланади. Йўқотишларни қоплаш мақсадида ташкил қилинадиган заҳиралар миқдорининг барча банклар учун бир хиллигини таъминлаш учун мумкин бўлган йўқотишларни қоплаш учун ташкил қилинган заҳиранинг банкнинг устав ва заҳира капиталарига нисбатини белгилаб берувчи кўрсаткични ҳисоблаш лозим. Шу нисбат асосида тижорат банки активлар

¹⁷ ЎзР Марказий банкининг «Активлар сифатини таснифлаш, мумкин бўлган йўқотишлар бўйича тижорат банклари томонидан заҳиралар ташкил қилиш ва ундан фойдаланиш қоидаси», 9 ноябр 1998 й, №242.

портфелининг сифатини «ўта кучли»дан «қониқарсиз»гача баҳолаш ва кредит портфелининг сифатига I-V бўлган рейтинг баллини бериш мумкин.

Кредит портфелининг сифатини баҳолашда ягона ёндашувга эришиш мақсадида келтирилган рейтингга қўшимча равишда кредит портфелининг ишончлилигини аниқлашнинг балли тизимидан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун авваламбор кредитнинг қайтарилмаслик рискинни ҳисоблаш лозим. Бу кўрсаткич (R_k) ни эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун ташкил қилиниши зарур бўлган заҳиралар суммасини (PC) кредит портфели суммаси (K_p) га бўлиш йўли билан аниқлаш мумкин:

$$R_k = PC / K_p * 100\%$$

Кредитнинг қайтарилмаслик риски асосида, биз тижорат банкининг кредит портфели сифатига қуйидагича рейтинг баҳоларни беришимиз мумкин.

9-жадвал

Кредит портфелининг сифатини баҳолаш мезонлари¹⁸.

Кредитнинг қайтарилмаслик риски	0-4,0	4,1-8,0	8,1-12,0	12,1-16,0	16,1-20,1
Рейтинг баҳо (балл)	1	2	3	4	5
Кредит портфелининг сифат даражаси	ўта кучли	кучли	ўртача	хавфли	қониқарли

Банк кредит портфели «4,1» ва ундан юқори баллга баҳоланса, банкда кредит бўйича рискни юзага келиш муаммоси борлигини кўрсатади. Бу эса вақтида чора кўрилмаса, риск даражасининг ошиб кетиши банк учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлиги тўғрисида хулоса қилишига асос

¹⁸ Тижорат банклари молиявий ресурсларини бошқариш.Ш.Абдуллаева, З.Сафарова."молия" 2007

бўлади. Бундай банклар фаолиятини ЎзР Марказий банки назорат қилиб бориши, мажбурий заҳиралар бўйича талабларни ошириш каби чоралар кўриши мумкин.

Тижорат банкининг кредит портфелини сифат даражаси банк томонидан бериладиган кредитнинг таъминланганлигига ҳам боғлиқ. Бу таъминланганликнинг бўлиши берилган кредит бўйича рискнинг юқори ёки паст бўлишини белгилаб беради. Агар берилган кредит муаммоли таъминотга эга бўлса ва ушбу таъминотнинг қиймати қайтарилмаган қарз миқдоридан кам бўлса, бу ҳолда ушбу кредит «шубҳали» ёки «ишончсиз» деб тавсифланади. «Шубҳали» ёки «ишончсиз» деб таснифланган муаммоли кредит таъминотга эга бўлмаса, лекин баъзи бир аниқ омиллар асосида яқин келажакда қисман қопланиш эҳтимоли бўлса, у ҳолда бундай ссуда юқорида айтиб ўтилган қопланиш эҳтимоли бўлган тўланмаган қарз миқдорида шубҳали деб, қарзнинг қолган қисми эса «ишончсиз» деб тавсифланади. Кредит портфелининг сифат даражасини қуйидаги босқичлар бўйича таҳлил қилиш мумкин.

- таъминланганлик даражаси;
- хақиқий тўлаш ҳолати бўйича;
- хар бир кредитнинг риск даражаси бўйича;
- кредитларнинг тури гуруҳи бўйича;
- кредит портфелининг умумий рискин аниқлаш;
- кредит портфелининг сифати бўйича заҳира фондлар ташкил қилиш;
- кредит портфелининг ҳолати бўйича банкнинг келгуси кредит сиёсатини ишлаб чиқиш.

Тижорат банкларининг кредит портфелининг сифати пастлиги тўғрисидаги маълумотлар банк томонидан берилган кредитларнинг салмоқли қисмини ундириб олишда муаммолар мавжудлигидан далолат беради. Банк фаолиятига ишончсиз кредитлар салбий таъсир кўрсатади. Улар банк даромадининг камайишига, банкнинг молиявий аҳволининг ёмонлашувига олиб келади.

Баъзи банкларда кредитланадиган объектлар бўйича кредитларнинг узок муддатлилиги, кредитлар бўйича кафолатланган таъминотнинг йўқлиги, берилган кредитлар бўйича рискнинг юқори бўлишига асос бўлади. Ундан ташқари, инвестицияланган объектлардан кўплари янги қурилаётган объектлар бўлиб, уларнинг қурилишини олиб бораётган қурувчи ташкилотлар бўлиб, маблағлар сарфига жавоб берувчи ҳуқуқий жиҳатдан кафиллик ташкилотлар сифатида фаолият кўрсата олмайдилар.

Қайта техник жиҳатдан таъмирланаётган ёки реконструкция қилинаётган корхоналар давлат мулкидаги корхоналар бўлиб, уларнинг мулки олинган кредит бўйича кафил сифатида қабул қилинмайди. Ундан ташқари, баъзи объектлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг пул-кредит сиёсати ҳайъатининг қарори бўйича олинган кредитлар бўйича фоиз ставкаларини объектлар ишга тушганидан кейин тўланиши мумкин.

Бу ўз навбатида молиявий жиҳатдан унча барқарор бўлмаган тижорат банкларининг молиявий аҳволига салбий таъсир кўрсатишига, уларнинг даромадининг камайишига, ликвидлилик ва тўловга лаёқатлилилик кўрсаткичларининг тушиб кетишига, банкларнинг ресурс базасига, миқдорлар билан ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида олиб борилишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Тижорат банклари кредит портфелининг сифатини тавсифловчи кўрсаткичлардан бири таснифланган кредитларнинг таркиби ва даражаси эканлигини ҳисобга олган ҳолда, кредит портфели сифат таҳлилини қуйидаги жадвал ёрдамида кўриб чиқамиз.

«А банк» ОАТБ да қишлоқ хўжалиги корхоналарига берилган кредитларнинг таснифланиши (жамига нисбатан фоизда)¹⁹

№	Кўрсаткичлар	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2011 йилда 2006 йилга нисбатан ўзгариши, фоизли пункт
1	Яхши кредитлар	86,0	85,0	87,0	94,0	95,6	97,5	11,5
2	Стандарт кредитлар	14,0	15,0	13,0	6,0	4,4	2,5	-11,5

Жадвал маълумотларидан кўринадики, А банк томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига берилган кредитларнинг таснифланган таркибида мутлақ юқори салмоқни “яхши” тоифасидаги кредитлар эгаллайди. Бу эса, банк кредит портфелининг сифати мазкур кўрсаткич бўйича талаб даражасида эканлигидан далолат беради.

Тижорат банки кредитларининг ҳажмида субстандарт, шубҳали ва умидсиз кредитларнинг юқори салмоққа эга бўлиши унинг молиявий ҳолатига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтирди. Чунки, мазкур тоифаларга мансуб кредитлар бўйича мос равишда 25 фоиз, 50 фоиз ва 100 фоиз миқдорида фойда ҳисобидан захира ажратмалари ташкил қилишга тўғри келади.

Тижорат банклари кредит портфелининг сифатини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан яна бири муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи ҳисобланади. Халқаро банк амалиётида ушбу кўрсаткичнинг йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий даражаси 5 фоизни ташкил этади. Агар ушбу кўрсаткичнинг амалдаги даражаси 5 фоиздан ошса,

¹⁹ “Банк сирини тўғрида”ги Ўзбекистон Республикасидаги қишлоқ хўжалиги корхоналарига берилган кредитларнинг таснифланиши бўйича маълумотларни шартли равишда олинган

тижорат банки кредит портфелининг сифати сезиларли даражада пасайганлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам Германия ва Франциянинг йирик тижорат банкларида муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи 5 фоизга етиши билан, уларнинг 2,5 -3 фоизи банкнинг балансидан чиқарилади.

Маълумки, тижорат банклари фаолиятида хавфли бўлган кредит қўйилмалар - бу муаммоли кредитлар шаклига кирган қўйилмалардир. Субстандарт ва ундан паст таснифланган кредитлар муаммоли кредитлар тоифасига киради.

Маълумки, банк кредитларининг сифати банк тизими ва бутун иқтисодиётнинг ҳолатини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади. Халқаро экспертларнинг фикрича, ялпи кредит портфелида муаммоли кредитлар улушининг 10-15% дан ортиши банк секторида тизимли инқироздан дарак беради.²⁰ Аксарият мамлакатлар кредит портфелининг қониқарсиз сифати муаммосини ечиш учун қатор чора-тадбирлар қўллашга мажбур эдилар.

Президентимиз И.А.Каримовнинг “Қарз олиш осон, бу ҳаммамизга маълум, лекин уни бир кун келиб тўлаш ҳам керак”²¹, “...қарз олишдан олдин узишни ўйлаш керак...”, деган фикрлари муҳимдир.²²

Ғарбнинг қатор иқтисодчилари фикрича, кредит бўйича тўловларнинг график бўйича 90 кундан ортиқ кечикиши ёки кредит шартномаси шартларининг бузилиши, кредитнинг муаммоли эканлигидан далолат беради.²³ Сўнгги берилган таъриф мамлакатимизда мавжуд активлар сифатини таснифлаш бўйича меъёрий ҳужжатларига қисман зид бўлмоқда. Кредит бўйича фоизлар ва қарз 30 кундан ортиқ муддат давомида кечиктирилган кредитлар субстандарт кредитлар сифатида таснифланиши

²⁰ Казарцев А. Решение проблемы «плохих» кредитов: международный опыт // Банковское дело. – 2007. – №3. – С. 63.

²¹ Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида/ Тузувчи Муллажонов Ф.М.- Тошкент, 2005. 8-б.

²² Ўша манба 517-б.

²³ Fraser D., Gup B., Kolari J. Commercial banking/ The Management of Risk. St Paul, MN, 1995. – P. 623.

лозим.²⁴ Ш.З.Абдуллаева таъкидлашича, субстандарт кредитлар ҳам ўз вақтида қайтарилмаганлиги туфайли муаммо келтирувчи кредитлар сифатида таҳлил қилиниши мумкин.²⁵

Шунингдек, иқтисодий адабиётда муаммоли кредит деганда, объекти, субъекти ва таъминотиға нисбатан банк томонидан шубҳа пайдо бўлган кредит тушунилади²⁶, деган қарашлар мавжуд. Уларнинг фикрича, субстандарт, шубҳали ва ишончсиз кредитларни, шу жумладан, асосий тўлов ва кредит фоизлари бўйича қисқа муддатли қарздорликка эга бўлган, шунингдек, кредит шартномаси шартларини ўзгартирмасдан, ҳеч бўлмаса, бир маротаба қайта расмийлаштирилган кредитлар ҳам муаммоли деб тушунилади. Бу таърифнинг сўнгги жумласи мунозарали бўлиб, кредитни қайта расмийлаштиришнинг асосида шартнома шартларини ўзгартириш ётади. Ушбу шартларни ўзгартирмаслик эса кредитни қайта расмийлаштиришнинг мазмуни ва мақсадига зиддир.

Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ва ҳуқуқий ислохотлар банклар билан уларнинг кредитларидан фойдаланувчи мижозлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқмоқда. Бироқ бу жараёнда ютуқлар билан бир қаторда ўтиш даврига хос бўлган баъзи қийинчиликлар ҳам мавжуд бўлмоқда. Бу борада ҳозирги вақтда қайтмаётган кредитлар муаммоси, айниқса, аҳамиятлидир.

Муаммоли кредитлар билан бевосита ишлаётган банк мутахассисларининг фикрларини ҳисобга олган ҳолда бундай кредитларнинг республикамиз банклари кредит портфелида пайдо бўлиш сабабларини тадқиқ этишга ҳаракат қилдик.

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 9 ноябрдаги 242-сон “Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан активлар сифатини таснифлаш, ссудалар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун ташкил этиладиган захирани шакллантириш ва ундан фойдаланиш” Тартиби.

²⁵ Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. Тошкент, 2002. 187-б.

²⁶ Управление деятельностью коммерческого банка (банковский менеджмент)/ Под ред. д-ра экон. наук, проф. Лаврушина О.И. – Москва, 2002. – С. 456.

Ўзбекистон Республикасида муаммоли кредитлар келиб чиқишининг асосий сабабларини қуйидагича туркумлаш мумкин:

- кредит олувчининг молиявий кўрсаткичларини, кредит маблағларидан фойдаланиш бўйича бизнес-режаларини, инвестицион лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосланишини паст даражада таҳлил қилиниши;

- қарздорнинг кредит маблағларидан фойдаланиши устидан мониторингни сифатсиз олиб борилиши, яъни қарздорнинг молиявий ҳолатини ёмонлашиши, пул оқимларининг салбий динамикаси ҳолатларида кредитни реструктуризациялаш ҳамда кредитнинг статусини ўзгартиришни ҳам қамраб олувчи чораларни ўз вақтида кўрмаслик;

- банклар ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига турли давлат органларининг аралашуви;

- миллий валюта девальвацияси, яъни хорижий валютадаги кредитлар бўйича инвестицион давр мобайнида айирбошлаш курсларида ортиқча фарқнинг пайдо бўлиши.

Муаммоли кредитларни бартараф этиш амалиёти самарали бўлиши учун уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, таснифлаш муаммоли кредитларни бартараф этиш жараёнининг асосий ва дастлабки босқичларидан биридир.

Кредит фаоллияти банкни кредит ташкилоти сифатида шакллантирувчи фаолият ҳисобланади. Банкларнинг хизмат кўрсатиш доираси қанча кенгаймасин, барибир кредит операциялари банклар учун асосий даромад манбаи бўлиб қолаверади. Шундай экан, банк амалиётида кредит операциялари катта рискни ҳам келтириб чиқаради. Чунки даромад қанча катта бўлса, риск ҳам шунчалик катта бўлади. Айниқса, қайтмайдиган кредитлар миқдорининг ошиш эҳтимоли банк учун катта зарар ҳавфини келтириб чиқаради.

Шу сабабли ҳар бир банк ўз кредит сиёсатини айнан мана шундай муаммоли кредитлар олдини олиш, улар билан ишлаш чора тадбирларига йўналтиради, яъни кредит сиёсати, кредит операцияларини самарали ташкил

этиш йўли билан муаммоли кредитларни юзага келиш хавфини олдини олиш мақсадида ташкил этилади.

Республикамиз банк амалиётида сўнгги йилларда берилаётган кредитлар динамикаси ва уларни қайтаришда юзага келаётгван қарздорлик муаммоси, уни юзага келтираётган омиллар ҳамда юзага келган қарздорлик бўйича тижорат банкларида шакллантирилаётган захиралар ҳолати ҳақида бироз тўхталиб ўтиш лозим, албатта, .Сўнгги йилларди кредитнинг иқтисодиётдаги ўрни ва ролигина эмас, балки кредит муносабатларини ташкил этиш жараёни ҳам сифат жиҳатидан анча ўзгарди. Ҳуқуқий ва жисмоний шахсларни кредитлаш функциясини энди фаолиятнинг асосий мақсади фойда олиш билан боғлиқ бўлган ўзига хос тадбиркорликм тузилмалари ролини бажарувчи тижорат банкларининг ўзлари амалга оширадilar. Кредитлашнинг асосий манбаи банкларнинг ўз маблағлари ҳисобига эмас, балки маълум вақт ўтиши билан фойдаланганлик учун, одатда маълум фоиз тўлови билан қайтарилши керак бўлган хўжалик юритувчи субъект уларнинг, ва аҳолининг ва давлатнинг вақтинча бўш пул маблағларини жалб орқали шаклланади. Бу маблағларни омонатчиларга тўлиқ хажмда ва белгиланган муддатларда қайтариб бериш учун тижорат банклари ўзлари, авваламбор, берилган кредитларни ўз вақтида қайтишини таъминлаши зарур Айнан мана шу муаммо бугунги кунда республикамиз банк тизими олдида ечилиши керак бўлган энг долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Қуйидагикелтирилган жадвал маълумотлари асосида Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларида муддати ўтган қарздорлик динамикасини кўриб чиқамиз.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида муддати ўтган
қарздорлик динамикаси ²⁷

Кўрсаткич	2007	2008	2009	2010	2011
Жами берилган кредитлар (млн. сўм)	3553095,5	3830100,5	4095400,0	4757400,0	6 371900,0
Жами муддати ўтган кредитлар (млн. сўм)	571199,7	821834,9	658039,5	844949,8	644770,9
Муддати ўтган кредитларнинг жами кредитлардаги улуши (%)	16.1	21.5	16.1	17.8	10.1
Кредитлар ҳажмининг ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати (%)	-	107.8	107,0	116,2	133,9
Муддати ўтган кредитларнинг ўтган йилга нисбатан ўсиши (%)	-	143.9	80.1	128.4	76.3

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, муддати ўтган қарздорликнинг берилган кредитлардаги улуши 5 йил ичида гоҳ ўсиб, гоҳ пасайган. Жумладан, 2007 йилда муддати ўтган кредитларнинг жами кредитлардаги улуши 16.1% дан 2008 йилда 21.5%га ўсгани кузатилган бўлса, 2009 йилда у яна пасайиш тенденциясига эга бўлган, яъни 16.1%ни ташкил этмоқда. 2010 йилда эса, муддати ўтган қарздорлик улуши яна олдинги йилга нисбатан ўсиб, 17.8% ни ташкил этган. 2011 йилга келиб, муддати ўтган кредитларнинг динамикаси пасайиш тенденциясига эга бўлган ва у 10.1% га пасайган. Агар бу ҳолатни берилган жами кредитлар ҳажми динамикаси билан боғлайдиган бўлсак, берилган кредитлар ҳажми фақатгина 2009 йилда бир оз пасайган холос. Қолган йилларда эса у юқори ўсиш суръатларига эга, муддати ўтган кредитларнинг олдинги йилга нисбатан ўсиш тенденциясини кузатадиган бўлсак, 2008 йилда унинг суръати жами берилган кредитлар ҳажмининг ўсиш суръатидан юқори, лекин 2009 йилга келиб муддати ўтган


²⁷ Марказий банк маълумотлари асосида ҳисобланган.

қарздорлик 2008 йилга нисбатан пасайган ва берилган кредит ҳажмининг ўсиш суръатидан паст. 2009 йилда берилган жами кредитлар ҳажми ўсиб, олдинги йилга нисбатан 116,2% ни ташкил этган бўлса, унга мос равишда муддати ўтган кредитлар ҳажми ҳам ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 128.4% ни ташкил этган. Ушбу йилда муаммоли кредитларнинг ўсиш суръати жами берилган кредитлар ўсиш суръатидан юқори бўлган. 2011 йилда эса, анча ижобий ҳолни кузатиш мумкин. Бу йилга келиб берилган кредитлар ҳажмининг ўсиш суръати анча юқори, яъни 133,9% ни ташкил этган бўлсада, муддати ўтган қарздорлик улуши олдинги йилга нисбатан пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бунни қуйидаги чизмада яққоли кўришимиз мумкин.

1-

диаграмма

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари жами кредит портфелида муаммоли кредитларнинг улуши.% (01.01.2011)²⁸



Юқоридаги диаграммадан кўриниб турибдики, республикаимиз жами кредит портфелида муаммоли кредитлар 14 %ни ташкил қилмоқда. Бу эса республика тижорат банклари кредит портфелида жиддий муаммолар борлигидан далолат беради. Республикаимиз жами кредит портфелидаги муаммоли кредитларнинг асосий салмоғи ТИФ миллий банкига тўғри келади.

²⁸ Ўзбекистон Республикаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган

ТИФ миллий банк кредит портфелидаги муаммоли кредитларнинг аксарияти чет эл валютасида Хукумат кафолати остида берилган кредитлардир.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредит портфелининг²⁹ тармоқлар даражасига кўра таснифи(1-илова)

Мамлакатимизда тижорат банклари кредит портфели сифат даражасини тармоқлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, бунда асосий ўринни яхши кредитлар эгаллайди, айниқса қишлоқ хўжалиги(92%), транспорт ва телекоммуникация(98%), қурилиш, моддий техника таъминоти(95%)нинг салмоғи юқори. Жами кредитларнинг 86%и яхши кредитлардир. Қолган 14%и муаммоли кредитлар, яъни стандарт(9%), субстандарт(4%), шубҳали(1%), умидсиз (0,3%).

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредит портфелининг сифат даражасига кўра таснифи²⁶ (2-илова)

Республикаимиз тижорат банклари кредит портфелини сифатига кўра таҳлили қиладиган бўлсак, бунда муаммоли кредитлар йирик банкларда кўпроқ улушни ташкил этади. Хусусий банкларда эса, муаммоли кредитларнинг улуши ниҳоятда пастлиги ижобий ҳолат саналади.

Ўзбекистон тижорат банкларининг муаммоли кредитлар динамикаси³⁰ (3-илова)

Энди мамлакатимиз тижорат банкларининг яхши ва муаммоли кредитлари нисбатини кўрадиган бўлсак, бунда яхши кредитлар жами кредитларнинг 86,2 фоизини ташкил этади, муаммоли кредитлар эса 13.8 фоизни ташкил этган. Бунда ҳам йирик банкларимизда муаммоли кредитларнинг улуши юқори, чет эл капитали иштирокидаги ва Хусусий банкларда эса муаммоли кредитлар салоҳияти жуда кичик.

Тижорат банкларининг кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплашга мўлжалланган захиралари миқдори тижорат банкининг кредит рискинни аниқловчи асосий кўрсаткичлардан ҳисобланади.


Уларнинг ҳажми ортиши билан банк активлари нисбатан салмоғини

²⁹ Тижорат банклари йилик Ҳисоботлари асосида тузилди

³⁰ Тижорат банклари Ҳисоботлари асосида тайёрланди,

камаиши ижобий ҳолатдир. Мамлакатимизда тижорат банкларининг ялпи захиралар миқдори 2005 йилдаги 257 млрд. сўмдан 2008 йилга келиб 406,4 млрд. сўмга ортган бўлсада, 2010 йилда 214,7 млрд. сўмга пасайган. Банк тизимининг активларига нисбатан ялпи захиралар миқдори пасайиш тенденциясига эга бўлмоқда, яъни 2010 йилда 2005 йилга нисбатан ўзгариш 3,6 %га пасайган ва 1 %ни ташкил

Ссудалар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш учун ташкил қилинган захираларнинг банк активларига нисбати %³¹



1- расм. Ссудалар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш учун ташкил қилинган захираларнинг банк активларига нисбати, %⁵.

Мазкур ҳолат миллий банк тизимининг салбий кўрсаткичларидан ҳисобланади. Чунки унинг мўътадил даражаси 0,5 фоизни ташкил этади. Аммо баъзи бир тижорат банкларида ссудалар бўйича ташкил қилинган захираларнинг банк активларига нисбати юқорилиги сақланмоқда. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, “Ўзсаноатқурилишбанк”да кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплашга мўлжалланган захиралар миқдорининг банк активларига нисбати 2010 йил якуни бўйича 1,7 фоизни ташкил этган, шунингдек бу кўрсаткичнинг 2005 йилдан кейинги даврда ўсиб бораётганлиги эътиборлидир. “Агробанк” ОАТБда кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплашга мўлжалланган захиралар миқдори ва унинг банк активларига нисбати ҳам

³¹ Марказий банк маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган

ортиб бормоқда. 2010 йилда 2005 йилга нисбатан “Агробанк” ОАТБда ялпи захиралар миқдори 2,21 млрд. сўмдан 11,67 млрд. сўмга, яъни қарийб 5 баробарга, уларнинг банк активларига нисбати эса 0,6 фоиздан 0,7 фоизга ортган.

2.2. Хорижий мамлакатларда муаммоли кредитлар билан ишлашнинг амалий ҳолати.(Россия ва чет эл мамлакатларидаги муаммоли кредитлар бозорлари таснифи).

Бугунги кунда кўп давлат банк тизимида ишончсиз қарзларнинг кўпайиши муаммосига дуч келаётганлиги туфайли, банкларнинг муаммоли кредитларини реструктуризация қилиш масалаларининг долзарблиги ортиб бормоқда. Жаҳоннинг кўп мамлакатларида ишламаётган активлар муаммосини ечиш ҳамда банк соҳасидаги инқирозни бартараф этиш учун давлат банклардан муаммоли активларни сотиб олган. Бир қатор мамлакатларда ҳукуматлар томонидан банкларнинг “ёмон” активлари билан мақсадли ишлаш учун махсус корпорациялар тузилган. Бундай ташкилотлар банк тизимининг тузилишида ҳамда иқтисодий ривожланиш даражаси мутлақо турлича бўлган мамлакатларда ташкил этилган.

Халқаро амалиётда муаммоли активларни бошқаришга асосан марказлашган ва марказлашмаган иккита ёндашув қўлланилади. Биринчи ёндашув давлат томонидан бутун банк тизимининг муаммоли активларини сотиб олиш ва бошқариш бўйича махсус корпорация тузилишини кўзда тутди. Тижорат банкларининг муаммоли кредитларини ажратиб, чиқариб олиш бундай тузилманинг асосий мақсади ҳисобланади. Сотиб олинган кредитлар корпорациянинг қарз мажбуриятлари ёки акцияларига, ёхуд бевосита ҳукуматнинг қарз мажбуриятларига алмаштирилади. Муаммоли кредитларни тез ажратиб олиш имкониятининг мавжудлиги, мазкур ёндашувнинг афзаллигидир, камчилиги эса, алоҳида тузилмани шакллантириш учун қўшимча харажатларнинг мавжудлиги ҳамда реструктуризациялаш жараёнинг узок давом этиши ҳисобланади. Муаммоли қарздорликни реструктуризация қилиш бўйича хориж тажрибасининг

таҳлили, кредит портфелида муаммоли кредитлар мавжуд банклар сонининг кўплигида ва сотиб олинган активлар ўхшашлигининг маълум даражасида, реструктуризациялашнинг бундай усулини маъқул эканини кўрсатмоқда.

Марказлашмаган усулнинг моҳияти, банкнинг таркибида ёки унинг доирасидан ташқарида ишламаётган активларни бошқариш бўйича тегишли тузилмани ташкил этишдан иборатдир. Швеция ва Польшада қўлланилган. Қийинчиликни бошдан кечираётган банклар сони кўп бўлмаганда, марказлашмаган усулдан фойдаланиш кўпроқ самара беради. Мазкур усулнинг афзаллиги шундаки, банклар муаммоли кредитларни бошқариш бўйича юқори малакага эга бўлиши мумкин. Бу моделнинг ижобий томонлари билан бир қаторда банклар ташқи аралашувисиз ўз фаолиятини ўзгартиришга қодир бўлмаслиги. Шунингдек, муддати ўтган қарздорликка эга бўлган мижозларни кредитлаши давом этиши каби салбий томонлари ҳам мавжуд. Японияда ва Швецияда муаммоли кредитлар билан ишлашда иккала усулдан ҳам фойдаланилади. Банклардан муаммоли кредитларни сотиб олиш жараёнини Марказий банк(Чили, Венгрия, Польшада) билан бир қаторда, реструктуризация қилиш бўйича агентлик (Чехия, АҚШ, Мексика, Жанубий Корея) ҳам амалга оширилиши мумкин.

Муаммоли кредитларни сотиб олиш баҳоси кредитлар баланс қийматининг 3 %идан 100 фоизигача бўлган қисмини ташкил этади.

Муаммоли кредитларни банк бошқарувида қолдиришнинг ижобий томонларидан яна бири, банк мижоз муносабатларининг узилмаслигидир. Бундай қарор қарзни сўндирилиши билан бирга, кредит муносабатларини қайта тиклашга имкон беради.

Корпарация томонидан муаммоли кредитларни сотиб олиш пул маблағлари билан бир қаторда, ҳукумат кафолати остида облигация ва векселлар ҳисобига ҳам амалга оширилиши мумкин. Мўлжалланишича, сўндириш муддати тугашига қадар муаммоли активларнинг кўп қисми қопланади, бундан олинган маблағ эса қимматли қоғозлар бўйича тўловларга йўналтирилади.

Муаммоли кредитларни бошқариш бўйича иккита асосий стратегия мавжуд. Биринчи стратегиянинг асосида активларни келгусида сифати тушишининг бюджетга салбий таъсирини камайтириш мақсадида уларни кечиктирмаган ҳолда сотиш ётади. Бу ерда паст сифатли активларнинг кўп хажмда сотилиши улар қийматининг пасайиб кетишига хизмат қилиш эҳтиёжи ҳам мавжуддир.

Иккинчи ёндашув моҳиятига кўра , маълум вақт давомида корпорация муаммоли кредитлар билан ишлайди ва уларни қиймати максимал даражага етганда, уларни аста секин сотади.

У ёки бу стратегия, ёхуд иккаласининг ўртасидаги бирор келишув вариантлари бир бирини танлаб олиш корпорация олдида турган мақсад ва вазифалар, мамлакатдаги умумий иқтисодий ҳолат ҳамда банк фаолиятидаги инқироз шароитларидан келиб чиққан ҳолда ангиқланади.

Активларни бошқариш бўйича корпорациялар , одатда, банк тизимини реструктуризация қилиш даврида тузилади. Уларни амал қилиш даври турличадир. Чехиядаги соғломлаштириш бўйича агентлик Швециядаги банкларни қўллаб қувватлаш агентлиги ва 5 йил атрофида АҚШнинг тартибга солиш бўйича траст компанияси 6 йил атрофида ишлаган.

Шу билан бирга жаҳон амалиётида бундай тузилмалар кейинги тақдирининг бошқа вариантлари ҳам мавжуддир. Масалан, Жанубий Корея ва Таиландда янги ваколатларга эга бўлган активларни бошқариш бўйича агентликлар бугунги кунда ҳам фаолият кўрсатмоқда. Доимий равишда ишловчи муаммоли активлар бозорининг инқирозни олдини олувчи асосий воситалардан бири ҳисобланади.

Польшада давлат банклари молиявий ёрдам кўрсатиш орқали корхоналарни реструктуризация қилишга банкларни жалб этиш амалиёти қўлланилди. Банкларга муаммоли кредитлар ажратиб олиниб, уларни шу банкларнинг ўзида махсус ташкил этилган бўлимларга ўтказиш ҳуқуқи берилган , бундай бўлимларнинг асосий вазифалари таркибиги қуйидагилар киради:

-қарздор корхоналардаги ҳолатни ўрганиб чиқиш.

-реструктуризация қилиниши мумкин бўлган ҳамда соғломлаштиришнинг самараси бўлмайдиган корхонани аниқлаш.

-реструктуризациялаш дастурларини ишлаб чиқиш мақсадида мувофиқлаштириш тадбирларини ташкил этиш.

-реструктуризация дастурларини баҳолаш.

Давлат тегишли тадбирларда иштирок этаётган банкларга Польша банкининг махсус хусусийлаштириш фонди томонидан ижро этиладиган узоқ муддатли реструктуризация қилинган облигацияларни бериш орқали қўллаб қувватлашни амалга оширади.

“Ишончсиз” корхоналарга нисбатан банклари банкротлик жараёнини бошлаб юбориш, қарзларни корхонанинг акцияларига конвертация қилиш, маълум муддат давомида қарзларни чегирма билан бошқа кредиторларга сотиб юбориш ҳуқуқига эгадир.

Банк фаолияти банкнинг ташки муҳит билан ўзаро ҳаракатлари жараёнида пайдо бўладиган турли хил рисклар билан чамбарчас боғлиқдир. (кредит операцион, бозор ва ҳ.к). Кредит рисқи, яъни банк томонидан бериладиган кредитларнинг қайтарилмаслиқ эҳтимоли кредит ташкилотлари ҳаёти фаолияти учун энг катта хавф келтириб чиқаради. Айнан шунинг учун банк ишида кредит рисқини бошқариш асосий ишлардан ҳисобланади. Кредит ташкилотларининг банкротликка олиб келган асосий сабаблардан бири кредит портфелини шакллантиришда ва бошқариш соҳасида саводсизликларча сиёсат билан боғлиқдир. Тижорат банкларининг муаммоли қарздорликларни қайтариш мақсади билан амалга оширган барча чора тадбирлари суд орқали ва судсиз ҳал қилинадиган бўлиши мумкин.

Кредит жараёни иштирокчиларининг умумий фикрига кўра, судга мурожат қилиш, судсиз бир қарорга келишига нисбатан анча самарасиз, масалан, қарзий мажбуриятларни қайта сотиш йўли билан ҳам ҳал қилиш мумкин. Ўз навбатида судга доир ва судсиз ҳал қилинадиган чораларида ҳам

муаммоли қарздордик билан ишлашнинг бир неча асосий йўналишларини ажратиш мумкин.

12- жадвал

Муаммоли қарздорликни тартибга солиш (бошқариш) бўйича чоралар³²

Муаммоли қарздорликни тартибга солиш (бошқариш) бўйича чоралар*	
<i>Судсиз чоралар</i>	<i>Судда ҳал қилиш чоралар</i>
Шартнома матнига қўшимча киритиш. Қарз мажбуриятларини қайта структуралаштириш. Қарз мажбуриятларини учинчи шахсга бериш. Чора кўришга умид бўлмаган муаммоли активларни ҳисобдан чиқариш.	Эътироз-даъво тадбирлари. Банкротлик процедураларининг бошланиши. Қарздорларнинг активларини сотиш ёки билан қарзга чора кўриш.

Кредит ташкилоти бошиданок юридик шахслардан қарзни қайтариш учун мақсадли равишда ҳуқуқий чораларни қўллаши самарадорлик нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқ бўлади. Жисмоний шахсларга эса ҳар куни қарзни эслатиб қўнғироқ қилиш ва бошқа ”юмшоқ” чораларни кўриши мумкин. Асосий муаммо қонун доирасидан чиқмаслик ва кредитордан фирибгарга айланиб қолмасликдир. Масалан, АҚШда қарздорга таъсир этиш чораларини қўллашни тенглаштириб турувчи жараён элементи сифатида кредитларни қайтариб олиш бўйича фаолиятни бошқаришга ва қарздорларнинг махсус ташкилотлари билан(коллекторлик агентликлари) муносабатларини бошқарувчи махсус норматив ҳужжат (Fair debt Collection Practices Act) амал қилади.

³² Интернет маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган

Молиявий инқироз кредит структуралари ва жисмоний шахслар жамғармаларига жиддий ўзгариш (тузатиш)лар киритди. Чунки Россиянинг тадбиркорларининг хорижий шериклари ҳисоб китобларни мустаҳкам валютада бажаришни афзал кўрадилар. 2008 йил учун валюта кредитларининг ўсиш суръати Россия банкининг маълумотларига қараганда 34.5% га ошди. Жисмоний шахсларнинг валютадаги жамғарма омонатлари 2,4 марта ўсди, рубльда эса 3,6%га қисқарди.

2009 йилда валютадаги омонатлар 2010 йил га нисбатан 125 %, рубльда эса 27%га ўсди ҳамма миқозлар ссуда қарзлари 2,5%га, хориж валютасидаги кредитлари бўйича қарзлари эса 1%га қисқарди. 2009 йил ресурс базасининг ўта паст ўсишида хорижий валютадаги кредитлар бўйича қарзларнинг камайиши банклар ва уларнинг миқозлари (қарз олувчилар ва омонат кўювчилар) валюта рискинни ўсиб бораётганидан дарак беради.

Омонатга қабул қилинган хорижий валюталарни банклар устувор ҳолда риск даражаси юқорилиги ўзига ҳос бўлган валютали кредит операцияларига жойлаштирадилар. Бундай фаразларни таснифлашда улар бўйича эҳтимоли йўқотишларга заҳиралар ташкил этиш алоҳида ёндашув талаб этади.

Россия банки маълумотларига мувофиқ ссудаларни қайтариши билан боғлиқ вазият ёмонлашди. Рубльда берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарзларнинг улуши 2,4 дан 6,8%гача, хорижий валютадаги кредитлар бўйича 1,4 дан 4,2 %га ча, рубльдаги кредитлар 2,8 марта, валютадаги кредитлар бўйича 3 марта ортди.

Хорижий валютадаги кредитларнинг қайтарилмаслиги рискинни баҳолашда қарздор қайси валютада фойда(даромад) олаётганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлади. Агар у фақат рубльда юзага келса, рубльнинг девалвация ҳолатида қарз олувчига кредитни ва фойизларни тўлаш пайтида бирон бир асорат келиб чиқиши мумкин. Қўшимча риск(ҚР)ни қуйидаги формула билан ҳисоблаб чиқиш мумкин.

$$ҚР=(Фв+Кв):Сд*100\%.$$

Бунда, Фв-хисобот йили учун кредитга хорижий валютада тўлов фоизлари, Кв- хисобот йили учун кредитга валютада тўланадиган асосийқисми суммаси, Сд-қарздорни солиқлар ва бошқа тўловларни тўлагунига қадар соф фойдаси,

Кредит rischi ва кредит категориясининг белгиланган тартибда ҳисоблаб чиқилган Йўқотишларга қарши заҳира фонди (ЙҚЗФ) қўшимча ажратмаларни қўшиши керак бўлади. Резервга ажратмаларнинг узил-кесил миқдори қуйидаги формула билан ҳисобланади.

$$УР=(ҚАФ+ААФ)*К$$

Бунда, УР-умумий заҳира, ҚАФ- кредитлар бўйича ЙҚЗФга хорижий валютада қўшимча ажратмалар фоизи, ААФ- кредит сифатига мувофиқ аниқланган ажратма фоизи, К- классификацияланадиган кредитнинг хорижий валютадаги суммаси.

Масалан агар кредит РФМБнинг №254-П низомива кредитлар сифатининг классификациясига мувофиқ таснифланган бўлса, ЙҚЗФга ажратма кредит суммасидан 15%ни ташкил қилган аммо ҳақиқатда эса кредитга қўшимча заҳира 40 %га тенг бўлган. Қўшимча равишда яна 7% ажратиш зарур . Яъни резервга ажратишнинг умумий миқдори 22 %ни ташкил қилади.

13- жадвал

Хорижий валютада кредитлар бўйича ЙҚЗФга қўшимча ажратмалар.*³³

кредит категориялари	қўшимча риск қийматлари %да			
	0-20	21-50	51-75	76-100
стандартли	1	2	4	5
стандарсиз	5	7	10	15
даргумон	7	10	15	25

-жадвалда, муаммоли ва умидсиз сифатида таснифланувчи кредитлар келтирилмаган чунки улар бўйича 100% заҳира ажратишни миқдорида

³³ Россия марказий банкининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан таёрланган.

резерв ажратма кўзда тутилган. Агар муаммоли кредит бўйича ажратма 100%дан камини ташкил этса, бу миқдор суммаси кредит суммасидан ортиб кетмаслиги учун яна 25 % ёки ундан камроқ қўшиш керак бўлади. (масалан, $80\%+20\%=100\%$ ёки $70\%+25\%=95\%$).

Таклиф қилинаётган методика ссудаларни таснифлашни ўтказиш билан боғлиқ иш ҳажмини оширишни ҳисобга олиб уни қўллашни фақат банклар томонидан юридик шахсларга бериладиган йирик қарзларга нисбатангина чегаралаш мумкин.

Хорижий валютада банк қарзлари бериш қайтаришнинг кучайтирилган rischi билан кузатилади, бунга курснинг ўсиши ва қарз олувчи оладиган даромадга валютанинг мос келмаслигида кўринувчи валюта rischi ҳам қўшимча равишда ёрдам беради. Бироқ қўшимча харажатлар ва меҳнат сарфига қарамасдан хорижий валютада кредит беришда риск ҳисобига тахлид қилинадиган ёндашув банк учун қарздорнинг ссудани қайтаришга қодирлигидаги салбий тенденцияларни ўз вақтида аниқлашгина эмас, шунингдек, агар кредит умидсиз бўлиб чиқса, бир хилдаги манба яратишга ҳам имкон беради.

Муддати ўтган қарздорлик, гаров сифатида ликвидлилиги бўлмаган кўчмас мулк Россия банклари 2009 йилнинг ўрталарида яна муаммога дуч келдилар, бугун вазият бирмунча барқарорлашди. Қарз олувчилар банклар билан келишиши мумкин бўлган объектлар бўйича қарзлар қайта структураланди, лекин қолганлари кредит ташкилотлар учун муаммоли активлар бўлиб қолди.

Муаммоли активларни реализация қилишда қўл келадиган воситаларни танлашдан олдин банк инвестицион таҳлил ўтказиши-бу объектни нима қилиш мумкин, унинг жорий ликвидлиги қандай, келгусида унинг даромадлилигини ошириш мумкинми-ўрганиб чиқиш лозим. Ҳар бир аниқ ҳолатда реализация қилишнинг ўз схемаси ишлаб чиқиши зарур.

Муаммоли активлар портфели таҳлили билан банк структурасидаги махсус бўлим шуғулланиши керак. Бу ишчи гуруҳ мустақил ёки

маслаҳатчилар ёрдамида энг оптимал вариант: дисконт билан муддатидан олдин сотиш, вақтинчалик ушлаб туриш, ривожланиш (позицияланган ва реконцепция), қурилиш, эксплуатация кабиларни аниқловчи янгидан ташкил этилган департамент бўлиши мумкин.

Гаров объекти-тижорат кўчмас мулки ёки ер участкаси билан ишнинг аниқ воситасини кўриб чиқамиз.

Вақтинчалик ушлаб қолиш ва бошқариш. Кредит ташкилоти, агар гаров объекти сифатли ва рента даражаси даромадга эга бўлса, уни ўзига олиб қолади. Уни бозорда ўз қийматини тўлиқ тиклагунга қадар ушлаб туради. Кейинги қадам гаров объекти ликвидлигини ошириш имкониятларини қидириш бўлади. Моҳиятан гап реконцепциялар, тижорат ва техник аудиториялар ҳақида кетмоқда.

Бироқ янгидан ташкил этилган структура объектга 6-12 ой аввал сифатли хизмат кўрсата олмайди. Демак муаммоли активлар билан ишлаш бўйича фаолиятнинг сезиларли қисмини аутсорингга бериш мантиқли бўлади-бу ортқча молиявий йўқотишлардан қочишга ёрдам беради.

Компанияни профессионал бошқарувчи орадан 1-1,5 ой ўтгач объектга ишга кириша олади. Табиий объектга бошқарув-профилли бизнес ҳисобланувчи компания ёрдамида анча арзонга тушади. Компанияни бошқаришда шунга ўхшаш бир қанча объект бўлади, штатларга харажатлар улар орасида тақсимланади, қолган бонусли ташкил этувчи ушбу объектдан рента даромадга боғлиқ ҳолда келади, бу эса бошқарувчи компанияга унинг ликвидлигини оширишга мотивайиялайдм. Малакали бошқаришда объект даромад олиб келади ва унир сақлаш учун қилинган харажатларни қоплабгина қолмасдан банкнинг кредит бўйича йўқотишларини қисман қоплайди.

Кредит ташкилоти учун оптимал вариант – аутсорингга ҳамма йўналишлар бўйича ўзаро ҳамкорлик қиладиган ўз назорат қилувчи структурасини яратишдир.

Объектни SPVга олиб чиқишдир. (Special Purpose Vehicle)- бу банк назорат остида бўлган муаммоли активларни балансдан чиқарадиган ихтисослаштирилган компания. Шундай қилиб кредит ташкилоти асосий ҳисобда салбий балансдан кутилади ва ўз рейтингини оширади. Бундай схемадан , Сбербанк капитал ва ВТБ капитал фойдаланади.

Қуйидагича вариант ҳам муваффақиятли бўлиши мумкин: гаров объекти SPVга чиқарилади ва у орқали бошқарув ва эксплуатация билан шуғулланади. Устуворлиги шундаки, бу унинг молиявий ҳисоботида тўғридан тўғри таъсир қилмайди.

Объектни КЗПИФ(кредитга ёпиқ пайли инвестицион фонд)га ўтказиш. Объектни ўтказиш икки ҳолатда бўлиши мумкин. Банк муаммоли активлар олиб, уни ўз балансига ўтказганда, Бунда инструмент кўчмас мулкнинг ёпиқ пайли инвестицион фонди бўлади.

Иккинчиси –объект ҳали олингани йўқ ва ҳамма белгиларига кўра қўшимча маблағ тавсирини талаб қилувчи кредит қолади. КЗПИФ- кредитга ёпиқ пайли инвестицион фонд

КЗПИФ механизми ҳозир кўпчилик молия ташкилотлари олдида турган долзарб вазифаларни ҳал қилишда фойдали. Бунда асосийси банкнинг балансидан пул маблағларини қўшимча резервлаштириш заруриятисиз дефолт активларни кўчириш йўли билан уни соғломлаштиришдир.

КЗПИФни яратишни асосий схемасини кўриб чиқамиз. Бир ёки бир нечта малакали инвесторлар пул маблағлари билан ёпиқ фонд шакллантиради. Пул маблағлари бошқа банклар кредитларини сотиб олишга йўналтирилади. РФ марказий банкининг 09.12.2008 йил №08-56/ПФ мувофиқ ЗПИФни кредитлар бўйича гаровлар билан шакллантиришга рухсат берилмайди. Пул бошқа банкларнинг кредитларини сотиб олишига йўналтирилади, инвесторлар унинг ўрнига КЗПИФнинг олгани эвазига балансида “қимматли қоғозларга инвестициялар” сифатида расмийлаштирилади. Пайлар оборот(айланма)да чекланган бўлиши ёки листинга эга бўлиб биржада савдо қилиш мумкин. Даромадлар, яъни

қарздорлик бўйича олинган фоизлар пайчига фонддан тўланади ёки фонд ичида йиғилиб қайта инвестицияланади. Ушбу ҳамма операциялар натижасида кредитлар бўйича гаровлар фондга кетади, банк эса балансида пай ва ушбу фонддан даромад олади. Шу билан бирга ликвидлиги ўсиб боради.

Объектни ЗПИФНга ўтказиш. Ушбу вазиятда учта “плюс” мавжуд. Биринчидан, банк балансида кўчмас мулк ёки ер участкаси пайдо бўлади, қимматли қоғозлар эса кредит ташкилотини мулкка ёки ерга солиқ тўлашдан озод қилади. Солиқ тўловлари суммаси бинонинг баланс қийматидан 2,2%гача етади, мулкка солиқдан тежаш эса фонд хизмат кўрсатадиган ташкилотларга тўловдан икки марта кўп бўлиши мумкин.

Иккинчидан, даромаддан солиқ бўйича тўловларни оптималлаштириш имкони пайдо бўлади. Олинган даромад фонд ичида турар экан, унга солиқ тўланмайди, у қайта инвестицияланиши мумкин.

Учинчидан, ҳамма объектларни битта фондга ўтказиб, бир объектнинг қарзини бошқа яхшироқ объект билан қоплаш мумкин. Бу айниқса, муаммоли объектлар бир неча бўлиб, уларнинг ҳаммаси инвестицион жозибадорликнинг турлича даражасига эга бўлганда долзарбдир.

Фонд ичидаги даромадларнинг исталган нарсага- банк қимматликларига ҳам, ҳаттоки. Банкнинг ўз депозитларига ҳам қайта инвестициялаш мумкин. Охирги ҳолатда фоизлар мультипликацияси аста секин ЗПИФН ичидаги пул массасини ўстириб боради. Муаммоли объектлар билан боғлиқ вазият оптималлаштирилган бозорнинг тикланишини кутишгина қолади.

Банк молия ташкилоти бўлгани боис унда фонд пайи бўлган қимматли қоғозлар билан операциялар ўтказиш тажрибаси ва имкониятлари бор. Уларни бутунлай ёки улушларга ажратиб сотиш, назорат остидаги структурага олиб чиқиш ва уни бошқариш, гаровга қўйилганларини сотиш ва бошқалар бўлиши мумкин-банк қимматли қоғозлар билан ишлаш бўйича молиявий воситаларнинг бутун бир арсенали мавжуд. Агар кредит ташкилоти бирон бир сабаб билан ушбу арсеналдан мустақил равишда

фойдалана олмаса, молия бозорининг ихтисослаштирилган бошқарув компанияларига мурожат қилиш имконияти бор.

Муаммоли активлар билан пай фондлар орқали ишлаш воситалари очик, тиник, тушунарли ва самаралидир. Улардан фойдаланиш банк фондлардан реализация қилинадиган гаров объектини сотиши мумкин, олинган фойда эса пайчилар орасида тақсимланади.

Short Sale туридаги аукционорқали сотиш. Short Sale (тез сотиш) туридаги аукционда объект ҳали банк балансига ўтмасидан фойдаланилади. Ушбу воситанинг моҳияти шундаки, қарздор объектни гаров қийматидан салгина арзон нархда сотиб оладиган харидорни ўзи кидириб топади. АҚШда бундай схемадан кўпдан бери фойдаланилади, Россияда эса энди қўлланила бошланди.

Схема оддий: мулк эгаси (гаров берувчи) объектга харидор топади. Харидор унга маълум суммада оферта беради, лекин у ушбу актив қабул қилинган гаров баҳоланган қийматидан паст бўлади. Кейин мулк эгаси офертани кўриб чиқиш учун банк ихтиёрига беради. Ижобий қарор қабул қилинса, олди сотди битими амалга оширилиб, натижада кредит ташкилоти пул олади(анча катта бўлмаган дисконт билан). Мулк эгаси ўзидан қарз бўйича ҳамма мажбуриятдан соқит қилинади, харидор эса мулкни бозор нархидан анча арзон нархда сотиб олади.

Ягона ўзига хос хусусияти: Россия банки буюртмаларни жуда узоқ вақт давомида кўриб чиқади ва қарор қабул қилиши ҳам чўзилади. Улар офертага рози бўлгунга қадар ойлар ўтади, потенциал харидор эса бу вақт оралиғида бошқа қизикроқ объект топади ва дастлабки келишувни бекор қилади.

Объектни тўғридан тўғри бевосита лизинг схемаси бўйича реализация қилиш. Компания банкни тегишли объектини сотиб олишни хоҳлайди, бироқ ҳозирга вақтда бутунича сотиб олиш учун етарли маблағга ега эмас. Бундан ташқари потенциал харидорда зарур айланма маблағ бор ва унинг молиявий аҳволи объектни лизингга олишга имкон беради.

Лизинг шартномаси бўйича компания банкдан кўчмас мулк объектини сотиб олади ва етти йил давомида қолган суммани лизинг тўловлари билан тўлайди. Бунда лизинг бўйича банкка фоиз ва объект қиймати ҳисобига доимий тўлов кўзда тутилади. Шартнома муддати тугаши ва ҳамма тўловлар тўланиши билан компания уларни амалга оширишни тўхтатади, акс ҳолда аввалга барча тўловлар лизинг олувчига қайтарилади. Ягона хусусияти-бу схемада объектнинг дастлабки жозибадорлиги муҳим.

Хулоса қилиш керакки, муаммоли активлар билан ишлашнинг ягона схемаси мавжуд эмас. Чунки ҳар бир лойиҳа индивидуал хусусиятга эга бўлади. Кўриб чиқилган воситаларнинг ҳар бири қандайдир аниқ ҳолатда ўта самарали бўлиши мумкин. Лекин ишонч билан айтиш мумкинки, қарздорлик ва “ёмон” активлар муаммоси ҳеч қачон ҳеч қаерда йўқолмайди.

Банкнинг кредит сиёсати ҳақида гапирганда, умуман, қуйидаги нуқтаи назарга урғу бериш зарур-муаммоли активлар банк бизнесининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Бу ҳар қандай кредит муассасасида муаммоли кредитлар билан ишлашнинг мақсадли тизими қўрилган бўлиши зарурлигини кўзда тутати. Банкларга мос келувчи бўлимлари доимий равишда қарз олувчилар мониторингини амалга ошириши, уларнинг молиявий, иқтисодий ҳолатини таҳлил қилиши, ноқулай ҳолатга тушиб қолганлик белгиларини аниқлаши, муаммоли қарзларни аниқлаши ва зарарларни олдини олиш бўйича чоралар кўриши зарур.


Жаҳон молиявий инқирози, айниқса, банклар ва молиявий муассасаларга кучли зарба берди. Инқироз шароитида омон қолиш учун банклар берилган кредитларни қайтариш учун ҳам, кредит портфелини яхшилаш учун ҳам ўзларидаги барча ресурсларни сафарбар қилишлари зарур. Айнан ҳозир кредитлаш бозорида осойишталик ҳукм сураётган даврда банклар ва кредит муассасаларида янги самарали технологияларни жорий этиш ва синаш учун вақт ва имкониятлар бор. Бу технологиялар бозорда вазият ёмонлашганда ҳар томонлама шай туришларига кафолат, шунингдек,

уларнинг янада ҳаётий хусусиятини ошириш ва даромадлироқ бўлишига имкон беради.

“Рус-Рейтинг”нинг тахминлари бўйича Россия банк тизимида муаммоли қайтмаётган кредитларни ҳаракатсиз(ишламайдиган) кредитлар деб юритишади. Бундай ҳаракатсиз кредитлар ҳажмини умумий ҳолда баланс қиймати бўйича 2 трлн.руб.(67 млрд.дол.) ёки жами кредитларнинг 9,9% деб баҳоланди. Ўтган йил охирида бундай кредитлар ҳажми 2,1 трлн.руб. (70млрд.дол. ёки 10,5%) даражага етади. Баҳоланишига кўра, Россия банк тизимида ишламайдиган корпоратив кредитлар ҳажми 1,6 трлн.руб. (53 млрд.долл. ёки 9,9% ҳамма корпоратив кредитларнинг), чакана(бир марталик)-370млрд.руб. (12млрд.долл. ёки 10,2%). 30 талик ичига кирувчи банклар балансида банк тизимидаги барча ишлатилмайдиган кредитларнинг 80%и мавжуд. Россияда ишламайдиган кредитлар бозори Европадагига ўхшаш:асосан, чакана (бир марталик) кредитлар портфели савдо қилинади. Баҳоланганда унинг ҳажми баланс қиймати бўйича 1 млрд.долл. атрофида (ҳамма ишламайдиган кредитларнинг 2% ёки ҳамма ишламайдиган чакана кредитларнинг 9%). Чакана кредитларнинг ривожланиши корпоратив кредитлашга йўл бермай қўяди, баҳоланки, корпоратив кредитлар чакана кредитларга нисбатан самаралироқдир. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, муаммоли кредитлар асосан чакана истеъмоли кредитларни портфелида қўйилмоқда. Келгусида Россияда ишламайдиган муаммоли корпоратив кредитлар савдоси жонланади³⁴. Жаҳон тажрибаси банк тизимини жадаллаштирилган суратлар билан ривожлантирилиши зарурлигини кўрсатди.

³⁴ «Рус-Рейтинг» ва «Обзор и оценка проблемных кредитов: потенциал рынка». Рейтинг агентликлари маълумотларидан олинган

Мамлакатлар банк кредитларининг иқтисодий фаолият кўринишидаги
улуши³⁵




Келтирилган маълумотлардан кўринадики, банк кредитлари Россиянинг кичик ва ўрта корхоналари ресурсларида фақат 18% атрофида, Германияда эса у 78%ни, АҚШда эса 43%ни ташкил қилади. Уй-жой сотиб олишда банкларнинг улуши мос равишда 12%, 85% ва 83%ни. Ва ниҳоят асосий фондлардаги инвестициялар банк кредитлари ҳисобидан Россияда 9%, Германияда 42%, АҚШда-33% молиялаштирилади. Ушбу ҳисоб-китоблар Россия банк тизими бошқа мамлакатлардан ортда қолётганлигини кўрсатади. Россияда ипотека соҳасида кўплаб масалалар ҳал қилинмоқда. Бирок, умумий ҳолда ипотека кредитлари ҳам уй жой қурилиши каби ўта паст даражада турибди. Кредитлашни ривожлантириш истиқболларини кўриб чиқишда, аввало банклар қандай ресурсларга эга ва уларни кўпайтириш самададорлиги қандай деган саволлар жавоб талаб қилади.

Инқирознинг ўтган бир икки йилида ресурс базаларига нисбатан уларнинг ўзгаришида турли хил омиллар ҳаракат қилди.

³⁵ «Рус-Рейтинг» ва «Обзор и оценка проблемных кредитов: потенциал рынка». Рейтинг агентликлари маълумотларидан олинган

Россия федерацияси банк тизимининг пассивларининг айрим моддалари динамикаси(млрд. Руб. Пул оқимлари методикаси бўйича)³⁶




Келтирилган графикдан кўринадики, кейинги вақтларда Россия банки кредитлари тўланганлигир сабабли ресурс базаларининг энг кўп пасайиши юз берган. Шу билан бирга бу ресурслар юридик шахслар (2009 йил ва 2010 йилнинг биринчи ярми учун) 451 млрд.руб.) ва жисмоний шахсларнинг (ўша даврлар учун 2528,3 млрд.руб.) жуда катта маблағларни жалб қилиш ҳисобига вужудга келди. Умуман олганда ресурс базаси ўзгаргани йўқ. Бундан ташқари кредит портфели стагнациясида банклар ортиқча ликвидликка эга бўладилар. Россия банклари 2010 йил охирлари ҳолатига умумий суммаси 2,2трл.руб. бўлган юқори ликвидли активларга эга эдилар. Шундан 78%и ортиқча ҳисобланган. Бу фақат Россиянинг муаммоси эмас: АҚШ банклари фақат ФРС депозит ҳисобларида 1 трлн.дол.ни ушлаб турибди. (жами активларнинг 7%), баҳоланки, инқирозга қадар бу миқдор 370 млрд. доллардан юқори кўтарилмаган эди. Вазият шу билан чуқурлашдики, инқироздани кейинги даврда банклар кредитларни қайта

³⁶ «Рус-Рейтинг» ва «Обзор и оценка проблемных кредитов: потенциал рынка». Рейтинг агентликлари маълумотларидан олинган

структуризациялаштирдилар, уларни тўлаш муддатларини анча кечиктирдилар. Натижада ресурсларнинг салмоқли қисми узоқ муддатли ҳаракатда бўлди, шунинг учун кредит ресурсларининг айланиши кескин секинлашди.

4- расм

Корпоратив кредит портфели структураси (муддатлари бўйича)³⁷



Ушбу расмдан кўринадики, бир йилдан ортиқ муддатга берилган кредитлар инқирозга қадар банкларнинг кредит портфелида 50%и банд қилинган, ҳозир эса 70% дан юқори. Яъни 20% дан кам бўлмаган кредитлар (2,5трн.руб.) юридик шахслар томонидан қайта структураланган. Банклар оғир аҳволда қолдилар, мавжуд ресурсларни шошиличилиги бўйича уларга узоқ муддатли лойиҳаларни кредитлашга имкон бермади. Улар миқдорларни қисқа муддатли кредитлаб маневр қилишга мажбурлар. Қисқа муддатли ссудалар улуши қисқарди, яъни иқтисодиётда кредит ресурслари айланиши қисқарди қисқа муддатли истиқболда касса бўлиниши (ёрилиши)лари хавфи пайдо бўлди. Қисқа муддатли кредитлаш 1,1 трлн.га қисқариши кичик бизнес субъектларига кучли зарба бўлди. Асосий муаммо

³⁷ «Рус-Рейтинг» ва «Обзор и оценка проблемных кредитов: потенциал рынка». Рейтинг агентликлари маълумотларидан олинган

ҳамма манбаларни банкларнинг ресурс базасига қўшиш бўйича дастур ишлаб чиқишдан иборат. Бу ҳаракатнинг комплекс ўзаро боғлиқ дастури бўлиши лозим. Бошқа мамлакатларда қарзий қарамлик эмас, кредитлашни ривожлантириш учун ички ресурсларни максимал даражада фойдаланиш муҳим.

Украина банкининг хорижий капитали билан ҳисоботиға мувофиқ 2010 йил бошида муаммоли кредитлар улуши (Non performing loans-90 кундан ортиқ муддати ўтган кредитлар) 12 дан 36 %гача ни ташкил қилди, бу эса НБУнинг расмий маълумотларидан сезиларли юқоридир.(9.4%). Таққослаш учун – халқаро молия гуруҳларининг Шарқий Европадаги филиаллари NPLни 4%дан 12 %гача кўрсатмоқда. Россияда муаммоли кредитлар даражаси 12 % дан ошмайди.

Ўтган ойларда Raiffeissen International журналида эълон қилинган ҳисоботда Украина “фахрли” равишда 23,6% кўрсаткич билан муаммоли кредитлари (NPL) биринчи ўринни эгаллади. Россиянинг “муаммочаси” бор йўғи 10,3%ни ташкил қилди. Марказий Европа мамлакатлари бўйича ўртача кўрсаткич 6,5%да турибди. Венгриянинг OTP банкида ҳам шунга ўхшаш ҳолат. Унинг Украинадаги филиалида NPL 22,3%. Россияда 12,4,% Венгриянинг ўзида 7,9%дан иборат.

Банклар ўз қарзини тўлаб олиш имконига эға бўлмаган қарздорлар билан “сўзсиз” тўқнашадилар. Шу билан боғлиқ ҳолда ана шундай қарзларни қайтариш ва улар бўйича гаровларни реализация қилишға оид процедуралар ишлаб чиқилган. Бу процедураларда банкларники бўлмаган(банкдан ташқари) инвесторлар ва шунингдек, учинчи шахсларнинг (ихтисослаштирилган коллекторлик агентликлари) иштироки ўзига нисбатан янги ҳолатдни акс эттиради. Айнан бу муаммоли кредитларни фаол ва очик савдоси ривожланишиға олиб келади. Молиявий инқироз бу жараёни тезлаштиради. Инқироз даврида муаммоли кредитлар сони кескин ўсиб кетгани боис, улар билан ишлаш борасида мавжуд методлар этарли эмас. Россия кредит портфелиға урғу берадиган бўлсак, таркибини корпоратив

кредитлар эмас, балки чакана кредитлар ташкил этади. Муаммоли қарзлари савдоси нисбатан янги ҳолат ҳисобланади.

Ишламайдиган (ҳаракатсиз) кредитлар савдосининг ривожланиш тарихи муаммоли кредитларнинг катта ҳажмидан келиб чиққан инқироз ҳам муаммоли кредитлар бозорини ривожланишидан гувоҳлик беради. Табиий таклифлар оқибатида муаммоли кредитлар билан ишлашга ихтисослашган ташқи ташкилотлар пайдо бўлади ва банклар учун муаммоли кредитларни бошқариш учун самарали янги усул очилади. Агар Россия ривожланишининг ана шундай йўли билан кетса, банклар орасида ҳаракатсиз ётган кредитлар кредит портфеллари билан савдонинг ўсишини кутиш мумкин.

Жахонда ишламайдиган (ҳаракатсиз) кредитлар бозорининг ривожланиши³⁸


АҚШ -1980 йиллар охири	Япония-1990 йиллар боши
Кредитлар ва Жамғармалар секторида инқироз Харажатларни қоплаш учун кредитларни сотиш	Иқтисодий муаммолар Кўчмас мулк “зўлдир”ининг ёрилиши Банк секторини қайта қуриш
Франция - 1995 йил	Италия - 1990 йиллар охири
Қайта қуриш: Иқтисодиётни Банкларни	Миллий инқироз: Европадаги иқтисодий таназзул Маълум тармоқларда қайта қуриш
Жанубий – Шарқий Осиё-1990 йиллар	Тайван - 2000 йил бошлари
Тизимли иқтисодий ва банк инқирозлари Банк ва реал секторни қайта қуриш	Чакана кредитлар ва кўчмас мулк бозорларида молиявий “зўлдир”лар Жанубий-Шарқий Осиё ва Хитой билан боғлиқ рисклар

³⁸ Интернет маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган

Шу билан бирга РФ Марказий банкининг маълумотларига кўра ўтган йилда муддати ўтган қарзлар 937 млрд.рубни ташкил этди (кредитларнинг умумий суммасидан 5,4%).

5-расм

Муддати ўтган қарздорликнинг динамикаси³⁹



РФ марказий банкдан келтирилган бу графикда акс этган маълумотлардан кўриш мумкинки, қайтарилмаган кредитлар ҳажмининг ўсиши кузатилмоқда. Бунда муддати ўтган қарзлар портфелининг кескин ортиши 2008 йилнинг ўрталари 2010 йилнинг бошларида бўлган даврларда кузатилади.

Муаммоли кредитлар билан ишлаш банклар ўз кредитлар дастурига қўшадиган суғурталаш унсурларини ҳам ўз ичига олиши зарур, чунки айрим кредитлар муаммолилар каторига беихтиёр кириб қолади. Одатда бу қарзлар бир ёки бир неча тўловни ўз вақтида амалга оширилмаганлигини билдиради ёки кредит бўйича таъминлаш қиймати сезиларли пасайган бўлади.

Кредит бўйича тўловларнинг кечикиши банк ишчилари учун бош оғриқи бўлиб қолади. РФМБ талабларига мувофиқ қарз расман муаммоли деб тан олингандан кейин банк ўз даромади ҳисобидан тўланмаган қарзлар учун

³⁹ Россия Марказий банкининг маълумотлари асосида тайёрланган

100% захира яратиши лозим. Муаммоли кредитлар сезиларли ўсганда бундай захира банкнинг ўзи учун “оғирлик”ка айланади. Банкнинг молиявий кўрсаткичи эса ёмонлашади.

Бошлангич босқичда, тўловлар биринчи ва иккинчи марта кечикканда муаммоли қарздори билан кредит бўлими ходими иш олиб боради. Қоидага кўра, улар билан муомала мижозга кредит тўлови бўйича мажбуриятни эслатиш билан чегараланади.

Бинобарин, ҳеч ким мижоз ортидан югуриб, ундан кредитни қайтаришни сўрашга мажбур эмас. Кредит ташкилотининг қарз олувчи билан муносабатлари томонларнинг ҳуқуқлари кредит шартномасида тўлиқ ҳолда тафсирланган. Шу боис “билмай қолдим”, “унутибман”, “огоҳлантирмади” кабилар ўз позициясида қолишнинг ёмон аргументларидир. Бу шунингдек, айрим банкларнинг “энг қимматли мижозлари”га кредит карталари беришига ҳам тегишлидир. Бунда томонлар ёзма шартнома тузишмайди, бироқ амалда оферта шартномаси деб аталувчи чиқади-банк потенциал қарз олувчига таклиф (карта бўйича кредитдан фойдаланиш) қилади. Жисмоний шахс бу таклифни (акцепт, РФ фуқаролик кодекси 438модда)қабул қилади.

Бунда шартнома шартлари карта билан бирга почта орқали жўнатиладиган кредит картасига илова қилиниши ҳам мумкин. Битимни тузиш пайти кредит картасини фаоллаштириш ҳисобланади. Қоидага кўра, бунинг учун иловада кўрсатилган телефонга кўнғироқ қилиб, бир қатор унча мураккаб бўлмаган ҳаракатларни бажариши етарли.

Кўпчилик банклар кредит бўйича бирламчи тўлов амалга оширилмаганда дарҳол ўзини кўрсатмайди. Мижозлар эса “кўнғироқ қилишмаяпти, ёзишмаяпти, чамаси эсдан чиқаришди”-дея умид қилади. Бу турли сабабларга кўра юз беради: ҳеч қаерда муаммоли қарздор билан ишлаш учун ходим ажратилмаган .

Иккинчи марта тўлов амалга оширилмагандан кейин банкка доир бўлмаган ихтисослашган мутахасислар ҳаракатга тушади. Қарздор

аввалгидек, ўзини банкда “унутишди” деб ҳисоблайди, аслида эса қарзни қайтариш жараёни эндигина ҳаракат бошлайди.

Бу босқичда қардор билан ўша банкнинг хавфсизлик хизмати ходимлари иш олиб борадилар. Кўпчилик муаммоли кредитлар дефолт эълон қилингунга қадар, яъни биринчи кечикишдан 2-4 ой ўтиб тўланади. Кўпчилик одамлар ўз обрўларига доғ тушишидан қўрқадилар. Бу – бекорга эмас. Чунки, бир қанча вақтдан буён қачондир. Банклардан кредит олган ҳар бир Россиялик учун кредит тарихи юритилган. Қарзни тўламаслик факти бу ҳужжатда умрбод қолади, бунинг оқибати эса кредит беришни рад этишга олиб бориши мумкин.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам қарзларни қайтариш бўйича ходимлар муаммоли қарздорларга мажбуриятни бажармаслик учун улар дуч келади дегн кўнгилсизлар ҳақида гапириб берадилар. Тўғри ишни судгача олиб бормасликка ҳамма ҳам рози бўлавермайди. Бундай ҳолларда қарздор билан муомала оҳанги тубдан ўзгаради. Банкнинг мажбурий чора кўрувчи (куч ишлатувчи) бўлиши вакиллари оғоҳлантирувчи хатлари, телефон кўнғироқлари, кўшниларианикига, қариндошлариникига ва қарздорнинг ишхонасига шахсан ташрифлари-таъсир этиш чораларининг қисқача рўйхати ҳолос. Кўпчилик ҳолатларда руҳий босим ўтказиш иш беради.

Ҳозир қарзларни ундириш бўйича бизнесни бошқаларга коллекторлар агентликларига бериш банклар учун фойдали. Қатор ҳолатларда ушбу компаниялар улар билан ишлаш учун қарз пакетларини сотиб оладилар. Қарздорнинг қарзи бундай ҳоларда янги кредиторга ўтади. Банк эса қарзларни баланс ҳисобидан чиқаради, шу билан ўз имиджини яхшилаб, резервларини бўшатади. Бироқ коллектор ҳатто аутсорингда ишласа ҳам(ҳар бир ҳолат бўйича вақтнинг ўзида хизмат кўрсатади), банк учун пулнинг қайтарилиш эҳтимоли кўп мартага ортади. Бунда хавфсизлик хизмати штатида ҳаддан ташқари кўп ходим сақлаш ҳам шарт эмас.

Қонун бўйича банк қарзларни томонларга бериш, коллектор агентликлари бу қарзларни қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Агар

қарзни тўламасдан одамга коллеторлик компанияларнинг ходими қўнғироқ қилган бўлса, демак, кредит берган банк коллекторлик агентлиги билан қарзни қайтариб олиш бўйича шартнома тузган ёки қарзни унга сотган бўлади. Сизга фирибгар эмас, айнан коллекторлик қўнғироқ қилаётганига ишониш осон: биринчи навбатда у ўзини таништириш ва ишлаётган компаниясининг номини айтиши зарур. Қарздор бу компанияга қўнғироқ қилиш ва у билан банк билан ҳамкорлик қиладими йўқми, қўнғироқ қилган одам шу ерда ишлайдими- аниқлашга тўла ҳақли.

Коллекторлик агентлигининг иши юқорида келтирган чизмадагига ўхшаш ҳолда тузилади. Аввалига коллекторлар телефонда қарздорга нима учун қарзини қайтариш зарурлигини тушунтиради. Агар банкнинг асосий вазифаси ёмон қарзни балансидан иложи борица тезроқ қутилиш бўлса, коллекторлик агентлигининг мақсади даромад олишдир. Шунинг учун қарзни тўламаётган қарздор билан ишлашда у охиригача боради. Уларнинг ҳаракатларида қўлланиладиган спектр банк ходиминикига нисбатан анча кенг. Улар учун учига чиққан қарздорни ҳаётини расво қилиш ҳеч гап эмас.

Коллекторлик агентликлари ишларининг стандарт алгоритми қуйидагилардан иборат:

Коллекторлик марказининг энг аввал қиладиган иши: миждозни СМС ахборотлари билан таништириш ва қарздорларга қўнғироқ қилиб чиқиш.

Манзиллар бўйича бориш ва қарздорга шахсан хабар қилиш.

Қарздорларни қидириш, қарздор ҳақида қўшимча ахборот йиғиш.

Судга ариза бериш.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам коллекторлар ҳуқуқ доирасида ҳаракат қилишлари зарур. Коллектор қарздорга босим ўтказиш, унга қўполлик қилиш, жисмоний куч ишлатиш билан таҳдид қилиш ҳуқуқига эга эмас. Агар компаниянинг қарзларни қайтариш билан шуғулланувчи ходими ўз ваколатини суистеъмол қилса, қарздор ўз кредит берувчисига шикоят қилиш ҳуқуқига эга, у эса коллекторлик билан ҳамкорлик қилиш шартларини қайта кўриб чиқиши мумкин(бирок фақат қарз банк балансида турган

ҳоллардагина). Қарздорнинг фикри ишнинг йўл қўйилмайдиган методини қўллаган ходимнинг исмини айтиб, коллекторлик компанияси раҳбарига хизмат мурожаат қилиш мумкин. Шунингдек, Россия истеъмол назорати, коллекторлик бизнесини ривожланишини бўйича Ассоциацияга ҳам шикояти қилиши мумкин. Охирги ҳолатда милицияга мурожат қилиши керак.

Қарзни қайтариш жараёнида якуний босқич кредитнинг, агар бор бўлса, гаровни сотишни талаб қилиб, судга мурожат этиши ҳисобланади. Суд қарори билан банкка гарови берилган хонадон ёки машина “ким ошди” (аукцион) савдосида сотилади. Бироқ қарздорга воқияларнинг бундай ривожига фойдасиз. Томонлар келишув билан, агар қарздорда пул масаласида муаммо келиб чиқса, у мулкни мустақил равишда бозор нархида сотиши мумкин. Аукционда нархнинг қанчалик адолатли бўлиши катта масала, шунинг учун гаров остида кредит олган қарздорнинг манфаатлари учун ишни судга олиб бормаслик керак.

Гаровни кўзда тутмайдиган истеъмоличилар экспресс-кредитлари бошқа масала. Бундай ҳолатларда суд қарздорнинг қарзини тўлашга етарли бўлган суммада ҳисоб рақами ва мулкни мусодара қилиш тўғрисида ҳукм чиқаради. Бу ҳаракатларнинг ҳаммасини суд ижрочилари амалга оширади. Уларнинг арсеналларида келгусида сотиш учун мулкни мусодара қилиш, жарима солиш ва иш ҳақининг 50%гача ушлаб қолиш кабилар бор.

Суд ижрочилари ҳолислари билан уйга ва ишига бориш ҳуқуқига эга. “Ижро ишлаб чиқариши ҳақида”ги қонунга кўра қўлларида мулкни мусодара қилиш ҳақида суд қарори бўлган ижрочилар пул маблағларини рўйхатга олишда топилган ҳар қандай валютада, қимматбаҳо металллар (уларни ҳам қўшиб) ва тошлар, заргарлик буюмларини оладилар. Ижрочилар бинодан топилган ҳар қандай мулкни, у ҳатто қарздорга тегишли бўлмаса ҳам, рўйхатга оладилар. Рўйхатдан қарздорга тегишли бўлмаган мулкни қайтариб олиш учун масалан, унинг қариндошларини судга беришга тўғри келади.

Россия банклари муддати ўтган қарзларни қайтаришда кўп босқичли самарали тизимни ишлаб чиқди. Муддати ўтган қарзларни қайтариш

маъсулияти малакали юристлардан ташкил топган банкнинг қарзни тўлатиш хизмати зиммасига юклатилди. Муддати ўтган кредитларни қайтариш тизими ўз ичига бир неча босқични олади.

Тўлов 10 кундан ортиқ муддатга кечикганда қарздорга хат ёки СМС хабар ёрдамида тўлов кечикгани ҳақида ёзма билдириш юборилади.

Тўлов 30 кундан ортиқ муддатга кечикса, кредит тўланмаган ҳисобланади. Банк қарздорга тўланмаган тўлов ҳақида телефон воситасида хабар қилади. Қоидага кўра, банк мутахассислари мижозга у банкка маълум суммани ва буни қаерда амалга ошириши мумкинлиги тўғрисида телефон қўнғироқида хабар бериш билан чекланади.

Иккинчи босқичда муддати ўтган тўловлар бўйича телефон қилиб, қарздорга ҳурмат ва мулойим оҳангда у банкка сумма қарз эканлиги эслатилади ва банк томонидан жарима санкциялари қўлланилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантиради. Суд орқали қарзни ундириб олиш мумкинлиги билдирилади.

Агар мижоз қаторасига учта тўловни тўламаса, банк мижоз билан муносабатлари бир томонлама тартибда узади. Қарздорга қарзнинг ҳамма суммаси тўлаши кераклиги ҳақида (асосий қарз, кредитдан фойдаланганлик учун фоиз, жарима, ҳисоб юритиш учун банкка комиссия) ёзма талабнома беради. Қарз тўланмаган ҳолатларда кредит иши ХКФБнинг қарзни қайтариш хизмати қидирув гуруҳига берилади. Унинг ходимлари қарзни қоплаш заруриятини баҳолаш учун қарздор билан учрашув ўтказадилар. Агар мижоз бу ҳолатда ҳам кредитни қайтаришдан бош тортса, бу банкнинг суд орқали қарзларни қайтариш бўлимига тушади. Агар улар ҳам қарзни қайтаришга умид йўқ деб тан олса, бундай кредитлар бўйича ташкил қилинган захиралардан ҳисобдан чиқарилади. Агар қарзни бир қисmini ёки ҳаммасини ундириш имкони бор деб топилса, бундай қарзлар коллекторлик агентликларига берилади, қоидага кўра, шартномалар билан ишлаш муддати 3 ой ёки судга ва судни қарзни ундириш қарорига мажбурий ижро этиши учун суд ижрочилари хизматига берилади. Банкнинг статистик

маълумотларига кўра, муддати ўтган тўловларни қайтаришга йўналтирилган чоралар натижаларига кўра 13,5% кредитлар қайтарилган.

Юқорида тадқиқ этилган муаммоли кредитларни бартараф этиш бўйича жаҳон мамлакатларининг бой таржибасини ўрганиб чиқиш, мазкур муаммога эндигана дуч келган мамлакатлар банк тизимларида олиб борилиши зурур бўлган ислохотларни режалаштиришда юқори самара келтириши мумкин. Хусусан, республикамизда ҳам банклар кредит портфелида пайдо бўлган муаммоли кредитларни бартараф этишда улардан фойдаланиш истиқболарини белгилаш мақсадга мувофиқдир.

III БОБ. МУАММОЛИ КРЕДИТЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.

3.1. Тижорат банкларида мавжуд муаммоли кредитлар билан ишлаш тизимини тақомиллаштириш масалалари.

Муаммоли кредитларни бартараф этиш бўйича норматив ҳужжатлар санокли бўлганлиги сабабли мавжуд муаммоли кредитлари билан курашиш йўлини банкнинг ўзи белгилайди.

Банкларда юзага келган муаммоли кредитларни бериш белгиларига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлиб, таснифлаш мақсадга мувофиқдир. Булар:

Банкнинг ўз қарори бўйича берилган кредитлар;

ҳукумат қарори бўйича берилган кредитлар;

Вазирликлар қафолати бўйича берилган кредитлар;

Бошқа турли қарор ва қафолатлар бўйича берилган кредитлар.

Агар банк барча рискни ўзига қабул қилган ҳолда ўзи кредит беришга қарор қилиб, бу кредит бўйича муаммолар юзага келган бўлса, у ҳолда банк миқдорнинг акциядорлик муносабатини кўриб чиқиши лозим. Агар миқдор банкнинг акциядори бўлса, кредитни қайтариш масаласини унинг акциядорлик жамиятидаги салмоғи ҳисобидан амалга ошириши мақсадга мувофиқдир. Маъодо кредит ҳукумат ёки вазирликлар қафолати бўйича берилган бўлса, Ш. 3. Абдуллаева томонидан у кредитларни ундиришнинг қуйидаги ечими таклиф қилинган.

Молия Вазирлигида ҳукумат қафолати бўйича берилган, лекин муаммоли кредитларга айланган кредитлар бўйича иш олиб боровчи агентлик-эмитентларни ташкил қилиш лозим. Бу агентликка облигациялар чиқариш ҳуқуқи берилиб, муаммоли кредитлар бўлган банклар шу облигацияларни сотиб олиш йўли билан муаммоли кредитлар салмоғини қоплаши мумкин. Облигациялар узоқ муддатга эга бўлган ҳолларда банклар улар бўйича дивиденд олиш имконига эга бўлишлари лозим. Муаммоли кредитлар бозорини ташкил қилиб унда муаммоли кредитларни ва улар бўйича банклар олган облигацияларни сотишни йўлга қўйиш лозим.

Муаммоли кредитлар юзага келиш сабаблари бўйича бир-биридан фарк қилсада, уларнинг олдини олишда қўйидаги ёндашишлар қўл келиши мумкин. Бунда:

- қарзни реструктуризация дастурини ишлаб чиқиш;
- қўшимча ҳужжатлар ва кафолатлар олиш;
- қўшимча фондларни тўхтатиш ёки қўшимча инъекция килиш;
- гаровни сотиш;
- бошка активларни сотиш;
- кафолат бўйича тўловни талаб килиш;
- бошқарувни алмаштириш;
- менежмент ишларини олиб бориш;
- ҳуқуқий ишларни кўриб чиқиш ва бошқалар.

Бизга маълумки, тижорат банкларининг ишончилиги ва барқарорлигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш Марказий банк томонидан мувофиқлаштириб борилади. Шунинг учун банклар тизимининг самарали ва барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш масаласи турли мамлакатлар Марказий банкининг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Ҳар бир мамлакатда бу соҳада ўрнатиладиган назорат Марказий банк томонидан тижорат банкларида уларнинг активлари бўйича мумкин бўлган йўқотишларни қоплаш учун захиралар ташкил қилиш ва уни доимо барқарор ушлаш масаласини қўяди.

Тижорат банклари томонидан берилган кредитлар сифатининг пастлиги, уларни тўлаш бўйича муаммоларнинг кўплиги банк фаолиятига салбий таъсир кўрсатади ва банк томонидан кредит сиёсатини тузиш ва уни олиб боришда маълум камчиликларга йўл қўйилганидан далолат беради. Баъзи банклар томонидан берилган кредитлар сифатини пастлигини қуйидаги сабаблар туфайли, яъни биринчидан, кредитлар беришда миқдорнинг кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичлари, уларнинг молиявий аҳволининг яхши таҳлил қилинмаганлиги, иккинчидан, кредитнинг таъминланганлиги тўғри аниқланиб, расмийлаштирилмаганлиги ва учинчидан, ўз вақтида, тўғри

кредит мониторинги ўтказилмаганлиги туфайли юзага келган деб хулоса килиш мумкин.

Тижорат банклари фаолияти, айниқса кредитлаш жараёни риск билан боғлиқ. Шу сабабли банклар фаолиятининг барқарорлигини таъминлашда кредит портфелини оқилона бошқариш муҳим ўрин тутди. фикрларни ягона тизимга жамлаган ҳолда муаммоли кредитларга қўйидагича таъриф бериш мумкин: кредит рискларини амалда яққол намоён бўлишининг натижаси бўлиб, объектив ва субъектив сабабларга кўра, кредит шартномаси шартларининг бузилиши оқибатида, “субстандарт”, “шубҳали” ҳамда “умидсиз” кредитлар категориясига ўтиб қолган кредитлар муаммолидир.

Муаммоли кредитлар билан ишлаш фаолиятини тизимли равишда олиб бориш мақсадида, муаммоли кредитларни: муддати, сифати, таъминоти, ресурс манбаси ва кредитни бериш тўғрисидаги қарорни қабул қилувчи субъекти каби асосий йўналишлар бўйича таснифлаш мақсадга мувофиқ.

Муаммоли кредитларни юқоридаги йўналишлар бўйича таснифлаш уларни бартараф этиш учун ишларни тўғри ва самарали режалаштиришга ёрдам беради. Банк амалиёти кўрсатишича, кредитни қайтаришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишда кредит бўйича ундирувни нимага қаратиш лозимлигини аниқлаб олиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳоннинг аксарият мамлакатларида ишламаётган активлар муаммосини ечиш ва банк соҳасидаги инқирозни бартараф этиш учун давлат банклардан муаммоли активларни сотиб олган. Айрим мамлакатларда ҳукуматлар томонидан банкларнинг “ёмон” активлари билан мақсадли ишлаш учун махсус корпорациялар тузилган. Халқаро амалиётда муаммоли активларни бошқаришда иккита ёндашув қўлланилади: марказлашган ва марказлашмаган. Биринчи ёндашув давлат томонидан бутун банк тизимининг муаммоли активларини сотиб олиш ва бошқариш бўйича махсус корпорация тузилишини кўзда тутди. Марказлашмаган усулнинг моҳияти эса, банкнинг таркибида ишламаётган активларни бошқариш бўйича тегишли тузилмани ташкил этишдан иборат.

Кредитлардан кўриладиган зарарларни коплашга мўлжалланган заҳира ажратмаларининг амалдаги даражасига баҳо бериш учун эса қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

банк томонидан берилган кредитларнинг тўғри таснифланганлигига;

заҳира ажратмаларини таснифлаш асосида кредитларнинг тоифаларига муносиб равишда ташкил этилганлигига;

фоизларни ўстирмаслик мақомига эга бўлган кредитлар бўйича ҳисобланган ва муддати ўтган фоизларни ўз вақтида ва тўлиқ тижорат банкининг балансидан чиқарилганлигига.

Ҳар бир банк ўзининг кредит сиёсатини 2.03.2000 йилидаги №905 сонли «Тижорат банкларининг кредит сиёсатига қўйиладиган талаблар» низомига мувофиқ тарзда тузади ва кредит сиёсатини юргизади. Ушбу низомнинг 2 бўлим 2.5 бандида кредитларни қайтарилувчанлигини кредит сиёсати даражасида кўтарилиши кўзда тутилган бўлсада, лекин кўпгина ҳолларда тижорат банклари томонидан ишлаб чиқилган «кредит сиёсатлари» юзаки ишлаб чиқилган. Шунинг учун ҳам муаммоли кредитлар пайдо бўлган вақтда жойлардаги ходимлар томонидан ушбу масалани ечиш бўйича қийинчиликлар туғилади. Агарда муаммоли кредитларни ундириш бўйича иш тўғри йўлга қўйилмаса, буни амалга ошириш учун жуда кўп вақт ҳамда маблағ талаб этилади.

Кредитлаш банк ишининг ўзаги бўлиб, унинг сифатига қараб банкнинг фаолияти тўғрисида хулоса чиқариш мумкин. Бунда, асосан, кредитларни бошқариш жараёнининг асосий аҳамият касб этишига сабаб шуки, унинг сифати банк ишининг самрадорлигига боғлиқдир. Иқтисодчилар томонидан жаҳон банкларининг синиши (банкротликка учраши) сабабларини тадқиқ қилиш шуни кўрсатаётгани, асосан, банкларнинг синишига сабаб – банк активлари сифатининг (энг аввало кредитларнинг) пастлигидир. Кредитнинг сифати кредитлаш жараёнини бошқаришга боғлиқ бўлиб қуйидаги асосий элементлардан ташкил топади:

тижорат банкида мукамал ишлаб чиқилган кредит сиёсати кредитлаштириш жараёнининг мавжудлиги;

кредит портфелини оптимал бошқаришнинг йўлга қўйилганлиги;

кредитларни мунтазам назорат қилишнинг ташкил қилинганлиги;

банк тизимида ишлайдиган ходимларнинг тайёргарлик даражаси.

Тижорат банклари томонидан берилган жами кредитлар ҳажмида муддати ўтган кредитлар салмоғининг ўзгариши.

Тижорат банклари томонидан берилган жами кредитлар ҳажмида муддати ўтган кредитлар салмоғининг ўзгариши кредит сиёсатининг самарадорлигини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Ривожланган хорижий давлатларда банк амалиётида, хусусан, Ғарбий Европа давлатларининг банк амалиётида муддати ўтган кредитлар жами кредит қўйилмалари ҳажмидаги салмоғини 3 фоиздан ошмаслиги нормал ҳолат ҳисобланади. Бу кўрсаткичнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган чегаравий миқдори 5 фоизни ташкил қилади.

Фоизларни ўстирмаслик мақомига эга бўлган кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизлар миқдорининг ўзгариши.

Ҳукуматимиз томонидан республикада муаммоли кредитлар кескин ортиб кетганлиги сабабли Вазирлар Маҳкамасининг 04.12.2002 йилда №422 сонли «Банкларнинг кредитлари бўйича қарздорлик ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда ундирувчи қарздорнинг ликвидли мол-мулкига қаратиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори чикди. Ушбу қарорга асосан қарздорнинг пул маблағлари етарли бўлмаган тақдирда, банк кредит бўйича қарздорликни қонун ҳужжатларда белгиланган тартибда ва нотариал тасдиқланган ёзма битим асосида қарздорнинг ликвидли мол-мулки ҳисобига ёки ундирувчи суд тартибида қарздорнинг ликвидли мол-мулкига қаратиш йўли билан қайтаришга ҳақлидир. Банк қарздорга қайси ликвидли мол-мулки ҳисобига қайтариш бўйича ўз мўлжали тўғрисида ёзма равишда билдиришнома беради. Мижоз эса ўз навбатида 15 кундан кечиктирмай банкка ёзма жавоб юбориш шарт бўлади. Бундай ҳолат фақатгина банк ва

қарздор ўртасида келишув бўлган тақдирдагина самарали бўлади. Аксарият ҳолатларда эса қарздор атайин қарзни тўлашни кечиктириб, ишни суд орқали чўзиш тарафдори бўлади, чунки суд ҳаракатларини амалга ошириш учун кўп вақт талаб этилади. Хўжалик судларига келиб тушган даъво аризалари бир ой муддат ичида кўриб чиқилади. Агар суд банк фойдаси ҳал бўлса, қарздор ўзининг иккинчи ҳуқуқи апелляция шикояти билан судга ўз норозилигини билдиради, агар у ҳолатда ҳам натижага эришмаса қарздор энди хўжалик судига касация шикояти билан мурожаат қилади, агар бу яна банк фойдасига ҳал бўлса, улар Олий хўжалик судига мурожаат қилишади. Бундай ҳолатда факатгина қарздор вақтдан ютади. Бу даврда эса банкнинг аҳволи нима кечади деган савол ўз-ўзидан туғилади. Банклар учун шу давргача олиши мумкин бўлган фойда олиш имкониятидан маҳрум бўлади. Лекин куп ҳолларда ҳам судда иш банк фойдасига ҳал бўлавермайди. Суд агар қарздор фойдасига ҳал бўлса, банк ушбу кредит суммасини ўз фойдасидан коплайди. Юқорида санаб ўтилган ҳар бир инстанцияга мурожаат қилиш учун давлат божи ҳамда почта харажатлари билан боғлиқ тўловлар амалга оширилади.

Бугунги кунда тижорат банкларининг кредит портфелини маълум бир қисмини муаммоли кредитлар ташкил этади. Ажратилган кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни олдини олиш мақсадида тижорат банкининг кредит портфели доимий равишда таснифланиб борилади. Кредитларни ўз навбатида 5 турга, яъни яхши, стандарт, субстандарт, шубхали ҳамда умидсиз турларига таснифлаш мумкин. Шубхали ва умидсиз деб таснифланган кредитлар муаммоли кредитлар деб қаралади. Муаммоли кредитлар тижорат банкларининг фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Банклар олдидаги асосий вазифа кредит бериш эмас, балки кредитларни ўз муддатида қайтарувчанлигини таъминлаш масаласи туради. Чунки муаммоли кредитлар тижорат банкининг фойда олиб келадиган активларини камайтиради, бу эса ўз навбатида банкнинг истиқболдаги режа кўрсаткичларига эриша олмаслигидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ривожланган мамлакатларда кредитлаш жараёнида инсон омилига катта эътибор қаратилади. Мамлакатимизда эса аксинча, корхонанинг умумий молиявий ҳолатига ҳамда таъминоти бирламчи ўринни эгаллайди.

Нотариал тасдиқланган гаров шартномаси асосида тижорат банклари судга мурожаат қилмасдан, мол-мулкни тўғридан-тўғри ўз балансига қирим қилиши керак. Чунки гаров шартномаси имзоланаётган даврда мулк эгаси ва унинг оила аъзоларининг розилиги олинади. Бу ерда агар мулкни банкка топшириш учун миждоз норози бўлган тақдирда, қонунчиликда белгиланган тартибда барча суд ҳаражатларни миждоз ўз ҳисобидан амалга ошириб хўжалик судига мурожаат қилиши мумкин. Бундай ҳолат муаммоли кредитларнинг тезроқ қайтарилишини таъминлайди ҳамда корхона раҳбарларини маъсулиятини оширишга олиб келади. Шунинг учун ҳам зарурий қонун ҳужжатларини қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлади

Банклар муддати ўтган кредитларни ўрнини тўлдириш мақсадида мулкни биржа орқали аукцион ўтказиш йўли билан сотадилар. Ушбу аукционда мулк эгасининг ўзи ҳам иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади. Гаровга қўйилган мулк мўлжалланган нархда сотилиши, яъни кредит бўйича асосий суммани ҳамда фоизлар бўйича қарздорлик суммасини қоплаш учун етарли бўлган тақдирда, ижобий деб баҳоланади акс ҳолда, кредитни қоплаш учун етмаган суммани ундириш учун яна хўжалик судига мурожаат қилиш талаб этилади.

Бугунги кунда муаммоли кредитлар ҳисобидан ундирилган мулкларни сотиш бўйича бир қатор қийинчиликлар мавжуд.

Тижорат банклари томонидан гаровга қўйилаётган мулкни баҳолаш борасида банкларнинг кредит сиёсатида ёки мулкни баҳолаш тўғрисидаги норматив ҳужжатларга асосан мулк бозор баҳосида олинishi кўзда тутилган, лекин ҳар доим ҳам банк мулкни бозор баҳосида баҳолай олмайди. Бу эса ўз навбатида гаровга тақдим этиладиган мулкнинг реал баҳоланмаслигига олиб келади.

01.05.1998 йилдаги «Гаров тўғрисида»ги конуннинг 10-моддасига биноан гаровга қўйиладиган мулкнинг баҳоси ер муносабатларини ва қўчмас мулк кадастрини тартибга солиш бош бошқармаси томонидан тасдиқланган нархдан паст бўлмаслиги керак, яъни банк ва миждоз ўртасида ўзаро баҳолаш далолатномаси тузилган даврда кадастр нархидан пасайтириш мумкин эмас дейилган.

Ҳар доим ҳам ер ва қўчмас мулк кадастри бошқармаси томонидан ўрнатилган нарх бозор баҳоси билан мос келавермайди. Бу ерда эса миждоз ва банк ўртасида турли хил келишмовчиликлар пайдо бўлади. Биринчидан мулк эгаси ўз мулкни қанча юкори баҳолатиб қўпрок кредит олишни мўлжаллайди, банк эса аксинча мулкни бозор баҳосидан пастроқ қилиб олиш тарафдори бўлади. Ҳар бир ҳолатда мулкни ўз реал нархида баҳолаш муҳим аҳамият касб этади.

Банк амалиётида шундай ҳолатлар ҳам учраб турадики, кредит олиш мақсадида ҳеч кимга сотилмай қолган ва ҳеч нимага арзимайдиган мол-мулк гарови эвазига ҳар хил йўллар билан банкнинг мулкни баҳолаш бўйича мутахассиси ҳамда кадастр идоралари билан келишилган ҳолда унинг нархи жуда юкори қилиб кўрсатилади. Натижада режалаштирилган иш амалга оширилиб, муаммоли кредит сунъий равишда юзага келтирилади. Бундай ҳолатда миждоз кредит учун гаровга қўйилган мулкни ихтиёрий равишда банкка топширади. Бу эса кредит суммасини тўлик қайтариш учун етмайди ва банк ўз-ўзидан хўжалик судига қарздорликнинг қолган қисмини ундириб бериш мақсадида мурожаат қилади. Қўшимча равишда бож тўловлари, мулкни сотиш билан боғлиқ ҳаражатлар банкнинг ҳаражатларини ортишига олиб келади.

Банк раҳбарияти ҳамда кредитлаш бўлими ходимлари муаммоли кредитлар келиб чиққанда уларни яшириш эмас, балки қайтарилишини таъминлаш чораларини кўриши лозим.

Ҳар бир кредит бошкаларига ўхшамаган алоҳида хусусиятларга эгадир. Шунинг учун ҳам муаммоли кредитларни қайтарилишини таъминлаш

борасида аник конун ва қоидалар ишлаб чиқилмаган. Муаммоли кредитларни бартараф этиш бўйича асосан банклар томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилади:

кредит муддатини узайтириш (пролонгация) чораларини кўриш;

қўшимча равишда таъминот талаб қилиш;

гаров сифатида қўйилган мулк ёки учинчи шахснинг кафиллиги бўйича кредитни қайтариш чораларини кўриш;

кредитини бошқа банкка сотиш;

корхона раҳбариятига мавжуд муаммони ҳал этиш бўйича консалтинг хизматларини таклиф этиш;

корхонанинг бўш турган активлари, мол-мулкларини сотиш, дебиторлик қарзлари мавжуд бўлган тақдирда уларни ундириш эвазига муаммони ҳал этиш;

Тижорат банклари томонидан берилган кредитларни муаммоли кредитларга айланмаслигини таъминлаш мақсадида қуйидаги таклифларни келтириб ўтамир:

Кредит учун келиб тушган ариза бўйича атрофлича ёндашув, яъни даслабки мониторингни тўғри ва мукамал амалга ошириш. Бу ерда биринчи навбатда мижознинг характериға, унинг молиявий аҳволиға, бизнес ҳамкорлари ўртасидаги мавқеиға ҳамда ушбу соҳадаги тажрибасиға эътиборни қаратиш;

Кредит аризаси кўриб чиқилаётган даврда унинг банкка тақдим этаётган ҳужжатлар тўпламининг тўлиқлигини таъминлаш, уларнинг тўғрилигини текшириш талаб этилади. Кредит бўлими ходими томонидан унинг молиявий аҳволи чуқур таҳлил этилиши ва ҳолисона баҳо берилиши керак;

Кредит ажратилган даврдан бошлаб, мижознинг бизнес-режа бўйича амалга ошираётган ишларини, ҳисобрақамидаги маблағлар айланмасини доимий равишда назорат қилиб бориш, мол етказиб берувчилар билан ҳисоблашишлар ўз муддатида амалга оширилиши, муддати ўтган

дебиторлик-кредиторлик қарздорликларига йўл қўймаслик чораларини кўриш;

Кредит таъминоти сифатида тақдим этилган мол-мулкни сақлаш ва эксплуатация шароитини доимий равишда назорат қилиб бориш;

Кредит таъминоти сифатида учинчи шахснинг кафиллик шартномаси тақдим этилган бўлса, кафилнинг молиявий ҳисоботларини чоракда бир мартаба таҳлил қилиб унинг тўлов қобилиятини ўрганиб бориш керак;

Корхонанинг мол-мулкни баҳолашда банкнинг мулкни баҳолаш бўйича мутахассисига кўпроқ имкониятлар яратиб бериш, чунки мижоз пуллик баҳолаш хизматидан фойдаланадиган бўлса, унинг кредит олгунга қадар қиладиган ҳаражатлари ортиб кетади.

Юқоридаги жараёнларнинг барчасини амалга ошириш учун кредит бўлими ходимларидан қатъиятлилиқ ҳамда маъсулиятни талаб этади. Барча амаллар ўз муддатида тўлиқ бажарилган тақдирда кредитларнинг «муаммоли кредитлар»га айланишини олдини олган бўламиз.

Банкларнинг кредитлаш фаолиятида гаров объектларидан фойдаланиш самарадорлиги. Республикамиз тижорат банкларининг фаолиятида кредитларни гаров асосида бериш кредит сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли, гаров объектларидан унумли фойдаланиш масаласини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда асосий эътибор гаров объектларини сотиш эвазига кредитларнинг асосий қарз суммаси ва уларга ҳисобланган фоизларни ундиришга қаратилади.

Хулоса ва таклифлар

Ушбу магистрлик диссертациясини ёзиш жараёнида қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

1. Аксарият ҳолларда “муаммоли кредит”нинг белгилари кредитлаш жараёнининг дастлабки босқичида, яъни кредит сўраб мурожаат қилган мижознинг аризасини кўриб чиқиш даврида юзага келади. Чунки, унинг кредит тарихи тўлиқ ўрганилмайди, молиявий ҳисоботининг ҳақиқатда тўғри тузилганлигига ҳеч ким кафолат бერмайди, фақат банкнинг ўзигина ҳисоботни таҳлил қилиш вақтида ва мижоз билан суҳбат жараёнида ўрганиши мумкин.

2. Муаммоли кредитларни бартараф этиш ва уларнинг олидини олиш бўйича илғор хорижий тажрибани ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари учун қўллаш катта самара беради

3. Жумладан, кредит рискин аниқлаш, муаммоли кредитлар билан ишлар методлари пухта ишлаб чиқилмаганлиги ҳамда тажрибали мутахассисларнинг етарли эмаслиги муаммоли кредитларнинг пайдо бўлишининг олдини олиш ва рискни бошқаришда қийинчиликлар туғдирмоқда.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида ислохотлар кўламини чуқурлаштириш ва кенгайтириш, мамлакатда ишчанлик муҳитини шакллантириш бўйича мезонлар ва баҳолаш тизимини белгилаш ва амалга ошириш бўйича чоратadbирлар Дастури тўғрисида»ги 2011 йил 7 январдаги ПҚ–1464-сонли Қарорининг 2-иловасига мувофиқ тасдиқланган «Иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш кўламини, мамлакатда ишбилармонлик муҳитининг шаклланиш даражасини баҳолашнинг ҳар чораклик индикаторлар тизими» доирасида Молия-банк сектори ривожланишининг индикаторлари белгиланган эди. Ана шунинг ичида муаммоли кредитнинг кредит қўйилмаларидаги улушини аниқлаш индикатори сифатида қуйидагилар белгиланган

- 1 – юқори даража (10%дан юқори)
- 2 – ўртача даража (6% дан 10%гача)
- 3 – мўътадил даражаси (4% дан 6%гача)
- 4 – паст даража (4%дан паст).

Муаммоли кредитларни олдини олишда кредит қўйилмалари бўйича молиявий индикаторларни доимий назорат қилиб борилмасли ва вақтида чора тадбирлари ишлаб чиқилмаслиги ёки бу ишларнинг заиф ташкил қилинганлигидан далолат берилгаи. Бу кўрсаткичларни тўғри ва аниқ ҳисоблаш муаммоли кредитларни индикатори шаффофлигини белгилайди.

5. Бозор мунособатлари шароитида тижорат банклари кредит портфели рисклилигини камайтириш чораларини ишлаб чиқиш муҳим вазифа ҳисобланади. Бунинг учун кредит портфели диверсификациясига алоҳида ёндашув лозим. Тижорат банклари универсал ҳарактерга эга бўлганлиги учун берилаётган кредитларнинг барчасида бир хил муаммо юзага келади. Имкон қадар бир тармоқни максимал миқдорда кредитлашдан холи бўлишга ҳаракат қилмоқ лозим. Шу ўринда банкларнинг кредит ресурслари тақсимланишини рационал амалга ошириш мақсадга мувофиқ;

6. Кредит сиёсати банк кредит ресурсларининг хатар даражасини, кредитларнинг таъминланганлик даражасини, кредитларнинг ҳудудлар ва тармоқлар бўйича жамланганлигини, кредитлашнинг манбалари бўйича, мулк шакли бўйича систематик таҳлил қилишни назарда тутиб бориши лозим.

7. Скоринг тизими жорий қилинишига қарамасдан, банкларда қарздорнинг кредитни қайтаришда лаёқатлилигининг етарли эмаслиги кўзга ташланмоқда. Банк ходими томонидан скорингдан фойдаланишда йўл қўйилаётган камчиликларни (даромадини яшириш, коммунал тўловларни яшириш, унинг оилавий шароитини тўғри кўрсатмаслик ва бошқалар) максимал даражада камайтириш

Магистрлик диссертацияси мавзусини тадқиқ қилиш ва юқоридаги хулосаларга асосланиб бир қатор таклифларни ишлаб чиқишга муваффақ бўлдик:

1. Кредит сўраб мурожаат қилган шахсларнинг кредит тарихини ўрганиш асосида кредитлаш ишларини янада такомиллаштириш зарур. Бунда ижобий кредит тарихи мавжуд бўлган шахсларга кредит тарихи салбий бўлган ва кредит тарихи бўлмаган шахсларга нисбатан пастроқ фоиз ставкасида кредитлар бериш ёки таъминот қўйилган талабни камайтириш амалиётини йўлга қўйиш лозим деб ҳисоблаймиз.

2. Кредит рискин, муаммоли кредитларни олдиндан аниқлаш ва унинг замонавий усуллари ўрганиш, ўзлаштириш меҳанзмини йўлга қўйиш ҳамда тажрибали мутахассисларни тайёрлаш лозим. Банклар бу ишларга зарур бўлган харажатларни иқтисод қилишдан ўзларини тийишлари лозим. Ҳолбуки ҳар йили АҚШнинг 70 дан ортиқ йирик банклари кредит рискин бошқариш, муаммоли кредитларни олдиндан аниқлаш, улар билан ишлашнинг янги усуллари ўрганиш, ривожлантириш ишларига 2 миллиондан 15 миллион АҚШ долларигача харажат қилади. Ходимларни хорижга қисқа муддатга хизмат сафарига юбориш эса юқори самара бермайди. Рискни бошқарадиган мутахассисларни (риск-менежерлар) халқаро ташкилотлар, хорижий молия-кредит институтлари иштирокида Ўзбекистон Республикасида ўқитиш ва тайёрлаш ишларини йўлга қўйиш зарур.

3. Ўрнатилган молиявий индикатор кўрсаткичларни ҳолислилигини таъминлаш мақсадида тижорат банклари берган маълумотларини тўғрилигини доимий равишда мониторинг қилиш.

4. Кредит бўйича қарор қабул қилишда ички скорингни адолатли амалга ошириш.

5. Илғор мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, молия бозорини ривожлантириш орқали муаммоли активлар бўйича қарз

мажбуриятларини ифодаловчи қимматли қоғозларнинг эмиссиясини ташкил қилиш.

6. Ходимларнинг меҳнати ва малакасига яраша ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш лозим..

7. Тижорат банклари нафақат ўз маблағлари ҳисобидан кредитлаш операциялари балки хорижий молия-кредит институтларининг кредитлари орқали кредитлар ҳам ажратади. Бундай жараёнда ҳам кредитлар қайтмаётганлиги ҳам амалиётда кўзга ташланияпти. Бунинг олдини олиш учун махсус уч томоннинг манфаатини ҳисобга олган ҳолда суғурталаш операциясини амалга ошириш лозим.

8. Бюджетдан ташқари фондлар ҳисобидан ажратилаётган имтиёзли кредитларда тижорат банклари маржасини ошириш зарур. Бу билан биз тижорат банкларининг ушбу фондлар кредит линияларидан ажратаётган кредитларга иштиёқини оширамиз ҳамда кредит риск таваккалчилигини камайитишга эришган бўлар эдик..

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари.

- 1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Шарқ, 1992. 54-57 бет.
- 1.2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролар Кодексининг II-қисмига шарҳлар, Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси Т.: 2007, 634 бет.
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни, 1995 йил 21 декабрь.
- 1.4. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, 1996 йил 25 апрел.
- 1.5. Ўзбекистон Республикасининг “ Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида ” Қонуни 1996 йил 31 август 279-1-сонли.
- 1.6. Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари. - Т.: 1999 йил 231 бет.
- 1.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2000 йил 21 март.
- 1.8. Ўзбекистон Республикасининг «Гаров тўғрисида»ги қонуни 01.05.1998
- 1.9. Ўзбекистон Республикасининг “Банк сири тўғрисида”ги қонуни 30.08.2003 й. N 530-II
- 1.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимини эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш тўғрисида” ги 2564-сонли фармони. 2000 йил 21 март
- 1.11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги 56-сонли “Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарори // Халқ сўзи 2005 йил 16 апрел № 73
- 1.12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг

устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПҚ-1438-сонли Қарори. 2010 йил 26-ноябр.

- 1.13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида ислохотлар кўламини чуқурлаштириш ва кенгайтириш, мамлакатда ишчанлик муҳитини шакллантириш бўйича мезонлар ва баҳолаш тизимини белгилаш ва амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар Дастури тўғрисида»ги 2011 йил 7 январдаги ПҚ-1464-сонли Қарорининг 2-илоvasи
- 1.14. Вазирлар Маҳкамасининг «Банкларнинг кредитлари бўйича қарздорлик ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда ундирувни қарздорнинг ликвидли мол-мулкига қаратиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори. 04.12.2002 йилда №422 сонли.

II. Меъёрий ҳужжатлар

- 2.1. Кредит ахбороти миллий институтининг маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда банклараро кредит бюросига ва тижорат банкларига кредит ахборотларни тақдим этиш тартиби тўғрисида Низом. 2004 й. 21 май.
- 2.2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 9 ноябрдаги 242-сон «Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан активлар сифатини таснифлаш, ссудалар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун ташкил этиладиган захирани шакллантириш ва ундан фойдаланиш» Тартиби.
- 2.3. Тижорат банкларида кредитларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида Низом 2004 йил 27 ноябр № 594
- 2.4. Ўзбекистон Республикаси банкларида кредит ҳужжатларини юритиш тартиби тўғрисида низом 2000 йил 22 феврал - 432-сон
- 2.5. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг «Тижорат банкларининг кредит сиёсатига қўйиладиган талаблар» низоми 2.03.2000 йил №905 сон

- 2.6. “Банкларнинг кредитлари бўйича қарздорлик ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда ундирувчи қарздорларнинг ликвидли мол-мулкига қаратиш тартиби”. 2002 йил 4 декабрдаги 422-сон қарорига илова
- 2.7. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг “Тижорат банкларининг банк таваккалчиликларини бошқаришига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги низом 2011 йил 7 май.
- 2.8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг “Банкларнинг кредит ва депозитлари бўйича фоизлар ҳисоблаш тартиби тўғрисида”ги Низоми, 1998 йил 2 декабрь.
- 2.9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг “Тижорат банклари ликвидлилигини бошқаришга бўлган талаблар тўғрисида”ги Низоми, 1998 йил 2 декабрь.
- 2.9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг “Тижорат банкларининг кредитлар бўйича фоизларни ўстирмаслик сиёсати тўғрисида”ги Низоми, . №1304. 2004 й 24.01
- 2.10.Марказий банки Бошқарувининг «Активлар сифатини таснифлаш, тижорат банклари томонидан улар бўйича эҳтимолӣ йўқотишларни қоплаш учун захираларни шакллантириш ва ундан фойдаланиш Тартибига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2011 йил 10 сентябрдаги 26/1-сонли қарори,
- 2.11.Ўзбекистон республикаси банкларида кредит ҳужжатларини юритиш тартиби тўғрисида низом (янги таҳрирда) 2000 йил 2 март 906-сон Тижорат банкларида кредитларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида Низом № 1435. 2004 йил 17 декабр.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

- 3.1. Каримов И.А. “Ўзбекистон буюк келажак сари”. Т.: Ўзбекистон, 1998. - 682 б.
- 3.2. Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI асрга интилоқда” Т.: Ўзбекистон, 1999 й. 78 б.

- 3.3. Каримов И.А. “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир”. Ўзбекистон, 85-бет.
- 3.4. Каримов И.А. “Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида” “Ўзбекистон” НМИУ, 2005, 8-бет
- 3.5. И.А. Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида- “Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим” мавзусидаги маърузаси // Халқ сўзи - 2006 й. 11 феврал.
- 3.5 Каримов И.А. “Озод ва обод ватан, эркин ва фаравон ҳаёт - пировард мақсадимиз”. - Т.: Ўзбекистон, 2000. - 528 б.
- 3.6. Каримов И.А. “Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз”. /Халқ Сўзи/, 2001 йил 17 февраль.
- 3.7. Каримов И.А. “2012 йил-мамлакатимиз тараққиётини кўтарадиган йил бўлади ”. - Т.: ТДИУ, 2012й. –
- 3.8.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.

IV. Махсус адабиётлар

- 4.1. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. Т.: Молия, 2002, 124-б.
- 4.2. Вахабов А.В. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: сабаблари, хусусиятлари, чуқурлашиш босқичлари ва ижтимоий-иқтисодий оқибатлари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, “Молия”, I-том. 2009. –б. 26-37.;
- 4.3. Наврўзова К. “Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва операцион техника” Т-2003

- 4.4. Андрей Мирошниченко Увлекательное взыскание обозреватель «БО»
"Банковское обозрение", №11, ноябрь 2008
- 4.5. Бабичевой Ю.А. Банковское дело. / под ред. / Москва, "Экономика"
1996г.
- 4.6. Банковское дело: современная система кредитования. Учебное
пособие/О.И.Лаврушин, О.Н. Афанасьева, С.Л. Корниенко; Под ред.
О.И.
- 4.7. Лаврушина-4-е изд., стер. - М:КНОРУС,2008 – 264 с.
- 4.8. Белоглазова Г.Н. Деньги. Кредит. Банки: учебное пособие. – М.: Высшее
образование, 2009 .- 620 с.
- 4.9. Бурмистрова Л.М. Финансы организаций (предприятий). – М.: Инфра-М,
2009. – 240 с.
- 4.10. Гетман Т.А. Дополнительные риски при кредитовании в иностранной
валюте // Банковское дело. – 2010. - №8. - с.72-74.
- 4.11. Ильясов С.М. Методологические аспекты формирования кредитной
политики банка // Деньги и кредит. – 2009. - №6 – с. 23-25.
- 4.12. Калмацкий М. «Плохих» долгов становится все больше // Новые
известия. – 2010. - №180. – с.2.
- 4.13. Кирьянов М. Зарубежный опыт работы с проблемными кредитами //
Банковское дело. – 2009. - №1. - с.66-68.
- 4.14. Кислицкая М. Кредитный фонд: свалка для просрочки или способ
работы с задолженностью // Банковское дело. – 2009. - №9. – с.64-66.
- 4.15. Крутова И.Н. Кризис и банковское проектное финансирование //
Банковское дело. – 2009. - №6. – с. 52-58.
- 4.16. Костерина Т.М. Банковское дело: учебное пособие. – М.: Изд. Центр
ЕАОИ, 2009. - 360 с.
- 4.17. Лаврушина О.И . Управление деятельностью коммерческого банка
(банковский менеджмент)/ Под ред. д-ра экон. наук, проф.. – Москва,
2002. – С. 456.

- 4.18. Колесникова В.И., Кроливецкой Л.П. Банковское дело. / под ред. / Москва, "Финансы и статистика" 1996г.
- 4.19. Казарцев А. Решение проблемы «плохих» кредитов: международный опыт // Банковское дело. – 2007. – №3. – С. 63.
- 4.20. Камфер Ю.А "Современные банковские операции". Москва 1998г
- 4.21. Ольшаный А.И. Банковское кредитование (российский и зарубежный опыт). – М.:РДЛ, 2008. – 205 с.
- 4.22. Панова Г.С. Кредитная политика коммерческого банка. М.: ИКЦ “ДИС”, 1997, 286-б.
- 4.23. Пещанская И.В. Организация деятельности коммерческого банка: Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2001, 33-б.
- 4.24.Роуз П. Банковский менеджмент. Пер. с англ. – М.: Дело, 1997, 192-б.
- 4.25. Управление деятельностью коммерческого банка (банковский менеджмент)/ Под ред. д-ра экон. наук, проф. О.И.Лаврушина. – М.: Юристъ, 2002, 456-б.
- 4.26. Fraser D., Gup B., Kolari J. Commercial banking/ The Management of Risk. St Paul, MN, 1995. – P. 623.
- 4.27. Тухтабаев У А . Муаммоли кредитлар ва уларни бартараф этиш йўллари. а в т о р е ф е р а т и 2007 йил
- 4.28. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида/ Тузувчи Муллажонов Ф.М.- Тошкент, 2005. 8-б.
- 4.29. Рейтинговое агентство «Рус-Рейтинг» «Обзор и оценка проблемных кредитов: потенциал рынка», июль 2010

V. Матбуот материаллари.

- 5.1. А. Қодиров “Кредит бериш механизми хусусиятлари” Бозор, пул ва кредит журнали 2004 йил 7–8 сон, 15–22 бет.
- 5.2. А. Қодиров “Кредит бериш механизмини такомиллаштириш” Бозор, пул ва кредит журнали 2004 йил 6 – сон, 9–15 бет.

- 5.3. Н. Холмуротов. “Кредит хатарини камайтиришининг муҳим омили” мақола. Бозор Пул кредит журнали. 09 сон .2011й
- 5.4. Б. Бердияров, А. Дўстжонов. “Муаммоли кредитлар таснифи, ўзига хос хусусиятлари ва уларни бошқариши масалалари” 9 сон. 2011й.
- 5.5. Тўхтабаев У.А. Муаммоли кредитларни бартараф этишнинг жаҳон амалиёти // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2006. – №11. 38-41 б.
- 5.6. Тўхтабаев У.А. Муаммоли кредитларни реструктуризациялаш масалалари // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2006. – №4. 16-19 б.
- 5.7. Пул-кредит сиёсатида мавжуд вазият ва монетар сиёсатининг 2012 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари. // Ж. Бозор, пул ва кредит 2012 йил № 1. 6-11б.
- 5.8. Пул-кредит сиёсатида мавжуд вазият ва монетар сиёсатининг 2011 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари. // Ж. Бозор, пул ва кредит 2011 йил № 1. 4-10б.
- 5.9. Бозор Пул Кредит журнали 2006-2012й
- 5.10. Банк ахборотномаси. 2003-2012й.
- 5.11. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, март 2012 йил
- 5.12. Банковское дело энциклопедия
- 5.13. ”Банк клент.ru” журнал о кредитах и банках
- Интернет сайтлари
- www.cbu.uz
- www.nbu.uz
- www.norma.uz
- www.google.uz
- <http://uba.uz>.
- www.uzexpert.uz.
- www.uzreport.com.
- www.UZA.uz.
- wikipedia.org
- banks-system.banks-credits.ru